

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## **“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ”**

**йўналиши**

## **“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ИҚТИСОДИЁТИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2017**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ”**

**йўналиши**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ  
ИҚТИСОДИЁТИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2017**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: Тошкент давлат аграр университети “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва маркетинги” кафедраси доценти, и.ф.н., И.Б.Рустамова, доцент, и.ф.н. Н.А.Ашурметова, ассистент С.А. Мустафаев

Такризчи: Прага Метрополитан университети “Халқаро бизнес” кафедраси ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди Леа Мелникова

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат аграр университети Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<u>I. Ишчи дастур</u> .....	4
<u>II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфеол таълим методлари.</u> .....	11
<u>III. Назарий материаллар</u> .....	19
<u>IV. Амалий машғулот материаллари</u> .....	95
<u>V. Кейслар банки</u> .....	114
<u>VI. Мустақил таълим мавзулари</u> .....	130
<u>VII. Глоссарий</u> .....	132
<u>VIII. Адабиётлар рўйхати</u> .....	170

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

## I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш, кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти” модулининг вазифалари:**

“Қишлоқ хўжалигида менежмент” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун педагогларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти борасидаги касбий компетентлик даражасини ошириш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти фани соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Қишлоқ хўжалигида менежмент” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётининг мазмуни, хусусиятлари ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрнини;
- Республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислохотлари ва уларни амалга ошириш ҳақида **билимларига эга бўлиши лозим**;
- Қишлоқ хўжалигида табиий, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнида вақтни тежаш каби **кўникмаларига эга бўлиши лозим**.
- Ишлаб чиқариш функцияларининг асосий концепциялари ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши омилларининг ўзгариши тамойиллари бўйича **малакаларига эга бўлиши зарур**.
- Қишлоқ хўжалигида инвестициялар ва инновациялар моҳияти, аҳамияти ҳамда инвестиция ва инновациялар самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар

билан ишлаш, кейс-стади ва бошқа интерактив таълим усуллари кўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва ўзвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги Қишлоқ хўжалигида менежмент, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётининг мазмуни ва хусусиятлари, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ресурслар ва улардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш функциялари, қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини белгилаш ва оширишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳафтаси	Аудитория ўқув юкламаси				
			жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Қўчма машғулот	
1	Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётининг мазмуни ва хусусиятлари		4	2	2	-	4
2	Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ресурслар ва улардан фойдаланиш		4	2	2	-	
3	Ишлаб чиқариш функциялари		6	2	2		
4	Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш ва уни самарадорлигини ошириш йўллари		6	2	2	2	
5	Қишлоқ хўжалигида инвестицион ва инновацион фаолият ва уларнинг самарадорлиги		6	2	4	2	
Жами:		30	26	10	12	4	4

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-мавзу: Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётининг мазмуни ва хусусиятлари (2 соат)

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини билишда «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти» фанининг аҳамияти ва вазифалари. Фандаги фойдаланиладиган тадқиқот усуллари ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг муҳим соҳаси эканлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий қонунлар тизими ва уларни амал қилиши. Давлатнинг ҳозирги даврдаги аграр сиёсати ва унинг асосий йўналишлари. Ер ислоҳоти, унинг амалга оширилиш босқичлари. Мулк ислоҳотлари, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллари. Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш йўналишлари.



## **2-мавзу: Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ресурслар ва улардан фойдаланиш (2 соат)**

Иқтисодий ресурслар тушунчаси ва уларнинг турлари. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни ва иқтисодий асослари. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг туркумланишига турлича ёндошув. Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги, унга таъсир этувчи омиллар. Асосий ва айланма фондларининг ҳозирги ҳолати, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ресурслари, ҳозирги даврда улардан фойдаланиш даражаси. Вақтни тежаш қонуни.

## **3-мавзу: Ишлаб чиқариш функциялари (2 соат)**

Ишлаб чиқаришнинг элементар назарияси. Ишлаб чиқариш функциясининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва турлари. Ишлаб чиқариш функциянинг изокванта, изоклина ва изокосталари. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш функцияларининг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши омилларининг ўзгарувчанлиги. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси тавсифи ва графиги. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида фойдани максималлаштириш.

## **4-мавзу: Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш ва уни самарадорлигини ошириш йўллари (2 соат)**

Қишлоқ хўжалигида ялпи ва товар маҳсулотлари тўғрисида тушунча, уларнинг аҳамияти. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби ва динамикаси. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш тартиби. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромад ва фойдалари, иқтисодий самарадорлиги ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти. Қишлоқ хўжалиги тармоқларида ялпи даромад, фойда ва соф фойда, уларни аниқлаш тартиби. Даромадларнинг ҳозирги даврда тақсимлаш тартиби ва уни такомиллаштириш. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида даромад, ялпи ва соф фойдани кўпайтиришга таъсир этувчи омиллар. Қишлоқ хўжалигининг пул даромадларини, ялпи ва соф фойдасини кўпайтириш йўллари. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш йўллари.

## **5-мавзу: Қишлоқ хўжалигида инвестицион ва инновацион фаолият ва уларнинг самарадорлиги (4 соат)**

Инвестиция тушунчаси, моҳияти, аҳамияти ва иқтисодиётдаги ўрни. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва ривожлантириш масалалари. Қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш ва ривожлантириш масалалари. Инвес иқтисодий сатиция ва инновацияларни самарадорлигини ошириш йўллари. Илғор ва самарали инновацион технологияларнинг аҳамияти ва бу борадаги давлатнинг сиёсати. Дехкончилик

ва чорвачилик тармоқларида илғор ва самарали инновацион технологияларнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлигининг ҳозирги ҳолати.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

**Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётининг мазмуни ва хусусиятлари(2 соат)**

**Амалий иш топшириғи.** Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларининг таҳлили. Республикада амалга оширилаётган аграр ислохотлар ва уларнинг натижаларининг таҳлили.

### **2-амалий машғулот:**

**Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ресурслар ва улардан фойдаланиш (2 соат)**

**Амалий иш топшириғи.** Иқтисодий ресурсларни кластер ёрдамида тавсифлаш. Ўзбекистон иқтисодий ресурслари, имкониятлари, захираларини умумий баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганиш.

### **3- амалий машғулот:**

**Ишлаб чиқариш функциялари (2 соат)**

**Амалий иш топшириғи.** Ишлаб чиқариш функцияларининг математик ва график ифодаланиши. Қисқа ва узоқ муддатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши омилларининг ўзгариши тамойилларини ўрганиш. Харажатлар ва ишлаб чиқариш хажми ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг фермер хўжалиги кўрсаткичлари бўйича таҳлили.

### **4- амалий машғулот:**

**Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш ва уни самарадорлигини ошириш йўллари (2 соат)**

**Амалий иш топшириғи.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳолари даражаси ва динамикаси мониторинги. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича технологик карталарни тузиш.

### **5-амалий машғулот:**

**Қишлоқ хўжалигида инвестицион ва инновацион фаолият ва уларнинг самарадорлиги (4 соат)**

**Амалий иш топшириғи.** Кейс-стади усулида қишлоқ хўжалигига инвестиция ва инновацияларни жалб этида самарадорлигини аниқлаш.

## **Кўчма машғулотлар мазмуни**

### **4-амалий машғулот:**

Фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш ва уни самарадорлигини ошириш йўлларитўғрисида маълумотга эга бўлиш учун Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институтига бориш (2 соат).

### **5-амалий машғулот:**

ТошДАУ тажриба-ўқув станциясига фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида ташриф буюриш (2 соат).

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
<b>1</b>	Кейс стади	1.5 балл	Муаммоли вазият таҳлилит
<b>2</b>	Масалалар ечиш	0.5 балл	Берилган масалаларни ишлаш
<b>3</b>	Мустақил иш	0.5 балл	Белгиланган тартибда
	<b>Жами</b>	<b>2.5</b>	

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



## “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

#### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li><li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li></ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li><li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li><li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li></ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li><li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li><li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li></ul>

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим

даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунини ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёниш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

➤ Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёрилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			



“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изох керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган

муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.
5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.
6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Такдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдиротини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **“Портфолио” методи**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1- мавзу: Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётининг мазмуни ва хусусиятлари

##### Режа:

1.1. Қишлоқ хўжалигининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни.

1.2. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислохотлар.

1.3. Аграр сиёсатнинг амалга оширишда давлатнинг роли ва иқтисодий стратегияси.

**Таянч иборалар:** *Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, аграр ислохотлар, иқтисодий қонунлар, тақрор ишлаб чиқариш, давлатнинг иқтисодий роли, иқтисодий таҳдидлар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мезонлари ва параметрлари.*

#### 1.1. Қишлоқ хўжалигининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни.

Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётида тутган ўрни, аҳамияти қуйидагиларда ифодаланади:

- қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат билан таъминлайди, озиқ-овқат кишиларнинг маънавий ҳаёти ва моддий ишлаб чиқаришининг асоси ҳисобланади;

- қишлоқ хўжалиги енгил ва озиқ-овқат саноати учун хом ашё манбаидир. Бу тармоқларнинг маҳсулоти ҳам бевосита аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги саноатнинг айрим тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва самарадорлигини аниқлайди. Тўқимачилик саноатида барча моддий харажатларнинг 40 фоизини, қанд саноатида – 70 фоизини, сут ва ёғ маҳсулотларида 80 фоизга яқинини қишлоқ хўжалик хом ашёси ташкил қилади. Ҳозирги вақтда мамлакатда аҳоли истеъмоли фондининг 3/4 қисми бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотидан ёки қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотидан иборат;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мамлакат оғир саноатининг ривожланиш суръатига ва даражасига самарали таъсир кўрсатади.

- Қишлоқхўжалиги йирик миқдорда ишлаб чиқариш воситаларини истеъмол қилгани ҳолда трактор, мелиоратив ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати, айниқса минерал ўғит ишлаб чиқаришга фаол таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришга кетадиган моддий харажатларнинг асосий қисмини саноат етказиб берадиган ишлаб чиқариш воситалари (ёқилғи-мойлаш материаллари, захира

қисмлар, минерал ўғит, омухта ем, асосий воситалар амортизацияси ва бошқалар) ташкил қилади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга меҳнат ресурсларини жалб қилиш сифатида катта аҳамиятга эга, чунки бу тармоқда фаол ходимларнинг 25 фоиздан ортиғи фаолият олиб боради. Қишлоқ хўжалиги ходимларнинг бир қисмини бошқа тармоқларга ўтказиб, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга катта ҳисса қўшади;

- қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни яна шу билан аниқланадики, у умумхалқ масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган жамғаришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида мамлакат яратилган қўшилган қийматнинг юқори улуши яратилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш муносабатларининг илмий асосларини яратишни талаб этади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий изланишлар мақсад тараққиёт қонуниятлари, қоида ва йўналишларини аниқлаб беришга қаратилган.

“Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти аввало иқтисодиёт назарияси билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги ўзига хос хусусиятларига ҳам эга:

**Фермернинг мақсад ва вазифалари.** Қишлоқ хўжалиги иқтисодчилари кўпинча фермернингбош мақсади деб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган тушум билан уларни ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ деб тан олинган фойдани максималлаштириш бўлади деб тахмин қилишади. Шунга қарамай, барча фермерларнинг ўзининг аниқ мақсадлари бўлади. Бир деҳқон мамлакатдаги энг йирик фермер хўжалигига эгалик қилишдан кўпроқ манфаатдор бўлиши мумкин. Яна бири эса қишлоқ хўжалиги техникаларининг энг илғор турларига эгалик қилиш деб мақсад қўяди. Бошқа фермерлар ўзларининг қарз юкларини минималлаштиришдан манфаатдор бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги раҳбарининг мақсад ва вазифалари унинг психологик характерида келиб чиқиб, максимал фойдага эга бўлиш билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳулқини тасвирлашга қаратилган кўпчилик иқтисодий моделлари вакиллари қишлоқ хўжалиги менежери максимал фойдадан манфаатдор ёкианиқроғи чекланган ресурслардан минимал даражада фойдаланиб максимал даромадга эга бўлувчи шахс деб тахмин қилишади.

**Ишлаб чиқариш маҳсулот турини танлаш.** Фермер хўжалиги раҳбари ер, меҳнат, машина ва ускуналар билан таъминлаганлигидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришнинг бир қатор вариантлари билан юзлашади. Қишлоқ хўжалиги менежери нафақат қанча товар ишлаб чиқариш бўйича қарор қилиши керак, мавжуд ресурсларни муқобил товарлар ўртасида қандай тақсимлаш кераклигини ҳам ҳал қилиши лозим бўлади. Фермер фойдани оширишдан манфаатдор бўлиши билан бир қаторда бошқа мақсадларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бунга турли чекловлар сабаб бўлади. Мисол учун, ҳукумат фермерларга муайян маҳсулотни маълум микдордаги акрлар (гектарлар)да ўстиришига рухсат бериши мумкин. Фермер аниқ бир маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича билим ёки афзаликларга эга бўлиши мумкин. Ажратилган ер

майдони аниқ қорамол тури ёки экинларнинг айрим турлари учун бошқа турларга қараганда энг қулай бўлиши мумкин.

**Ресурсларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида тақсимланиши.** Фермер қандай маҳсулот ишлаб чиқарилиши бўйича қарорга келгандан сўнг, ишлаб чиқаришда қатнашадиган ресурсларни маҳсулотлар ўртасида қандай тақсимлаш масаласини ҳал қилиши керак бўлади. Оддий саволга, яъни қайси ер майдонидан қайси маҳсулотни етиштириш учун фойдаланилади деган саволга аниқлик киритилгандан кейин, шу пайтга ўзида мураккаб савол туғилади. Одатда ҳар бир фермада ишчи кучи ва машиналарнинг миқдори чекланган. Шунинг учун фермер умумий мақсадидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир қорамол ёки экинлар турига аниқ турдаги меҳнат ва вақт ажратиш ҳақидаги муаммони ҳал қилиши керак бўлади.

**Хавф-хатарлик ва ноаниқлик эҳтимоли.** Ишлаб чиқариш иқтисодиёти моделлари фарази бўйича менежер қўлланилиши мумкин бўлган аниқ ишлаб чиқариш функциясини (мисол учун, маълум ўғитнинг аниқ миқдори аниқ ҳосил беришини) ҳамда ишлаб чиқариш омилларини сотиб олиш нархлари ва маҳсулотни қандай нархда сотилишини билади. Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигида тан олинган ишлаб чиқариш функциялари ўзини оқламайди. Қишлоқ хўжалигида бош омил ҳисобланган об-ҳавонинг ўзгариши муаммоларни чиқариши эҳтимоли катта. Шунингдек, қорамол турли касалликларга дуч келиб ўлиши, экинларни ҳашорот ва касалликлар таъсирида зарар кўриши ҳам хатари йўқ эмас. Шундай экан кўпчилик фермерлар иқтисодиёт назариясидаги ишлаб чиқариш функциясига ишонч билдирмайди.

Фермерлар сотиб оладиган ёқилғи, ўғит ва уруғ каби ресурслар нархларидан тўлиқ хабардор бўлишига қарамай, ишлаб чиқариш мавсумида яратган маҳсулотларни қандай нархда сотилишини билишмаслиги мумкин ва айрим ҳолда харажатлар қиймати сотилиш нархидан устун келиши мумкин.

Деярли барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархидаги ноаниқлик биологик интервал ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш вақти узоқ давом этиши натижасидир.

Иқтисодчилар кўп ҳолларда вақтни ҳисобга олмай фаразларни соддалаштириб, ишлаб чиқариш бир зумда амалга оширилади ва ишлаб чиқариш омиллари дарҳол маҳсулотга айлантирилади деган фикр билдиришади. Аммо бундай хайратли ходиса қишлоқ хўжалигида кузатилмайди, чунки кўпчилик экинларни етиштириш учун бир неча ойлар кетади. Хаттоки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш вақти йилларни ҳам ташкил қилиши мумкин, масалан эркак бузоқни уруғлантиришдан тортиб то бука даражасига етилиб бозорга чиқарилгунга қадар вақт икки-тўрт йилни ташкил этади. Демак, фермерлар ишлаб чиқаришни имкон қадар минимал харажатлар билан амалга ошириш керакки, бунинг натижасида сотилиш даврида бозорда нарх қандай бўлмасин сарфланган ресурслар қопланилиши керак бўлади.

**Фермер хўжалиги фаолият юритадиган иқтисодий рақобат муҳити.** Кўпинча иқтисодчилар соф рақобатнинг анъанавий моделини реал ҳаётда қишлоқ хўжалигида кузатиш мумкинлигини айтадилар. Лекин фермер фаолият

юритаётган рақобат муҳити кўпинча ишлаб чиқарилаётган товар турига боғлиқ”. [1]David L. Debertin. *Agricultural Production Economics Textbook*. Published by Macmillan.USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647<sup>1</sup>.

Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини илмий асосларини яратиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ниҳоят муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида талабга жавоб берадиган қуйидаги ҳукуқий, ташкилий иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизими яратилди, яъни:

-мулкчиликнинг турли шакллари барпо этилиши, натижасида эркин мулкӣ муносабатлар вужудга келди, тадбиркорликнинг ҳар хил турларини яратиш, уларни ривожлантириш йўллари изланмоқмоқда, ер-сув ислохотлари амалга оширилмоқда;


-тармоқнинг чекланган ишлаб чиқариш ресурслари (ер-сув, капитал, меҳнат, тадбиркорлик қобилияти)дан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, даромад, фойда ва уларнинг тақсимланиши, инвестицияларни жалб этиш, улардан самарали фойдаланиш, тармоқ ишлаб чиқаришини мақсадга мувофиқ жойлаштириш, ихтисослаштириш ҳамда агросаноат интеграциясини халқаро муносабатлар асосида ташкил этиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизими яратилиб, улар такомиллаштирилмоқда.

Юқорида таъкидланган иқтисодий муносабатлар тизимини яратишда халқимиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда табиий, ижтимоий, иқтисодий қонунлар, иқтисодий категориялар талабларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор иқтисодий асосини таъминлайдиган кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантирадиган иқтисодий муносабатлар тизимини яратиш, уларни қишлоқ хўжалиги фаолиятига тадбиқ этиш «Қишлоқ хўжаликишлаб чиқариши иқтисодиёти» фанининг предмети ҳисобланади.

«Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти» фани кишиларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучлар билан ўзаро алоқаларини, боғлиқлигини ўрганади, шу билан бирга иқтисодий қонунларнинг ҳаракат қилиш механизминини ва уларнинг намоён бўлиш шакллариини яратиш, улардан самарали фойдаланиш имкониятларини очиб беради. У жамиятнинг ривожланиши ва ўзгаришидаги қонуниятларни, уларнинг шакллариини ўрганган ҳолда воқеа - ҳодисаларни биргаликда ўзаро алоқадорликда ва сабаб оқибатда акс эттирувчи тушунчалар яъни иқтисодий қонунларга таянган ҳолда қишлоқ хўжалик иқтисодиётини аниқ шароитда ҳаракати йўналишларини очиб беради. Хўжаликларда улардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги каби кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, жамғариш, қиймат, талаб ва таклиф, пул муомаласи, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши каби объектив иқтисодий қонунлар тизими амал қилади.



1.расм. Иқтисодий қонунлар тизими.

«Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти» фанининг мақсади:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида чекланган ер-сув, меҳнат ресурслари, инвестициялар ва улардан тадбиркорлик билан самарали фойдаланишни;
- қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини;
- аграр-иқтисодий ислохотлар, уларни ривожлантириш йўллари;
- қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхоналар, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва улар фаолиятини такомиллаштириш йўллари;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишлаб чиқариш харажатлари, уларнинг таркиби ва камайтириш йўллари;
- қишлоқ хўжалигини эркин бозор иқтисодиёти талаблари асосида бошқаришни барпо этиш, такомиллаштиришни;
- етиштирилган маҳсулотнинг ҳажмини, сифатини, рақобатбардошлигини ошириш йўллари;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий муносабатларни амалга оширишда фойдаланилаётган баҳолар тизимини;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида даромад ва фойдани аниқлаш, уларни оқилона тақсимлаш йўллари;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қай даражада ихтисослашганлигини, жойлашганлигини ҳамда ички ва ташқи интеграциялашганлигини;
- ишлаб чиқариш воситаларини қаердан, қандай қилиб сотиб олиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни қачон, қиммат, қандай тартибда сотиш ва бошқа масалаларни ўрганиш.

«Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти» фанининг вазифалари:

- илғор қишлоқ хўжалик корхоналарининг эришган ютуқларини чуқур ўрганиш ва уларни бошқа хўжаликларга жорий қилиш учун тавсия этиш;
- экин майдонлари бирлиги ҳисобига кўпроқ ва арзонроқ маҳсулот етиштириш учун кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий тадбирларини ишлаб чиқиш.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини тезлаштиришга, жамғарма миқдори ва капитал сарфлар самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш ва меҳнат унумдорлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Бу масалаларни ҳал қилишда “Қишлоқ хўжалик



ишлаб чиқариши иқтисодиёти” фанининг вазифаси жамғарма самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда ишлаб чиқариш суратини юксалтириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланишга эришиш йўллари кўрсатиб бериш.

## **1.2.Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислохотлар.**

Мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашда аграр соҳа ва унинг асосий ўзаги ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатдаги барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларнинг ҳал этилиши, яъни ислохотларнинг самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан шу соҳада эришилаётган ютуқларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам республикада қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга энг долзарб масалалардан бири сифатида қаралмоқда.

Олиб борилаётган оқилона сиёсат, кенг қўламли ислохотлар истиқболда аграр соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, унинг глобал муаммоларини ечиш орқали аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириб бориш, пировардида аҳоли турмуш фаровонлиги ва юртимиз ободлигини янада юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётнинг ривожини кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар самарасига боғлиқ. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини кўтариш гаровидир. Республикаимизнинг ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини мунтазам кўпайтириб бориш долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб қишлоқ хўжалиги тармоқларида бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган кенг қўламдаги иқтисодий ислохотлар ўтказила бошланди. Қишлоқ хўжалигида мулкдор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотларини амалга оширишнинг:

- биринчи босқичи 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврда паст рентабелли, одамларга ўз имкониятларини намоён этиш учун шароит яратиб бермаган ширкат хўжаликларини тугатиб, шахсий ташаббускорликни рағбатлантиришга қаратилган фермер хўжаликларини ташкил этиш йўли танланди.
- иккинчи босқичи 2001 йил ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланди. Иқтисодий ислохотлар натижасида тармоқда хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг иқтисодий - ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини тубдан ўзгартириб, иқтисодиётда режа тақсимотли - маъмурий бошқариш услуби ўрнига бозор муносабатларига асосланган янги тизим шаклланди. Пировардида, тармоқда

ўтказилиб чуқурлаштирилаётган иқтисодий ислохотлар хўжалик юритишни хусусий мулкчиликка асосланган тенг ҳуқуқли рақобат шароитида фаолият юритишини таъминлай бошлади.



## **2- расм. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларини амалга ошириш босқичлари**

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар ҳам муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган беш тамойил асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, Муҳтарам Президентимиз 1989 йилда, яъни собиқ Иттифок давридаёқ, қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг даромадларини ошириш ва мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида аҳолига томорқа бериш тўғрисидаги қарорларини қабул қилган эдилар.

Бу масала ерни эгасига бериш ва маҳсулотларни кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг илк қадамлари эди.

Шу қарорга биноан 1,5 млн оила томорқа участкаларини кенгайтириш, 500 мингдан ортиқ оила эса томорқа ери олиш имкониятига эга бўлган. Демак жами 2 миллиондан ортиқ оила, яъни ўртача 10 млн. дан зиёд қишлоқ аҳолисининг иқтисодий-ижтимоий муаммоси ижобий ҳал этилган дейилса, муболаға бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигида 1990-чи йилларда хўжалик юритишнинг учта шакли - колхозлар, совхозлар ва шахсий томорқа хўжалиги мавжуд бўлиб, улар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермас эди. Ислохотларнинг дастлабки даврида ўндан ортиқ хўжалик юритиш шакллари синовдан ўтказилиб, улар орасидан Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари); Фермер хўжаликлари

ва Деҳқон хўжаликлари танлаб олинди. Улар бўйича тегишли қонунлар қабул қилинди. (“Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар)

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан кўзланган бош мақсад, ер муносабатларини такомиллаштириш, ерга эгалик ва ундан самарали фойдаланишдир. Шуни ҳисобга олиб, ерлар деҳқон хўжаликларига умрбод ва меросга қолдириш ҳуқуқи билан, фермер хўжаликларига камида 30 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга ижарага бериш йўлга қўйилди.

Бугунги кунга келиб, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган изчил ислохотлар натижасида пахта майдонлари 1,3-1,4 млн. гектаргача қисқартирилиб, ғалла майдонлари эса 1,3 млн. гектарга етказилди. Пахтадан бўшаган ерларда янги боғ ва узумзорлар барпо этила бошланди, сабзавот, полиз ва чорва озукаси экинлари майдонлари ҳам кенгайди.

1994 йилда мамлакат “Дон мустақиллиги Дастури”нинг қабул қилинганлиги бир вақтнинг ўзида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Жумладан:

- сиёсий жиҳатдан мамлакатимизнинг дон сотиб олиш учун бошқа мамлакатга иқтисодий қарам бўлишига йўл қўйилмади, аҳолининг дон маҳсулотлари билан таъминоти масаласи ҳал бўлди, давлат томонидан ун ва ун маҳсулотларининг нархи ошиб кетиши олди олинди;

- ижтимоий жиҳатдан биз бошқа мамлакатларнинг эмас, балки ўзимизнинг деҳқонларни иш жойлари билан таъминладик. Чорвачиликни ривожлантириш ва ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин экиб қўшимча даромад қилиш имконияти пайдо бўлди, халқнинг эртанги кунга ишончи таъминланди;

- иқтисодий жиҳатдан мамлакат валюта захирасини сақлаб қолиш ва бу валютани бошқа зарур соҳаларга ишлатиш имконияти яратилди, Донни қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга реал талаб пайдо бўлди(1 -слайд).

Бугунги дунёда озиқ-овқат нархи ошиб, кескин етишмовчилик бўлиб турган бир пайтда бундан 15 йил йил олдин узокни кўзлаган ҳолда нақадар тўғри қарор қабул қилинганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Пахтачиликда қўлланилган технологиялар асосида пахтани сентябрь-октябрь ойларида йиғиб олишга эришилмоқда. Пахта толаси экспорт бозорининг кенгайиши барча ишларимизни жаҳон бозори талаблари асосида олиб боришни тақозо қилади, нав танлашда ҳам бозор талабига устиворлик берилиб, бозор талабига жавоб берадиган навлар экилмоқда.

Кучдан ютсанг, масофадан ютқазасан, деган қоида бор. Авваллари экилган навлар нисбатан юқори ҳосилли бўлган бўлиши мумкин, лекин толаси сифатсиз бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Пахта толаси экспорт бозорининг кенгайиши барча ишларимизни жаҳон андозалари асосида олиб боришимизни тақозо этмоқда, ғўза навларини танлашда ҳам бозор талаби биринчи ўринга қўйилмоқда. Жаҳон бозорига ва саноат талабига жавоб бермайдиган навлар давлат реестридан чиқарилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техника таъминотидаги ўзгаришлар дала ишлари технологиясини – экишдан бошлаб то ҳосилни йиғиб олиб, ерларни шудгорлашгача бўлган жараёни кескин ўзгартириб юборди.

Ўтган вақт ичида олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида қуйидагилар амалга оширилди.

“Ер ислохоти” бўйича:

2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалигида ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шакли жорий этилди;

- Ер участкалари ижарага 30 йилдан 50 йилгача берилиши белгилаб қўйилди. Бунда пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг энг кам майдони 30 га, сабзавотчилик, боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалигининг энг кичик ҳажми 5 га қилиб белгиланди;
- Ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш тизими жорий этилди;
- Ўз маблағи ҳисобидан қўшимча ер ўзлаштирилганда қўшимча иқтисодий рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Сувдан фойдаланиш бўйича:

- ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий ҳудудий принциpidан ҳавза принциpigа ўтказилди, республика бўйича 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва 1 та Фарғона водийси бўйича бирлаштирилган диспетчерлик Марказига эга бўлган магистрал каналлари тизими бошқармаси ташкил этилди;
- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун Сув истеъмолчилари уюшмалари ташкил этиш йўлга қўйилди;

Молия-кредит ва солиқ соҳасида:

- давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотларни етиштиришни молиялаштиришда имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди.
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ерларни сифати, балл-бонитетига боғлиқ бўлган ягона ер солиғини тўлаш тизимига ўтказилди.
- республикаmiзда ишлаб чиқарилган техника воситаларини лизингга бериш тизими жорий этилди.
- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредит тизими яратилди.

Нарх-наво масалаларида:

- давлат томонидан сотиб оладиган пахтанинг нархи жаҳон бозоридаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди.
- давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархини минтақавий бозорлардаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди.
- бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нархи бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида белгиланмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истикболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади .

1. Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мулкii муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар бозор тамойиллари асосида амалга оширилади, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар маъсулиятини ошириш чоралари кўрилади.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ

унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чоратadbирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш таadbирлари амалга оширилади.

Ушбу мақсадда ўз маблағлари ҳисобидан ирригация-мелиорация таadbирларини амалга оширган фермерларни иқтисодий рағбатлантириш механизми жорий этилади

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадидасув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш таadbирларини амалга ошириш масалалари ҳал этилади.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилади.

Бунда, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берувчи навларни жойлаштириш,

ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ноанъанавий мойли қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини кўпайтириш (кунгабоқар, соя, махсар, кунжут)

мева, сабзавотлар, полиз маҳсулотларини сифати ҳалқаро андозаларга жавоб берадиган, экспортбop қилиб етиштириш;

мавжуд мева-сабзавот маҳсулотлари омборхоналарини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, янгиларини қуриш, ёпиқ майдонда маҳсулот етиштириш соҳасини ривожлантириш.

қишлоқ хўжалиги экинлари касаллик ва зараркунандаларига қарши курашда биологик усуллардан фойдаланган ҳолда ўсимликларни химоя қилиш тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади (1980 йилда 4 млн. 180 минг га майдонга захарли кимёвий воситалар билан ишлов берилган, 2010 йилда эса бу кўрсаткич 135 минг гектарни ташкил қилди).

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобига маҳсулдорлигини ошириш йўли билан амалга оширилади. Бунинг учун:

чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

наслчиликни тубдан яхшилаш;

-тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;

паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;

чорва молларини юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;

озуқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражаларига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озуқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилади:

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасидатабiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

кўрикланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;

ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

ҳудудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилади.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишда:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, уларни бевосита қишлоқ жойларида ўрнатишга алоҳида эътибор бериш.

Хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизими ишлаб чиқилади.

Экспорт қилишнинг «рухсат (лицензия, квота) олиш» тартибини қайта кўриб чиқиш ва соддалаштириш, экспортёр божхона постларида “хабардор қилиш” тартиби жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади.

Бунда асосан кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришга, қишлоққа саноатни олиб киришга эътибор берилади.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш

давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизими такомиллаштириш;

пахта ва ғалладан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизми такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, наслии чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технологиялар ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизими яна кенгайтириш;

қишлоқ жойларига кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга ошириш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёсати доимий равишда амалга ошириш;

Унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириб бориш.

10. Аграр фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун, унинг илмий таъминоти доимий ва узлуксиз бўлиши лозим. Тармоқдаги илмий таъминот тизими мураккаблиги, илмий муассасалар билан уларнинг маҳсулотларидан фойдаланувчиларни бири-бирига боғловчи тизим яратишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги фани ва ишлаб чиқариши ўртасидаги узвий боғлиқликни таъмин этишда:

атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хом ашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

қишлоқ хўжалигида ген инженерияси борасида тўпланган жаҳон тажрибаларидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;

экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;

мамлакатимиз ҳудудлари шароитига мос чорвачилик тармоғини юритиш тизимини яратиш ва бунда хориждан келтирилган насли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, паррандалар, пилла қурти зотларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади;

11. Қишлоқхўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида соҳада банд бўлган ортиқча иш кучини бошқа тармоқларга жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилади.

Бунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига хизмат қилувчи тармоқларни ривожлантириш, кичик қайта ишлаш корхоналари, бизнес ва тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш орқали қўшича иш ўринларини яратиш устувор равишда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоғини малакали мутахассислар билан таъминлаш, соҳада мутахассислар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тадбирлари мунтазам равишда амалга ошириб борилади.


### **1.3. Аграр сиёсатнинг амалга оширишда давлатнинг роли ва иқтисодий стратегияси**

Озиқ-овқат хавфсизлигига иерархия даражалари бўйича аниқ таркиблаштирилган мақсадларга эга бўлган кўп даражали тизим сифатида қараш зарур (3-расм). Мазкур муаммони ҳал қилувчи субъектларга кўра глобал, ҳудудлараро, давлатлараро, давлат, маҳаллий, аҳоли гуруҳлари ва оила (уй хўжаликлари), яъни 7 та даражаларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини глобал (жаҳон) миқёсда халқаро ташкилотлар ва махсус органлар (ФАО, Халқаро савдо ташкилоти, Озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси) ҳал қиладилар. Уларнинг асосий вазифаси инсоният ривожланишини таъминлаш мақсадида давлатлар иқтисодиётини барқарорлаштиришга кўмаклашишдир. Мазкур вазифаларни амалга ошириш:

-ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришга таъсир кўрсатувчи узок муддатли дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-захираларни яратиш ва ноқулай иқтисодий ва экологик вазиятларда ёрдам ташкил қилиш орқали амалга оширилади.



3-расм. Озиқ-овқат хавфсизлиги субъектлари

Давлат ва давлатларо даражада озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий мақсади иқтисодиётнинг барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини мувозанатлаштиришдан иборат.

Минтакавий даражадаги асосий мақсад-аҳолининг барча гуруҳлари озиқ-овқатларни ўрнатилган меъёрларга мувофиқ истеъмол қилинишини кафолатлайдиган даражадаги даромадар билан таъминлашдир.

Аҳолининг ижтимоий гуруҳлари (оилалар) даражасида озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг миқдори, асортименти, сифати бўйича рационал меъёрларга мувофиқ овқатланишини таъминлаш зарур.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳар бир даражасида мазкур жараёни бошқариш тегишли маъмурий органлар томонидан амалга оширилиши керак. Ушбу органларнинг вазифалари зарур маҳсулотларни самарали ишлаб чиқариш учун; уларга қарашли ҳудудларда яшовчи аҳолининг тавсия этилган миқдорда маҳсулотни сотиб олиш имконини берадиган даромадга эга бўлишлари учун; савдо тармоқларига озиқ-овқат маҳсулотларини



етказиб берилишини таъминлаш учун; маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Давлатлараро даражада озиқ-овқат муаммоларини ҳал қилиш бошқа мамлакатларда озиқ-овқат тақчиллигини бартараф этишга кўмаклашиши билан боғлиқ. Бу учун мамлакатлар давлатлараро ҳамкорликда иштирок этадилар, халқаро озиқ-овқат хавфсизлигини яратишга ҳисса қўшадилар. Бунда улар ўзларининг рақобатбардош ишлаб чиқаришларини ривожлантиришни ва ҳудудларнинг ҳамда барча ижтимоий гуруҳларнинг (масалан, МДХ) ўз-ўзини таъминлашларини рағбатлантиради. Озиқ-овқат хавфсизлигининг ҳар бир даражаси ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тақозо этувчи ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланади.

Ички озиқ-овқат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш ва давлат фондини шакллантириш, иқтисодий ривожланишни барқарорлаштириш давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган сиёсатида ўз аксини топади (4-расм).

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш қуйидаги муҳим вазифаларни давлат томонидан амалга оширишни тақозо этади:

1. Барқарор иқтисодий шароитни яратиш;
2. Самарали аграр сиёсатни олиб бориш;
3. Барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг имкониятларни яратиш;
4. Аҳоли бандлиги соҳасида самарали сиёсатни олиб бориш;
5. Озиқ-овқатга эга бўлишда тенгсизлик ва қашшоқликни бартараф этишга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни олиб бориш;
6. Озиқ-овқат маҳсулотларини турли-туман, барқарор ва интенсив ишлаб чиқаришга эришиш, унинг самарадорлигини ошириш;
7. Хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда илғор технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;
8. Ҳудудларни хомашё ва озиқ-овқат маҳсулоти билан ўзини таъминлаш ва халқаро меҳнат тақсимооти афзалликлардан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш;
9. Фаол ташқи иқтисодий сиёсатни олиб бориш, экспорт-импорт фаолиятини оптималлаштириш;
10. Аграр секторни инвестициялаш.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни аҳоли озиқ-овқат маҳсулотларини олишидаги тегишли таҳликаларга сабаб бўлувчи таҳдидларнинг таъсири билан ҳам боғлаш зарур.

Таҳдидларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

➤ манбалари бўйича:

ички манбалар-АСМ учун ва ёки мамлакат ҳудудида вужудга келадиган таҳдидлар;

ташқи - АСМ дан мамлакатдан ташқарида жойлашган жойи.

➤ инсоннинг ҳаёт фаолиятига муносабати бўйича:

объектив-унинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган таҳдидлар (табиий офатлар);

субъектив-бевосита инсоннинг ҳаёт фаолияти билан, меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқаришни нооптимал ташкил этиш билан боғлиқ таҳдидлар.



**4-расм. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги сиёсати ва унинг зарур жиҳатлари**

- башоратлаш имконияти бўйича:  
башорат қилиш мумкин бўлган ва башорат қилиб бўлмайдиган таҳдидлар.
- рўй бериш эҳтимоли бўйича:  
реал (исталган вақтда амалга ошиши мумкин),  
потенциал (маълум бир шароитда юз бериши мумкин) таҳдидлар;
- оқибатлари бўйича:

- барча учун умумий бўлган (мамлакатнинг бутун ҳудудида ёки унинг кўпчилик субъектларида намоён бўладиган) ва ҳудудий (ҳудуд даражасида) ҳамда локал (маҳаллий миқёсдаги) таҳдидлар;

- кутилаётган зарарнинг миқдори бўйича:

унча катта бўлмаган (аҳамиятсиз даражада), катта (аҳамиятли даражада), қийинчиликларни келтириб чиқарадиган ва ҳалоккатли зарарлар;

- намоён бўлиш соҳасибўйича:

қишлоқ хўжалиги хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

ҳудудлар аҳолисининг озиқ-овқат таъминоти;

озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш учун иқтисодий имкониятларнинг мавжудлиги;

мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлиги (харажатлар, сифат бўйича);

фаолиятнинг йўналиши ва таъсир кўрсатувчи омилларга боғлиқ бўлган бошқа турлар.

АСМда энг аҳамиятли таҳликалар:

➤ макроиқтисодий таҳликалар, улар АСМ иқтисодиёт инвестицион жозибадорлигининг мамлакатимизда яратилган маҳсулот рақобатбардошлигининг пасайиши ҳамда ташқи иқтисодий конъюнктурага боғлиқлигини тақозо этган;

➤ технологик таҳликалар-мамлакат АСМнинг етакчи мамлакатлардан технологик ривожланиш даражаси бўйича;

➤ агроэкологик таҳликалар, улар ноқулай табиий-иқлим шароитлари билан ҳамда табиий ва техноген фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини тақозо этган;

➤ ташқи савдо таҳликалари, уларни нархлар ва бозор конъюнктурасининг тебранишлари ҳамда бошқа мамлакатларда давлатнинг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг қўлланиши келтириб чиқаради.

Айтиб ўтилган таҳликаларнинг мавжудлиги мамлакат ва ҳудудларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидларни юзага келтирадики. бу таҳдидлар озиқ-овқат хавфсизлиги бўсағавий даражасига эриша олмасликка олиб келиши мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим ташқи таҳдидларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

➤ технологик блокадалар, уларнинг хавфи ташқи сиёсий муаммолар ва фан-техника соҳасидаги орқада қолишлар туфайли ортиб бориши мумкин;

➤ узоқ ва яқин хориждаги сотув бозорларининг йўқотилиши;

➤ бошқа мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча миқдорда ишлаб чиқарилиш;

➤ бошқа мамлакатлардан иқтисодий ва молиявий қарамлик.

Алоҳида аҳамият касб этувчи таҳдидлар қуйидагилардир:

➤ озиқ-овқат товарлари бўйича импорт маҳсулотларига қарамликнинг кучайиши;

➤ иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари очиклиги;

➤ барча даражалар (макро, мезо, микро) да иқтисодиётнинг молиявий-иқтисодий беқарорлиги.

Макродаражада озиқ-овқат хавфсизлиги мезонлари таркибининг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

1.Натурал – асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқавий моддалар бўйича ишлаб чиқариш, истеъмол, захира улуш кўрсаткичлари.

2. Нисбий –умумий ва алоҳида маҳсулотлар бўйича оптимал базавий даражадаги ишлаб чиқариш (истеъмол) кўрсаткичлари .

3.Техник-иқтисодий – АСМ ва унинг моддий базаси иқтисодий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар.

4. Ижтимоий-демографик қишлоқ жойларида меҳнат ресурслари динамикаси ва аҳолини такрор ишлаб чиқариш ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари

5. Экологик-географик- АСМ абсолют ва нисбий самарадорлиги табиий чегараларини аниқловчи кўрсаткичлар.

1-жадвалда озиқ-овқат хавфсизлигининг мезонлари келтирилган. Озиқ-овқат хавфсизлигининг бош кафолатчиси давлатдир. Бунда давлат томонидан яратилган дон резерви, яъни стратегик захирамиз айниқса муҳим аҳамиятга эга. Ушбу захира таркибига дон бозорига тартибловчи таъсир ўтказишга, мазкур захирани сотиб олиш ва яратишга мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчидан озиқ-овқат учун ажратилган донни харид қилинишининг кафолатини таъминлашга товар кредитларининг ажратилишига, донга, уни қайта ишлаш маҳсулотларига ва нон маҳсулотларига бўлган талаб билан уларнинг таклифи ўртасида номутаносибликлар вужудга келганда товар интервенцияларини ўтказишга мўлжалланган донли озиқ-овқатлар, донни қайта ишлаш маҳсулотлари ва пул маблағлари киради. Бир қанча олимларнинг фикрига кўра доннинг даврга нисбатан захираси 60 кун истеъмол қилиниши учун етарли миқдорда бўлиши керак. Бу тахминан бир йилда истеъмол қилинадиган дон ҳажмининг 17 фоизига тенг.

**1-жадвал**

### **Озиқ-овқат хавфсизлиги мезонлари**

Т/р	Мезонлар	Тавсифи
1	Юқори даражада таъминланган озиқ-овқат хавфсизлиги	Озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиш, халқаро озиқ-овқат бозорларига олиб чиқишда захира ва қувватларининг етарлилиги
2	Барқарор озиқ-овқат хавфсизлиги	Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиш, халқаро озиқ-овқат бозорларига олиб чиқиш
3	Озиқ-овқат хавфсизлиги	Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш, чегаравий меъёрлар даражасида, ундан ортиқчаси қўшни мамлакатлардан олиб кирилади
4	Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид	Инқироз ҳолатининг мавжудлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланмаган
5	Озиқ-овқат таъминотининг ҳалокатли бўсағаси	Мамлакат озиқ-овқат таъминотида тўлиқ четдан олиб киришга боғланиб қолган

6	Озиқ-овқат таъминотида ҳалокат	Очарчилик ҳолати, аҳолининг табиий ва эмиграцион қисқариши
---	--------------------------------	--

Озиқ-овқат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисмидир, чунки у асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг барқарор ишлаб чиқарилиши ва аҳолининг ундан фойдалана олишини таъминлайди.

Давлат томонидан ҳудудларни ривожлантиришни тартибга солиш мақсадида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бунда қуйидаги тартиблаш усулларида фойдаланилмоқда:

- ҳудудларда маҳсулот ҳажми, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва ҳудудларнинг ихтисослашувини тартибга солиш;
- қишлоқда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар тармоғини яратиш;
- табиатни муҳофаза қилувчи ва гидротехник қурилмаларни қуриш;
- зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ қишлоқда мулкдорлар синфини, фермер хўжаликларини шакллантириш жараёнлари давом эттирилди, тупроқ унумдорлигини ошириш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстириш чора-тадбирлари кўрилади.

Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритадиган муҳим тармоқ – аграр соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор доирасида тайёрланади. Бунда пахта хомашёсининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги салмоғи 1990 йилдаги 15,9 фоиздан, 2014 йилга келиб 1,8 фоизга камайиши юз берган бир пайтда, доннинг улуши эса мос равишда 1,4 фоиздан 2,0 фоизга, сабзавотлар - 1,3 фоиздан 2,3 фоизга, мевалар - 0,7 фоиздан 1,1 фоизга ортиши ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш йўналишидаги ҳаракат ва қишлоқ хўжалиги тармоғининг аҳамиятини ўзида яққол акс эттиради.

Мустақиллик йилларида республика аграр тармоғида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги қатор Давлат дастурлари, концепция ва чора-тадбирлар мажмуининг ҳаётга тадбиқ этиш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши таъминланмоқда.

Ўтган даврда республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори ўсиши суръатлари асосан интенсив омиллар ҳисобига юз берганлигини - қишлоқ хўжалиги маданияти ортиб бориши, моддий-техник таъминот, молия-

кредит тизимини такомиллаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, мутахассислар малакасини оширишга қаратилган тадбирлар ҳамда аграр илм-фани янгиликлари ва илғор тажрибаларни жорий этишни давлат даражасида рағбатлантириб бориш натижаси, деб қарашимиз лозим. Жумладан, пахта ҳосилдорлиги ушбу даврда 113 фоизга, дон экинлари - 2,2 баробар, картошка - 2,4 баробар, сабзавот - 132 фоизга, полиз экинлари ҳосилдорлиги 170 фоизга ортган.

Мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракатига устуворлик берилиб, қишлоқда мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган аграр сиёсат туфайли республикада озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли миқдори барқарор ўсиб борди. Демак, умумий ҳолатда амалга оширилаётган самарали тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор кўпайтириш, ички ва ташқи бозорда сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар етказиб берилишига эришилди. 2000-2014 йиллар давомида аҳоли жон бошига ғалла ишлаб чиқариш 93,6 кг, картошка 39,5 кг, сабзаво 1,5 марта, мева ва резаворлар 37 кг, узум 15,3 кг, полиз 29,5 кг, гўшт (тирик вазнда) 22,2 кг, сут 98,8 кг, тухум 79,5 донага кўпайди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистонда аҳолижон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2000 й	2005 й	2010 й	2014 й	2014 йил 2000 йилга нисбатан, кг, (+,-)
Ғалла	кг	159,4	244,7	261,6	253,0	+ 93,6
Картошка	кг	29,7	35,3	59,5	69,2	+ 39,5
Сабзавот	кг	107,3	134,4	222,9	261,5	+ 154,2
Мева ва резаворлар	кг	32,1	36,3	60,1	69,1	+ 37,0
Узум	кг	25,3	24,5	34,7	40,6	+ 15,3
Полиз	кг	18,3	23,5	41,5	47,8	+ 29,5
Гўшт (тирик вазнда)	кг	34,1	40,6	51,3	56,3	+ 22,2
Сут	кг	147,4	174,1	216,7	246,2	+ 98,8
Тухум	дона	50,9	75,2	107,5	130,4	+ 79,5

Ўтган йиллар ичида дон, сабзавот, сут ва тухум маҳсулотларини аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришда кескин ўсиш кузатилса, мева ва резаворлар, узум, полиз, гўшт ва картошка маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарор ўсиш томон бормокда(3-жадваллар).

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмокда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмокда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.



3-жадвал

## Ўзбекистонда аҳолининг сабзавот маҳсулотлари билан таъминланиши

Худудлар	Сабзавот (меъёр 109,2 кг/йил)					
	2009 йил			2013 йил		
	Ишлабчиқариш	Аҳолиэҳтиёжи	Таъминланиш даражаси, %	Ишлабчиқариш	Аҳолиэҳтиёжи	Таъминланиш даражаси, %
Қорақалпоғистон	124,8	176,4	70,7	201,4	187,7	107,3
Андижон	754,1	273,0	276,2	1203,4	303,9	396,0
Бухоро	314,9	173,5	181,5	478,1	190,5	250,9
Жиззах	203,2	119,9	169,4	309,0	132,5	233,2
Қашқадарё	286,0	279,9	102,2	433,8	311,9	139,1
Навоий	132,6	91,7	144,7	200,7	98,5	203,7
Наманган	394,4	242,1	162,9	574,6	270,3	212,5
Самарқанд	945,6	334,3	282,8	1350,8	372,6	362,5
Сурхондарё	429,6	222,1	193,4	689,8	249,2	276,8
Сирдарё	154,6	76,8	201,3	247,9	82,3	301,3
Тошкент	1193,1	519,7	229,6	1716,1	551,9	310,9
Фарғона	420,1	330,0	127,3	638,7	366,5	174,3
Хоразм	357,3	167,2	213,7	471,6	182,1	258,9
Республика бўйича	5710,3	3006,6	189,9	8515,9	3300,0	258,1

4-жадвал

## Ўзбекистонда аҳолининг картошка билан таъминланиши

Худудлар	Картошка (меъёр 54,6 кг/ йил)					
	2009 йил			2013 йил		
	Ишлабчиқариш	Аҳолиэҳтиёжи	Таъминланиш даражаси, %	Ишлабчиқариш	Аҳолиэҳтиёжи	Таъминланиш даражаси, %
Қорақалпоғистон	25,1	88,2	28,5	39,4	93,8	42,0
Андижон	150,7	136,5	110,4	231,9	151,9	152,6
Бухоро	100,9	86,7	116,3	157,5	95,3	165,3
Жиззах	33,4	60,0	55,7	50,7	66,2	76,5
Қашқадарё	86,2	140,0	61,6	140,1	155,9	89,8
Навоий	38,7	45,8	84,5	58,2	49,3	118,1
Наманган	135,3	121,1	111,8	207,3	135,2	153,4
Самарқанд	334,6	167,2	200,2	480,9	186,3	258,1
Сурхондарё	116,5	111,0	104,9	174,9	124,6	140,4
Сирдарё	24,6	38,4	64,1	36,5	41,1	88,7
Тошкент	251,6	259,8	96,8	336,7	276,0	122,0
Фарғона	157,7	165,0	95,6	234,4	183,3	127,9
Хоразм	75,5	83,6	90,3	101,9	91,1	111,9
Республика бўйича	1530,8	1503,3	101,8	2250,4	1650,0	136,4

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Озиқ-овқат дастури аҳолининг тўлақонли ва мутаносиб рацион асосида овқатланишини таъминлашдек муҳим вазифани ҳал этиш имконини берди.

Истеъмол қилинадиган овқатнинг таркиби ва рационини яхшилаш бошқа омиллар билан бирга аҳоли, аввало, болалар саломатлигини тубдан яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди.

## 5-жадвал

### Ўзбекистонда аҳолининг мева маҳсулотлари билан таъминланиши

Худудлар	Мевалар (меъёр 69 кг/ йил )					
	2009 йил			2013 йил		
	Ишлабч иқариш	Аҳоли эҳтиёжи	Таъминла- ниш даражаси, %	Ишлабч иқариш	Аҳоли эҳтиёжи	Таъминла- ниш даражаси, %
Қорақалпоғистон	21,4	111,5	19,2	33,1	118,6	27,9
Андижон	317,2	172,5	183,9	478,1	192,0	249,0
Бухоро	131,9	109,6	120,3	198,8	120,4	165,1
Жиззах	50,2	75,8	66,2	72,8	83,7	87,0
Қашқадарё	63,5	176,9	35,9	96,5	197,1	49,0
Навоий	57,0	57,9	98,4	86,0	62,3	138,1
Наманган	115,9	153,0	75,8	182,0	170,8	106,5
Самарқанд	212,1	211,3	100,4	300,7	235,4	127,7
Сурхондарё	84,1	140,3	59,9	119,1	157,5	75,6
Сирдарё	17,1	48,5	35,2	26,1	52,0	50,2
Тошкент	131,3	328,4	40,0	172,9	348,8	49,6
Фарғона	233,3	208,5	111,9	348,1	231,6	150,3
Хоразм	109,5	105,6	103,7	146,7	115,1	127,5
Республика бўйича	1544,5	1899,8	81,3	2260,9	2085,1	108,4

Жаҳонда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иқлим шароитларининг уйғунлиги туфайли дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар фақат бизнинг минтақамизда етиштирилиши мумкин.

Мамлакатимиз селекционерлари сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ навини, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175 та янги навини яратдилар. Истиклол йилларида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади. Авваллари мамлакатимиз аҳолисини боқиш учун 5 миллион тонна буғдой четдан сотиб олинарди. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,6 карра, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди. Маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

## 6-жадвал



## Ўзбекистонда аҳолининг узум билан таъминланиши

Худудлар	Узум (меъёр 13,9 кг/йил)					
	2009 йил			2013 йил		
	Ишлабчиқариш	Аҳолиэҳтиёжи	Таъминланиш даражаси, %	Ишлабчиқариш	Аҳолиэҳтиёжи	Таъминланиш даражаси, %
Қорақалпоғистон	3,3	22,5	14,7	4,5	23,9	18,8
Андижон	32,3	34,7	93,0	57,3	38,7	148,1
Бухоро	88,0	22,1	398,5	140,0	24,3	577,3
Жиззах	22,0	15,3	144,1	27,5	16,9	163,1
Қашқадарё	42,1	35,6	118,1	76,0	39,7	191,4
Навоий	43,4	11,7	372,0	59,4	12,5	473,6
Наманган	71,9	30,8	233,3	98,6	34,4	286,5
Самарқанд	333,5	42,6	783,7	468,1	47,4	987,0
Сурхондарё	67,5	28,3	238,8	113,0	31,7	356,2
Сирдарё	7,2	9,8	73,6	10,8	10,5	103,1
Тошкент	105,2	66,1	159,0	141,0	70,3	200,7
Фарғона	59,9	42,0	142,6	92,7	46,7	198,7
Хоразм	24,2	21,3	113,7	33,2	23,2	143,2
Республика бўйича	900,5	382,7	235,3	1322,1	420,1	314,7

Ўзбекистонда ҳозирги замон қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг муҳим сиёсий хусусиятини кўзда тутган ҳолда давлатимиз раҳбари шундай деб таъкидлаган: «Бугун шуни чуқурроқ англамоқдамизки, умуман жамиятимизнинг янгилиниши самарадорлиги, мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг ривожланиши даражаси қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг қанчалик муваффақиятли кечаётганлигига, бу жараён қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига қанчалик чуқурроқ сингиб бораётганлигига боғлиқ». Маълумки, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш бўйича кўзда тутилган қўшимча чоралар ички манбалар ҳисобидан мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли захираларни шакллантириш имконини бермоқда. Бу эса жаҳон бозорларида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиши шароитида алоҳида муҳим аҳамият касб этади. «Қишлоқ хўжалиги тадқиқотларини мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қайта йўналтириш: халқаро ва минтақавий тажриба» мавзуидаги халқаро экофорумда декларация қабул қилинди. Ундан озиқ-овқат хавфсизлиги, ўримдан кейинги ишлов бериш технологияси, фойдани ошириш учун қўшимча қийматни яратиш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, комплекс деҳқончилик ёндашувларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги айланмасида Орол денгизининг қуриган ўзанидан фойдаланиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишлар бўйича тавсиялар ўрин олган. Бунга, шунингдек,

қимматли генетик ресурсларни сақлаш, табиий ресурслардан экологик самарали фойдаланиш, минтақавий ва халқаро миқёсларда ижтимоий-иқтисодий илмий тадқиқотлар олиб бориш ва ҳамкорлик каби масалалар киритилган. Булар Ўзбекистонда яратилган экологик ҳаракат вазифалари ҳисобланади. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истикболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011–2015 йиллар мобайнида:

1) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

2) қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини ошириш кўзда тутилган. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

3) мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробар, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;

4) наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробар, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;

5) зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;

6) паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;

7) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;

8) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

9) қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалиги техникалари билан

таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

### **Назорат саволлари:**

1. «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти» фанининг предмети, мақсади ва асосий вазифалари нималардан иборат?
2. «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти» фанида қандай ўрганиш усулларидан фойдаланилади?
3. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти нимадан иборат?
4. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Қишлоқ хўжалигида ислохотлар босқичлари ва асосий йўналишлари.
6. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболли дастурининг энг муҳим йўналишлари.
7. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг иқтисодий роли нималарда намоён бўлади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. Published by Macmillan. USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647. (1.10- боб 7-8 бет)
2. Abdug`aniyev A., Abdug`aniyev A. A. – Qishloq xo`jaligi iqtisodiyoti. Darslik. - T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi. Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2011. -244 bet.
3. Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А., Дехконова Н.С., Ахмедова В. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиети. Ўқув қўлланма. - Т.: ТошДАУ, 2015. –174 б.

## **2-мавзу: Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ресурслар ва улардан фойдаланиш**

### **Режа:**

- 2.1. Иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг назарий асослари.
- 2.2. Қишлоқ хўжалигида табиий, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўллари.
- 2.3. Ишлаб чиқариш жараёнида вақт ишлаб чиқариш омили сифатида.


### **Таянч иборалар**

*Аграр ишлаб чиқариш, иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш омиллари, ишлаб чиқариш жараёни, капитал, моддий-техника ресурслари, меҳнат предмети, меҳнат қуроллари, меҳнат унумдорлиги, ресурс салоҳияти, табиий ресурслар, технологик жараён.*

## **2.1. Иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг назарий асослари.**

Ресурс деганда, ишлаб чиқаришнинг шундай омилларини тушунадиларки, улар ишлаб чиқариш жараёнидаги трансформация натижасида пировард маҳсулотга айланади. Аграр ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишнинг зарурий шароит ва омиллари - инсон меҳнати, ер, сув, меҳнат воситалари ва предметлари - ишлаб чиқаришнинг аграр ресурсларидан ташкил топган. Барча турдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг йиғиндиси аграр ишлаб чиқаришнинг ресурс салоҳиятини ташкил этади. Салоҳиятли ресурслар деганда, товар ишлаб чиқарувчилар тасарруфидаги мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари тушунилади. "Ресурс салоҳияти" тушунчаси ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва прогноз қилиш мақсадида киритилган - ишлаб чиқариш цикли бошида фаолият юритувчи ресурсларнинг тўлиқ миқдоридир.

Ресурс салоҳияти - бу аграр ресурсларнинг максимал мумкин бўлган ишлаб чиқариш қобилияти йиғиндиси бўлиб, у табиий, меҳнат ва моддий-техник ресурсларнинг миқдор ва сифат параметрларини, ҳамда уларнинг оптимал ички тузилмасини ҳисобга олган ҳолдаги йиғинди баҳоси билан ифодаланади.



Белгилар:

Е, М, К, ТС, А – ресурслар: ер, меҳнат, капитал (шу жумладан - техник салоҳият), ахборот ресурси;

ΔЗ, ΔТ, ΔК, ΔТП, ΔИ – захиралар, ресурсларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари.

### 1-расм. Қишлоқ хўжалиги корхонаси ресурс салоҳияти тузилмаси.

Иқтисодий салоҳият мазмуни ва тузилмаси ишлаб чиқариш ва бошқа салоҳиятларнинг моҳияти ва мазмунини белгилаб беради, чунки уларнинг барчаси иқтисодий салоҳиятнинг таркибий қисмлари саналади. Ишлаб чиқариш салоҳияти моддий ишлаб чиқариш соҳасининг барча тармоқлари имкониятларини, жамият барча аъзоларининг эркин ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган моддий неъматлар йиғиндисини яратиш қобилиятини бирлаштиради, ҳамда иқтисодий салоҳият учун асос бўлиб хизмат қилади.

## **2.2. Қишлоқ хўжалигида табиий, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўллари.**

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришда, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини оширишда моддий-техника базасининг аҳамияти катта. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг таркибига ер ресурслари, ишлаб чиқариш иморатлари, иншоотлари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозлари, транспорт воситалари, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар, сув ресурслари, уруғлик, чорва озуқалари, нефть маҳсулотлари, ўғит, кимё воситалари, уруғликлар, ем-хашаклар, ёқилғи, ёғловчи, қурилиш материаллари ва бошқалар кириadi.

Қишлоқ хўжалигини моддий-техника базаси қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган барча меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндисидир.

Моддий ресурслар ёрдамида қишлоқ хўжалигида турли хилдаги ишлар, хизматлар бажарилиб, маҳсулотлар етиштирилади. Фан-техника тараққиёти натижасида уларнинг сифати, ҳолати яхшиланади, янгиларини яратиш мақсадида катта ишлар қилинади. Моддий ресурсларни ишлаб чиқаришда қўллаш натижасида серҳосил, тезпишар навлар, сермаҳсул чорва зотлари, ҳар томонлама қулай ва самарали ҳисобланган илғор технологиялар яратилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари республика иқтисодиёти ресурсларининг муҳим қисми ҳисобланади. Улар мулк сифатида тармоқнинг, корхоналарнинг иқтисодий асосини ташкил этади. Корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкам бўлса, уларда иқтисодий жиҳатдан ривожланиш учун асос мавжудлигидан далолат беради.

Моддий ресурсларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ўрни ва аҳамияти жуда каттадир. Чунки такрор ишлаб чиқариш жараёнида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари талаб даражасида етиштирилиши ҳамда иш ва хизматлар кўнгилдагидек бажарилиши барча ресурсларнинг миқдорида ҳамда сифатига боғлиқ. Республика деҳқончилиги суғоришга асосланганлиги сабабли суғориладиган ерлар ва сув ресурсларининг таъсири жуда катта. Тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг амалга оширилиши асосан молиявий ресурслар билан боғланган. Шундай экан, келажакда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини талаб даражасида барпо этилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Шу билан бирга моддий ресурслар меҳнатнинг характерини ўзгартириб, унумдорликни юксалишини таъминлайди.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ҳам ишлаб чиқариш воситаларининг меъёрий ҳажмда мавжуд бўлиши тақозо этилади.

Меҳнат предметларига таъсир кўрсатиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда одамлар томонидан фойдаланиладиган ҳамма буюмлар меҳнат воситалари (куроллари) дейилади. Одам меҳнати ишлаб чиқаришнинг қайси моддий элементларига қаратилган бўлса, ўша моддий элемент меҳнат предмети деб аталади.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасида ер асосий роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши бевосита ердан қай даражада фойдаланишга боғлиқ. Ернинг унумдорлиги ҳар хил бўлиб, маҳсулот бирлиги учун ҳар хил миқдорда харажат сарфланади. Бу эса ҳар хил унумдорликка эга бўлган ерларда бир хил миқдорда асосий ва айланма воситаларга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси ҳар доим табиий шароитлар таъсирида бўлади. Қишлоқ хўжалиги ҳудудий характерга эга бўлиб, ҳар бир ҳудудда тупроқ - иқлим шароитлари ҳар хил бўлиши туфайли ҳар хил системадаги машиналардан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун ҳудудларда ва ҳудудлар ичидаги хўжаликларда моддий-техника базасининг таркиби ҳам ҳар хил бўлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир бирига мос келмаслиги туфайли, ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга бўлиб, бу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир этади. Ишлаб чиқариш мавсумий бўлиши заҳира уруғлик, озуқа, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқаларга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг бир қисми жонли организм (ишчи ҳайвонлар, маҳсулдор моллар, паррандалар, кўп йиллик дарахтлар ва ҳоказо)лардан иборат бўлиб, улардан самарали фойдаланиш учун маълум ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмоқлик керак.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги тараққий этган транспорт хизмати, сифатли йўл қурилишини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва сақлаш кўп миқдорда сарфлар қилишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий-техника базасини яратишда юқорида таъкидланган хусусиятларни эътиборга олиш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг жойлашганлиги ҳамда ихтисослашганлигига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга илғор технологияларнинг жорий этилишини ҳамда технологик жараёнларда бажариладиган барча ишларни механизациялаштириш, автоматлаштириш имконини яратиш лозим.

Юқоридаги талабларга жавоб берадиган моддий-техника ресурслари асосан қуйидаги манбалар ҳисобига барпо этилади:

- корхонанинг маблағлари;
- четдан жалб этиладиган маблағлар.

Қишлоқ хўжалигини устувор даражада ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш керак. Тармоқнинг моддий-техника ресурсларини шакллантирилиши, ривожлантирилиши, улардан самарали фойдаланиш масалалари фан-техника тараққиётига ва унинг даражасига бевосита боғлиқ. Фан-техника тараққиёти деганда, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудларини эса такомиллаштирилиши назарда тутилади.

Фан-техника тараққиёти ягона давлат сиёсати асосида кечиши, бу жараёнда қатнашувчиларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ҳам уйғунлашиши лозим.

Фан-техника тараққиётининг асосий мақсади янги, самарали қишлоқ хўжалик техникаларини, экологик талабларга жавоб берадиган кимёвий воситаларни, янги навларни, зотларни яратиш, мавжуд воситаларни такомиллаштириш, меҳнатнинг характерини ўзгартириб, унинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, уларни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш орқали аҳоли, корхоналар ва нихоят, давлатнинг иқтисодиётини юксалтиришдир.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги биринчи галда меҳнат унумдорлиги билан тавсифланади.

Меҳнат унумдорлиги-муайян меҳнатнинг вақт бирлиги ичида маҳсулотнинг маълум миқдорини ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ( $M_y$ ) қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан тавсифланади:

1. Вақт бирлигида яратилган маҳсулотнинг натурал ёки қиймат кўринишидаги ифодаси.

$$M_y = \frac{Y_M}{V} \quad (1)$$

бунда,

$Y_M$  - ялпи маҳсулот, ц, тонна, сўм;

$V$  - иш вақти, киши-соат, киши- кун.

Бу кўрсаткич етиштирилаётган бир бирликдаги (центнер, тонна, сўм) маҳсулот учун қанча вақт сарфланганлигини ёки сарфланган бир бирликдаги вақт эвазига қанча маҳсулот етиштирилганлигини, хизматлар бажарилганлиги даражасини ифодалайди.

Ялпи маҳсулот миқдори қанча кўп бўлса ва уни етиштириш учун сарфланган иш вақти кам бўлса, меҳнат унумдорлиги шунча юқори бўлади.

2. Битта ўртача йиллик ишловчига тўғри келадиган ялпи маҳсулотнинг пулдаги ифодаси.

$$M_y = \frac{Y_{M_k}}{P} \quad (2)$$

бунда,

$Y_{M_k}$  - ялпи маҳсулот қиймати, сўм;

$P$ -ишловчлар сони, киши.

3. Маҳсулотни меҳнат сиғими ( $M_c$ )- маҳсулот бирлиги (ц)га сарфланган иш вақти (киши-соат) харажатлари

$$M_c = \frac{X_M}{Y_M} \quad (3)$$

бунда,

$Y_M$  - ялпи маҳсулот, ц;

$X_M$ - меҳнат харажатлари, киши-соат.

Меҳнат унумдорлигини билвосита кўрсаткичлари ишлари муайян ҳажминини бажаришга сарфланган меҳнат харажатларини тавсифлайди.

Уларга қуйидаги киритилади:

- 1га экин майдонига тўғри келадиган меҳнат харажатлари;

- битта ишловчига тўғри келадиган экин майдони юкламаси;
- вақт бирлигида бажарилган ишлар ҳажми;
- алоҳида операцияларни бажаришга сарфланган меҳнат харажатлари.

Қишлоқ ишлаб чиқаришининг натижалари ишлаб чиқариш ресурсларидан, биринчи галда ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигига боғлиқ. Ердан ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланишнинг самарадорлиги ишлаб чиқариш натижаларини ер майдони ёки ернинг қиймати билан таққослаш орқали аниқланади. Аммо, ушбу ресурсларнинг алоҳида тавсифга (таклифининг чекланганлиги, янгилаш даврининг узунлиги ва ҳ.к) эга эканлиги туфайли ернинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлиги фақатгина майдон бирлигидан олинган маҳсул миқдорининг ошиши, унинг сифатини юксалиши, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган харажатларнинг пасайиши билан эмас, балки тупроқ унумдорлигининг пасайиши ёки кўтарилиши, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг таъминланиши билан ҳам белгиланади.

Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади, улардан асосийлари қиймат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Дехқончилик, чорвачилик ёки бутун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, шунингдек бошқа турли ихтисослашган хўжаликларни таққослашда, ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш учун ялпи ва товар маҳсулоти қийматини, шунингдек фойдани қишлоқ хўжалигига яроқли ерга бўлиб ҳисоблайдиган, ер қайтими ва ер сиғимининг қўшимча қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Ернинг қайтими ( $E_{кай}$ ) ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати ( $ЯМ_к$ )нинг ер ресурсларининг меъерий қиймати ( $E_к$ ) га нисбатини ифодалайди. Ёки бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга ( $E_м$ ) тўғри келган маҳсулотни ( $ЯМ$ ) ифодалайди.

$$E_{кай} = \frac{ЯМ_к}{E_к} \quad \text{ёки} \quad E_{кай} = \frac{E_м}{ЯМ} \quad \text{ёки} \quad E_{кай} = \frac{ЯМ_к}{E_м} \quad (4)$$

бунда,

$ЯМ_к$  - ялпи маҳсулот қиймати, сўм;

$E_к$  – ер ресурсларининг меъерий қиймати, сўм.

$E_м$  - қишлоқ хўжалигига яроқли ер; га

$ЯМ$  - ялпи маҳсулот, ц, тонна;

Ернинг пуллик баҳосини аниқлашда унинг меъерий қийматидан фойдаланиш мумкин.

Ер сиғими ( $E_{сиг}$ ) – бу ер қайтимига тескари бўлган кўрсаткич. У ер қийматининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг қийматига нисбати сифатида аниқланиши мумкин. Ёки бир сўмлик маҳсулот қанча гектар ердан олинганлигини ифодалайди.

$$E_{сиг} = \frac{E_к}{ЯМ_к} \quad \text{ёки} \quad E_{сиг} = \frac{ЯМ}{E_м} \quad \text{ёки} \quad E_{сиг} = \frac{E_м}{ЯМ_к} \quad (5)$$

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг қўшимча кўрсаткичлари ана шу ерлардан олинган натура ва қиймат шаклидаги ялпи ва товар маҳсулотлари ҳисобланади. Ер қайтими ва ер



сиғимининг натурал кўрсаткичлари алоҳида олинган хўжаликларда ёки бир хил табиий ва иқтисодий шароитларда жойлашган ва бир хил ихтисослашган хўжаликларда алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда фойдаланилинади. Ер қайtimi ва ер сиғимининг натурал кўрсаткичлари 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ер ҳисобига тўғри келган қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар маҳсулотини характерлайди ва аксинча:

Бунда ҳар бир тур қишлоқ хўжалиги маҳсулоти уни ишлаб чиқариш учун керак бўлган қишлоқ хўжалигига яроқли ерга мос келади. Ер қайtimининг натурал кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- 1 га ердан олинган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги; 100га ҳайдаладиган ер ҳисобига тўғри келган, центнер: ғалла, пахта, картошка, сабзаёт ва бошқалар.

- 100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга ёки озуқа экинлари майдони ҳисобига озуқа ишлаб чиқариш, озуқа бирлиги.

- 100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ҳисобига ишлаб чиқариш, центнер сут, гўшт (турли хил), жун, тухум, ғалла, пахта ва бошқалар.

Дехқончилик, чорвачилик ёки бутун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, шунингдек бошқа турли ихтисослашган хўжаликларни таққослашда, ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш учун ялпи ва товар маҳсулоти қийматини, шунингдек фойдани қишлоқ хўжалигига яроқли ерга бўлиб ҳисоблайдиган, ер қайtimi ва ер сиғимининг қўшимча қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Ердан фойдаланиш самарадорлигини қиёсий тавсифлашда билвосита, яъни натурал ва нисбий кўрсаткичлар қўлланилиши мумкин:

- қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги;

- 100 га ҳайдаладиган ерларга тўғри келадиган ўсимликчилик маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажми, ц.

Ердан фойдаланиш самарадорлигинининг нисбий кўрсаткичлари қуйидагилар:

- умумий ер майдони таркибида қишлоқ хўжалиги ерларининг улуши;

- қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳайдалганлик даражаси (қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида ҳайдов ерларининг улуши);

- экин майдонларини таркибида интенсив экинларни (шудгорладиган,техник) улуши;

- қишлоқ хўжалиги ер майдонида суғориладиган ерларнинг улуши.

Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигин аниқлашда қишлоқ хўжалиги ерларининг таркибий тузилиши ва сифатини ҳисобга олиш зарур.

Бу қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолияти натижаларини ҳолисона баҳолаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини техника билан талаб даражасида таъминлашга доимо катта эътибор берилмоқда. Чунки бу сарфланадиган меҳнат ҳамда маблағ харажатлари камайиши, меҳнат унумдорлиги юксалиб, фойда суммаси кўпайиши учун имконият яратади. Шундай экан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг техника воситалари билан таъминланиш бу

воситалардан фойдаланиш жараёнини ва бу борадаги ўзгаришларни билиш талаб этилади. Бунинг учун бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Энг аввало, бу борадаги асосий кўрсаткич – корхоналарнинг техника воситалари билан таъминланганлик даражаси кўрсаткичидир. Хўжалик ўз фаолиятида амалга оширадиган ишларни тез ва сифатли бажаришга интилади, бу жараёнда техника воситалари ўртасида мутаносибликни таъминлашга алоҳида эътибор беради.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг қиймат кўрсаткичлари: фонд қайтими ва фонд сиғимидир.

Фонд қайтимини қишлоқ хўжалигида бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қийматини ишлатилган асосий фондларнинг ўртача йиллик суммасига тақсимлаш натижасида аниқлаш мумкин

$$\Phi_{\text{кай}} = \frac{ЯМ_{\text{к}}}{АФ_{\text{к}}} \quad (6)$$

бунда:

$\Phi_{\text{кай}}$  - фонд қайтими, сўм;

$ЯМ_{\text{к}}$  - ялпи маҳсулот қиймати, сўм;

$АФ_{\text{к}}$  - асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати сўм.

Фондлар сиғими. Уни аниқлаш учун асосий фондларнинг йиллик ўртача суммасини етиштирилган ялпи маҳсулот қийматига тақсимлаш зарур. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$\Phi_{\text{сиг}} = \frac{АФ_{\text{к}}}{ЯМ_{\text{к}}} \quad (7)$$

бунда:  $\Phi_{\text{сиг}}$  - фонд сиғими (сўм).

Фонд сиғими эса, бир сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш учун қанча асосий фонд қиймати тўғри келишини кўрсатади.

Фонд билан таъминланиш - асосий фондларнинг йиллик ўртача суммасини қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган (ҳайдаладиган ерлар, экинзорлар) ҳар бир гектарга ёки 100 гектарга тўғри келадиган қийматидир.

Фонд билан таъминланиш қуйидагича аниқланади:

$$\Phi_{\text{т}} = \frac{АФ_{\text{к}}}{Е_{\text{м}}} \quad (8)$$

бунда:

$АФ_{\text{к}}$  - асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати сўм;

$Е_{\text{м}}$  - ер майдони, га.

Фонд билан қуролланиш - асосий фондларнинг йиллик ўртача суммасини қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этган ўртача бир ишловчи ҳисобига тўғри келадиган қийматидир.

$$\Phi_{\text{кур}} = \frac{АФ_{\text{к}}}{\text{р}} \quad (9)$$

бунда:

$\text{р}$  – ўртача йиллик ишчилар сони, киши.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий фондларини тўхтовсиз янгилаб туриш ва такомиллаштириш тақозо қилинади, бу эса соҳани юксалтиришнинг, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида меҳнат унумдорлигини оширишнинг зарур шартидир.

### 2.3. Ишлаб чиқариш жараёнида вақт ишлаб чиқариш омили сифатида.

Фермерлар учун одатда ишлаб чиқариш жараёни пайдо бўлади деб вақтни ўйламайман, лекин вақт пайдо бўлади, деб тушунилиши мумкин. Меҳнат фақат у тахминан фирмаси рентабеллигини ошириш вақт давомида хизматлар оқими беради. Хўжалик машиналари гўнг ва уруғ ишлаб чиқариш жараёнига киришади. Хўжалик машиналари, шунингдек, вақт давомида хизматлар оқимини беради. Бунда фирманинг сотиш ҳиссаси қўшади хизматлар оқими эмас. Экиш, ишлов бериш ва ўрим-йиғим фаолиятини амалга ошириш учун мос вақт об-ҳаво шароитлари билан чекланган, бир операцияни амалга ошириш учун фойдаланиладиган майдондан бошқа вақтда қайта фойдаланиб бўлмайди.

Кўп фермер бошқаруви фермасида фойдани максимал деб шундай ноёб ресурс вақтни ўз ичига олади. Бир ишлаб чиқариш мавсумида экиш ( $T_p$ ), ишлов бериш ( $T_t$ ) ва ҳосил ( $T_h$ ) фаолияти бажариш учун ( $T^\circ$ ) мос соат чекланган миқдордаги мавжуд бўлган фермер кўриб чиқайлик. Фермер икки экинларни, масалан, маккажўхори ва соя ишлаб чиқаради деб тахмин қиламиз. Фермер аллақачон ўсган  $\gamma_1$  ва  $\gamma_2$  майдонлари белгиланади ва ҳар бир экинга мавжуд вақтни ажратишдан манфаатдор бўлади. ( $R=p_1y_1+ p_2y_2$ ) уларнинг даромад тегишли нархларда кўпайтирилади иккала экинлар ҳам ишлаб чиқариш суммаси ҳисобланади. Ҳар бир ҳосилни чиқиш деб ҳосили учун экиш, ишлов бериш ва ўрим-йиғим операциялар мавжуд вақтнинг функцияси.

$$y_1=y_1(t_{p1}, t_{t1}, t_{h1}); y_2=y_2(t_{p2}, t_{t2}, t_{h2}).$$

**Лагранжиан формуласи:**

$$(21.1) \quad L = p_1y_1(t_{p1}, t_{t1}, t_{h1}) + p_2y_2(t_{p2}, t_{t2}, t_{h2}) + \rho[T_p - t_{p1} - t_{p2}] + \gamma[T_t - t_{t1} - t_{t2}] + \psi[T_h - t_{h1} - t_{h2}]$$

қаерда маккажўхори,  $\gamma_1$  бўлса, соя  $\gamma_2$  бўлади,  $t_{p1}$  бирлигида экиш ишга ишлатиладиган вақт,  $\gamma_1, t_{p1}$  чиқиш  $\gamma_1, t_{t1}$  бирлигида экиш ишга ишлатиладиган вақт, ўринни  $\gamma_1, t_{t2}$  жамоаси бирлиги бошига ишлов бериш операциялари учун фойдаланиладиган вақти чиқишни,  $\gamma_2, t_{h1}$  чиқиш  $\gamma_1$  бирлигида маҳсулот бирлигига бошига ишлов бериш операциялари учун фойдаланилган вақт, бирлигида ҳосил операциялар учун ишлатиладиган вақт. Сўнгра экиш учун фойдаланиш мумкин вақт билан бериладиган чекланганлиги учун даромаднинг субъекти ҳоказо ягона мавсумда максималлаштириш учун биринчи тартиби шароитлари, ишлов бериш ва ўрим-йиғим операциялари ҳисобланади:

(21,2) қайта тартибга солиш билан - (21,7):

$$(21.2) \quad p_1 \partial y_1 / \partial t_{p1} = \rho$$

$$(21.3) \quad p_2 \partial y_2 / \partial t_{p2} = \rho$$

$$(21.4) \quad p_1 \partial y_1 / \partial t_{t1} = \gamma$$

$$(21.5) \quad p_2 \partial y_2 / \partial t_{t2} = \gamma$$

$$(21.6) \quad p_1 \partial y_1 / \partial t_{h1} = \psi$$

$$(21.7) \quad p_2 \partial y_2 / \partial t_{h2} = \psi$$

$$(21.8) \quad T_p - t_{p1} - t_{p2} = 0$$

$$(21.9) \quad T_t - t_{t1} - t_{t2} = 0$$

$$(21.10) \quad T_h - t_{h1} - t_{h2} = 0$$

$$(21.11) \quad p_1 (\partial y_1 / \partial t_{p1}) = p_2 (\partial y_2 / \partial t_{p2}) = \rho$$

$$(21.12) \quad p_1 (\partial y_1 / \partial t_{t1}) = p_2 (\partial y_2 / \partial t_{t2}) = \gamma$$

$$(21.13) \quad p_1 (\partial y_1 / \partial t_{h1}) = p_2 (\partial y_2 / \partial t_{h2}) = \psi$$

Бу муаммо Лагранжиан коэффиценти тезкор хўжалиги учун даромад нуқтаи назаридан, ҳар бир экин учун экиш, ишлов бериш ёки ҳосил мавсум мавжуд вақт қўшимча бирлиги учун қадриятлар сифатида талқин қилиниши мумкин. Ҳар бир операция учун, фермер шундай вақт ажратиш керак,  $\gamma_1$  ва  $\gamma_2$  учун ҳам даромад ҳам бир хил маржинал ошириш вақти натижалари охириги бирлиги. Умуман олганда, Лагранжианкоэффиценти, (ва  $P$ , албатта, бир хил қиймати бўлмайди, лекин маҳсулот бирлигига бошига ишлаши учун талаб қилинади қанча вақтга боғлиқ бўлади, ва бу ерда қанча вақт мавжуд.

Лагранжиан коэффиценти турли товарлар ишлаб чиқариш ҳар бир даврда вақт маҳсулот қийматини кўрсатади. Соя нархлари, ёки Лагранжиан коэффицент ҳажмини муайян давр учун катта бўлса, мавжуд вақт турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича шиддатли чекловни олиб келади. Муайян давр учун нолга яқин Лагранжиан коэффиценти эканини алоҳида даврда вақт ишлаб чиқариш жараёнида айрим ижобий аҳамиятга эга бўлсада, у шиддатли таъқиқлаш туғдирмайди деб тақлиф қилади.

Бу ерда мисол, фақат тушунтириш ҳисобланади. Фермер эҳтимол ҳафталик ёки ҳатто кундалик босқичларида вақтни эгаллаши мумкин. Кундалик модели, лекин корхоналар ўртасида ажратиш вақт учун бир хил маржинал қоидалари қўлланилади. Ушбу қоидалар фермер биринчи бутун хўжалигига учун эгалигига ҳисса қўшиши керак, деган фикрдамиз.

Яхши яшаш ёндашув корхоналар ўртасида ҳар куни меҳнатини ишга ажратиш қилиниши юмушларида тартиб хўжалик машиналари фойдаланиш ажратиш, шунингдек, аниқлаш учун тадбирлар тартибида белгилашда фойдаланиш мумкин. Математик дастурлаш моделлари Кентукки, Индиана ва фермерлар билан кенгайтириш ишида бошқа давлатларда ишлатилган. Бу моделларни асоси маккажўхори ва соя ўртасидаги ишлаб чиқариш ажратилган бўлиши керак. Қандай қилиб далани вақт, меҳнат ва машинасозликсиз тасаввур этиш мумкин. Ишлаб чиқариш мавсуми давомида содир бўлаётган воқеалар кетма-кетлиги календар бўйича бўлинади. Фермерлар ишлаб чиқариш мавсуми ҳар ҳафта давомида дала, вақт мавжудлигини аниқланг, меҳнат ва машиналарни белгиланг ва модел киритиш бу ерда таклиф қоидаларига мувофиқ тегишли ишлар ажратилади. Шундай қилиб, натижалар вақт билан боғлиқ вегетация ҳар ҳафта давомида ажратилган бўлиши керак.

### **Вақт, инфляция, фоиз ва пулларнинг қиймати**

Бир доллар бугун бир доллар эмас, балки бир доллар энди бир йил давомида сарфланган бугунги кундаги доллар билан хил нарса эмас. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, бир доллар бугун банкка жойлаштирилган бўлиши мумкин. Доллар энди бир йил учун бўлса фоиз олдиндан белгиланади. Бундан ташқари, бугунги кунда сарфланган бир доллар имконият қиймати бугунги доллар ҳисобида сарф қилинмаган эди. Вақт давомида федерал даражада давлат сиёсати вақт давомида қишлоқ хўжалиги рентабеллигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Активларни қадриятлар инфляцияси ёки дефляцияси аниқ вақт давомида қишлоқ хўжалиги инвестицияларига, айниқса ерга, таъсир қилади. Энди бир доллар бугунги кунда кам қимматли эга ҳисобланади, чунки бир долларнинг инфляциясига, бир йил бўлди. Бугун қарзни энди бир йилдан сўнг арзон доллар билан қайтариб тўланиши мумкин. Кредитлар бўйича банклар томонидан тежаш ҳақида банклар томонидан тўланган ва белгиланган нарх фоиз ставкалари бир доллар қийматида фарқларни акс эттириши лозим. Фоиз ставкаси белгиланган нарх ёки банклар томонидан тўланади кам инфляция даражаси баъзида реал фоиз ставкаси ҳам дейилади. Шундай қилиб белгиланган нарх ёки банклар томонидан тўланадиган фоиз ставкалари реал фоиз ставкасини, балки иқтисодиётда инфляция умумий тезлигини акс эттиради. Бундай федерал ҳукумат томонидан суғурта омонат ҳисоби каби паст хавф инвестициялар, фоиз ставкалари, шунингдек, ташвиш бор.

Федерал ҳукумат томонидан вақт давомида таъқиб макроиқтисодий сиёсат фермерлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг устидан муҳим таъсир кўрсатади. Вақт тежаш ҳисоб бир паст хавф, деҳқончилик ёки муқобил сифатида инвестиция мумкин долларга имконият харажатларини, ёки ёллаш қийматига таъсир қилади. Бундан ташқари, вақт, инфляция ва дефляцион ошириш ёки шу тариқа соф тенг таъсир, бир деҳқоннинг кўчмас мулк холдинглар ва бошқа активларни қийматини камайтириш мумкин.

### **Дисконтли даромадлар ва харажатлар**

Дисконтлаш вақтида баъзи олинган даромаднинг маълум бир миқдори

бугунги кунда маълум бўлар экан, ёки вақт ичида бир неча етказилган бир қиймати жорий миқдорини аниқлаш учун қандай аниқлаш учун ишлатилади. Мисоллар, бу ердаги тақдимот бир неча йил давомида содир даромадлар оқими учун чегирмалидир.

### **Долларнинг ҳозирги қиймати**

Бир долларнинг ҳозирги қиймати, энди бир даври қизиқтирган 1 плюс бозор курси бўйича долларни аниқлаш мумкин. Фоиз ставкаси 8 фоиз ва вақт даври бир йил бўлса, бир доллар бугунги қиймати  $1 / 1.08 = \$ 0.926$  ҳисобланади. Доллар ўрнига энди беш йиллик фойда дейлик. Бу долларнинг ҳозирги қиймати  $1 / (1,08)^5 = \$ 0,681$  бўлади. Корхона 5 йил ҳар бир охирида даромад бир доллар ҳосил дейлик. Шундай қилиб, ҳосил 5 долларнинг ҳозирги қиймати:

$$(21,14) \quad 1 / (1,08) + 1 / (1,08)^2 + 1 / (1,08)^3 + 1 / (1,08)^4 + 1 / (1,08)^5 = \$ 3,99$$

бир доллар ҳозирги қийматини (PV) аниқлаш учун умумий қоида йил ҳар бир охиридаги фойда:

$$(21.15) \quad PV = \sum 1 / (1+i)^n$$

бу ерда  $n = 1, \dots, N$

N йил сонига кўра бозор фоиз ставкаси ҳисобланади.

### **Дисконтли даромадлар ҳозирги қиймат формуласи билан**

Пул миқдори эҳтимол йилдан йилга фарқ қилади йил охирида қайтади. Мисол учун, 1 - йил охирида бўлса, 40 доллар 2 -йил 50 доллар, 3-йил, 20 доллар; 4-йил, 10 доллар ва 5-йил, 100 доллар, ҳозирги қиймати формуласи 1-йилнинг бошидаги даромадлар қийматини беради:

$$(21.16) \quad PV = 40 / (1+i) + 50 / (1+i)^2 + 20 / (1+i)^3 + 10 / (1+i)^4 + 100 / (1+i)^5$$

A умумий ҳақиқий қиймати формуласи:

$$PV = \sum (R_j / (1+i)^j)$$

Барча  $j = 1 \dots n$

n- йиллар сони.

$R_j$  йил j даромади ҳисобланади.

Фермер машина ишлатиш ва таъмирлаш, уни ушлаб қолиш учун ҳар қандай ўзгарувчан харажатлар сони юқорида ошди энди агар бир машина сотиб олинса, даромад йилига 100 доллар қайтади. Беш йил мобайнида, техник машиналар эскирган, лекин 150 доллар катта аҳамиятга эга бўлади. Ҳақиқий қиймати 8 фоиз бўлган фермер ставкаси учун машина учун тўлов кўзда тутилган бўлиши мумкин, бу ерда нимани аниқлаш учун фойдаланиш мумкин:

$$(21.17) \quad PV = 100 / (1.08) + 100 / (1.08)^2 + 100 / (1.08)^3 + 100 / (1.08)^4 + 100 / (1.08)^5 + 150 / (1.08)^5 = \$ 501,36$$

Машинадан олинган дисконтланган даромади 501,36 \$ ҳисобланади. Фермер 501,36 \$ гача тўлаши мумкин. Машинанинг жорий нархи дисконтланган аниқ ҳозирги қийматини (NPV) олиш учун унинг ҳақиқий қийматидан (PV) айириш мумкин. NPV ижобий ва тахминлар тўғри бўлса, фермер инвестицияни пул қилади.

Бундай ёндашув фермерга трактор каби катта осонгина бардошли мол инвестиция қўлланилиши мумкин. Катта муаммо машина учун зарур бўлган даромадни олиш ҳисобланади. Тўғри, янги машинага эгалик қилиш

натижасида керак бўлган даромадни аниқлаш учун баъзан қийин. Мисол учун, бир катта трактор экиш, ишлов бериш ва ўрим-йиғим операцияларни такомиллаштирган бўлса, у фермерга кўп даромадлар олиб келиши мумкин, лекин бу даромадлар баъзан ўлчаш учун қийин бўлади.

Кутилган яна бир масала трактор ҳаёти аниқлаш ва кутилган ҳаёт охирида унинг қутқарув қийматини ўз ичига олади. Ҳақиқий кутилган ҳаёт одатда федерал солиқ мақсадлар учун рухсат этилади. Фойдаланиш учун тегишли бўлган фоиз ставкаси яна бир муаммо ҳисобланади. Масалан, фоиз ставкаси қарз маблағлари маҳаллий банк томонидан белгиланган нарх фоиз ставкаларидан бири бўлиши мумкин, ёки бир омонат ҳисоб тўланадиган ставкаларидан бири бўлиши мумкин.

Ҳозирги формула қиймати бир парча ер сифатида, абадий бир умр билан бир шахснинг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун ўзгартирилган. Чексиз умр билан активликнинг ҳақиқий қиймати формуласи:

$$(21.18) PV = R / i$$

R актив тегишли йиллик қайтиш ва  $i$  тахминий фоиз ставкаси ҳисобланади. Мисол учун, ер қиймати бошқа барча харажатлар устидан муҳим. Бошига 300 доллар қайтиш билан маккажўхори ер, муҳим бошига 300 доллар туради. Фоиз ставкаси ўн фоиз бўлса, ернинг муҳим қисми 3000 доллар туради. Асосий бошида 2500 ёки 500 доллар - ернинг муҳим қисми 2500 долларга сотиш керак бўлса, унинг аниқ бугунги қиймати 3000 доллар ҳисобланади.

### **Мураккаб даромадлар ва харажатлар**

Дисконтлаш жараёни барча имконни ишлаб чиқариш даврининг бошида ўлчанадиган бўлса даромад ва йиллар давомида юзага келган харажатлар нима бўларди. Аралаш, бошида эмас охирида режалаштириш даромад ва харажатларини аниқлаш учун ишлатилади жараёндир. Бу ерда ишлатилган мисоллар харажатларнинг намуналари бўлиши мумкин, лекин бир хил ёндашув режалаштириш охирида даромадни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин.

Дисконтлаш даромадлари ва харажатларини жараёни нотаниш бўлиши мумкин, лекин мураккаблаштириш даромадлар ва харажатларнинг жараёни объектни қарз пул билан сотиб олди. Мураккаблаштириш харажатлар жараёнини кредит миқдорини (ёки асосий) ва тегишли модда вақт фоиз тўловлари жамлаш кўпроқ ҳеч нарсани ўз ичига олмайди.

Фермер 10000 долларга юк машиналари сотиб олди дейлик. Фермер 6000\$ га йилнинг охирида юк машинасини сотиш ниятида турибди. Фермер ўрнига ҳар йили аралаш ўн фоиз фоиз ставкаси билан уч йил ичида депозит сертификати сотиб олиш учун пул ишлатган бўлиши мумкин. Биринчи йил охирида юк машиналари фермер  $10,000 (1,10) = 11,000$  доллар. Иккинчи йилнинг охирида, юк машиналари  $11000 (1,10) = 10000 (1,10)^2 = 12,100$  туради. Учинчи йил охирида, юк машиналари  $12,100 (1,10) = 10000 (1,10)^3 = 13,310$  туради.  $6000 = 7,310$  мулкчилик зиммасига уч йил мобайнида - учинчи йил охирида, фермер 6000 доллар кетма-кет машинани сотса, кейин юк машинаси нархи 13.310 эди.

Фермер банкдан юк машинаси сотиб олиш учун пул қарз ўлса, кейин

кредитдан фоизсиз ҳақолиб фойдаланиш мумкин. Бироқ, фермер эҳтимол ойлик ёки йиллик кредит қайтариб бериш кўпроқ мураккаб бўлади. Бу уч йил давомида, фермер ўртача, 10000долларга эга бўлади. Бу ерда банк қарздорликни англатади, ва фоиз тўловлари аслида нимага қарзи асосланган бўлади? Юк машиналари сотилди, аммо, тўловлар ўрнига фермер омонатни ҳисобга қўйиш керак бўларди ва уч йил мобайнида ижара асосида банкка берарди. Омонат ҳисоб бўйича фоиз ҳам, юк машиналари зарядланган бўлиши кераклигини ифодалайди.

Мураккаблаштириш харажатлар учун умумий формуласи:

$$(21.19) C = C_{n-1}(1+i) + C_{n-2}(1+i)^2 + \dots + C_0(1+i)^n$$

бу ерда  $C$  –  $n$  йил охиригача етказилган умумий харажатларбўлса,  $C_0$  биринчи йил бошидаги қиймат,  $C_{n-1}$   $n$  йил бошида етказилган иқтисодий фойда бўлади,  $C_{n-2}$  харажатлари  $n-1$  йил бошида етказилган,  $n$  йил сони, ва  $i$  тахминий фоиз ставкаси ҳисобланади. Шунга ўхшаш формула даромади, одатда, балки йил бошидан ортиқ, охирида даромаддан чегирма учун фойдаланиш мумкин.

### Ишлаб чиқаришнинг яримдаври ва маржинал таҳлил

Маржинал таҳлил харажатларини юзага келиши ва маҳсулот сотишдан тушган даромадларнинг қайтариш ўртасидаги вақт мавжуд муаммоларни бартараф этишда қўлланилиши мумкин. Бунинг учун, аралаш ёки дисконтлаш йилнинг бошида харажатлар билан йил охирида олинган даромадни солиштириш учун ишлатилади. Ёндашув, кейин ҳар икки харажатлар корхоналарини ишлаб чиқариш қарорларига бир неча йил давомида катта эътибор қаратилиши мумкинлигини англатади.

Фермер йил бошида чиқиш уни учун ишлаб чиқариш харажатларини сабаб дейлик, лекин даромад йил охирига қадар олинмайди. Жами даромад ҳисобланади:

$$(21.20) TR = p_1\gamma_1$$

бу ерда  $\gamma_1$  ишлаб чиқиш, ва  $p_1$  маҳсулотнинг нархи.

Умумий қиймат (ТС) ишлаб чиқариш функцияси ҳисобланади:

$$(21.21) TC = c(\gamma_1)$$

Даромадлар йил охирида содир бўлса, уларнинг чегирмалари йил бошидан мавжуд:

$$(21.22) PV = TR/(1+i) = p_1\gamma_1/(1+i)$$

Харажатлар йилнинг бошида содир бўлади ва дисконтга ҳожатийўқ. чегирмали фойда учун йил бошидан:

Тенглама:

$$(21.23) P = TR/(1+i) - TC$$

Биринчи тартиби ва шартлари маҳсулот функцияси қиялиги нолга тенг бўлиши талаб этилади:

$$(21.24) dP/d\gamma_1 = [dTR/d\gamma_1] - [1/(1+i)] - dTC/d\gamma_1 = 0$$

$$p_1/(1+i) = c'(\gamma_1)$$

Соф рақобат модели, маргинал даромади ва нархлари бир хил нарса. Дисконтланган маржинал даромад ёки нархлари  $[p_1/(1+i)]$  маржинал нархига  $[c'(\gamma_1)]$  тенг бўлиши керак.



Муаммо шундаки, ишлаб чиқариш мавсумохирида дастлабки шароиттартиби учун ҳал қилиниши мумкин. Харажатлар аралаш бўлади, лекин мавсум охирида содирбўладиган ишлаб чиқариш даромади аралаш бўлмайди. Умумий аралаш қиймати бўлади:

$$(21.25) \text{ TC } (1+i) = c(\gamma_1) (1+i)$$

Фойда бўлади:

$$(21.26) \text{ П } = \text{TR} - \text{TC } (1+i) = p_1\gamma_1 - c(\gamma_1)(1+i) \quad [2]$$

### **Назорат саволлари:**

1. Иқтисодий ресурслар билан ишлаб чиқариш омилларининг фарқи нимада?
2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида иштирок этувчи омилларга нималар киради? Уларга таъриф беринг.
3. Ресурс салоҳияти деганда нимани тушунасиз?
4. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари қандай аниқланади ?
5. Меҳнат мотивацияси омиллари қайсилар?
6. Қишлоқ хўжалиги моддий техника базаси ва унинг таркиби.
7. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби қандай?
8. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида вақт ишлаб чиқариш омили сифатида қандай аҳамиятга эга?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. Published by Macmillan. USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647. (216о6 324-335 бет)
2. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.
3. Gary Bickel, Mark Nord, Cristofer Price, William Hamilton, John Cook Measuring Food Security in the United States. Guide to Measuring Household Food Security. USA ,USDA, 2000.
4. Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А., Дехконова Н.С., Ахмедова В. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиети. Ўқув қўлланма. - Т.: ТошДАУ, 2015. –174 б.

### **3- мавзу: Ишлаб чиқариш функциялари**

#### **Режа:**

- 3.1. Ишлаб чиқариш функцияларининг асосий концепциялари
- 3.2. Қисқа ва узок муддатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши омилларининг ўзгариши тамойиллари.
- 3.3. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида фойдани максималлаштириш.

## Таянч иборалар

*Иш хаки, капитал, ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш функцияси, Кобб-Дуглас модели.*

### 3.1. Ишлаб чиқариш функцияларининг асосий концепциялари

Ишлаб чиқариш - корхоналарнинг асосий фаолияти тури бўлиб, чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ресурслар ҳажмидан ва ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган технологиянинг ҳолати ва даражасига боғлиқдир.

Микроиқтисодиётда ишлаб чиқариш омилларини йириклашган 6 гуруҳга бўлиб ўрганилади. Булар: ер, ишчи кучи, тадбиркорлик қобилияти, капитал, материаллар ва ахборот.

*Ишлаб чиқариш функцияси.* Сарфланадиган ишлаб чиқариш омиллари миқдори билан, ушбу омиллардан фойдаланган ҳолда максимал ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори ўртасидаги боғлиқликни ишлаб чиқариш функцияси орқали ифодалаш мумкин. Агар омиллар мажмуаси сарфи **капитал**, **меҳнат** ва **материаллардан** иборат бўлса, ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$Q = f(K, L, M),$$

бу ерда  $Q$ - берилган технологияда максимал ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори;  $K$  - капитал;  $L$  - меҳнат;  $M$  - материаллар.[1]

Агар ишлаб чиқариш функцияси иккита,  $K$  (капитал) ва  $L$  (меҳнат) омилларига боғлиқ бўлса, ишлаб чиқариш функцияси қуйидагича ёзилади:

$$Q = f(K, L).$$

Капитал сарфи	Меҳнат сарфи, (соатларда)				
	1	2	3	4	5
1	30	50	<u>60</u>	70	<u>80</u>
2	40	65	<u>80</u>	85	<u>100</u>
3	<u>60</u>	<u>80</u>	<u>100</u>	110	115
4	65	85	110	115	120
5	<u>80</u>	<u>100</u>	120	125	130

### 1.2. Қисқа ва узоқ муддатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши омилларининг ўзгариши таъйинлари.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда вақт омили, яъни харажат қилингандан пировард натижа олингунча ўтган давр сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли вақт омилидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқа ва узоқ муддатли даврда алоҳида таҳлил қилинади.

Қисқа муддатли давр – бу корхонанинг фақат ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириш учун тақозо этиладиган даврдир.

Мисол учун, корхона маҳсулотига талаб кескин ошди, деб фараз қилайлик. Таклифнинг муайян ҳажмида талабнинг ошиши нархнинг ҳам кўтарилишига ва, бинобарин, корхона фойдасининг кўпайишига олиб келади. Ўз ўрнида, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали корхона фойда массасини янада ошириш имконига эга. Бунинг учун у энг аввало қисқа муддатли даврдаги ишлаб чиқариш харажатларини амалга оширади. Бундай харажатлар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) жонли меҳнат харажатларини ошириш, яъни қўшимча ишчи кучини ёллаш ва улардан фойдаланиш;

2) хомашё, материал, электр энергияси ва бошқа харажатлар миқдорини кўпайтириш;

3) нисбатан арзон ва ишлаб чиқаришга осонлик билан жорий этиш мумкин бўлган меҳнат воситалари миқдорини кўпайтириш ва ҳ.к.

Бундан кўринадики, корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун қисқа даврда фақат ўзининг ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириши мумкин бўлиб, улар қисқа муддатли харажатлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш қувватлари эса (ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари майдони, машина ва ускуналар миқдори) доимий бўлиб қолади, ҳамда бу давр фақат улардан фойдаланиш даражасини ўзгартириш учун етарли бўлиши мумкин.

Узоқ муддатли давр – бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ва барча банд бўлган ресурслари миқдорини ўзгартириш учун етарли бўлган даврдир.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш қувватларининг ўзгаришини тақозо қиладиган давр давомийлиги айрим тармоқ ва корхона хусусиятидан келиб чиқиб фарқланиши мумкин. Мисол учун, тикувчилик корхонасида ишлаб чиқариш қувватларини нисбатан қисқа муддатда, масалан бир неча кунда ўзгартириш мумкин. Бунинг учун бир неча иш столи ва тикувчилик машиналари сотиб олиш ва ўрнатиш кифоя қилади. Машинасозлик ёки нефтни қайта ишлаш заводидаги қўшимча қувватларни ишга тушириш эса бир неча йилни тақозо этиши мумкин.

Узоқ муддатли даврда барча харажатлар, шу жумладан, доимий харажатлар ҳам ўзгарувчи ҳисобланади.

Қисқа муддатли вақт давомида корхона ўзининг доимий (қайд қилинган) қувватларига ўзгарувчи ресурслар миқдорини қўшиб бориш йўли билан ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириши мумкин. Бироқ, ишлаб чиқариш қувватларига (доимий ресурсларга) қўшилган ўзгарувчи ресурслар маълум вақтдан сўнг камайиб боровчи натижа (маҳсулот) беради.

Бу ҳолат маржиналистлар томонидан ишлаб чиқилган унумдорликнинг пасайиб бориши қонуниорқали изоҳлаб берилади. Унга кўра, маълум даврдан

бошлаб корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларига (масалан капитал ёки ерга) ўзгарувчи ресурслар бирлиги (масалан, жонли меҳнат)ни кетма-кет қўшиб бориш, ҳар бир кейинги ўзгарувчи ресурс бирлиги қийматига камайиб боровчи қўшилган маҳсулот беради. Бошқача айтганда, агар асосий капиталга хизмат кўрсатувчи ишчилар сони кўпайиб борса, ишлаб чиқаришга кўпроқ ишчини жалб қилиб бориш билан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши тобора секинлик билан рўй беради. Бу қонунни тасвирлаш учун қуйидаги мисолни келтирамиз. Фараз қилайлик, фермер фойдаланадиган ернинг доимий миқдорига (масалан 20 га) эга бўлиб, унда дон етиштиради. Агар фермер экинга қайта ишлов бермаса, ҳар бир гектар ердан 40 центнердан ҳосил олади деб ҳисоблаймиз. Агар экинга қўшимча бир марта ишлов берилса, ҳосилдорлик 50 ц/га га қадар кўтарилиши мумкин. Иккинчи ишлов бериш ҳосилдорликни 57 ц/га, учинчиси - 61 ц/га, тўртинчиси, айтайлик 63 ц/га га қадар кўтариши мумкин. Экинга кейинги ишлов беришлар жуда кам ёки нолга тенг бўлган қўшимча ҳосил беради.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, унумдорликнинг пасайиб бориш қонуни, ўзгарувчи ресурсларнинг барча бирлиги (масалан барча ишчилар) сифат жиҳатидан бир хил деган фаразга асосланади. Яъни, ҳар бир қўшимча равишда жалб қилинган ишчи бир хил ақлий лаёқатга, билимга, малакага, ҳаракат тезлиги ва шу кабиларга эга деб ҳисобланади.

Демак, қўшилган маҳсулот кейинги жалб қилинган ишчи кам малакага эга бўлгани учун эмас, балки капитал (фондлар)нинг мавжуд миқдорига нисбатан кўп миқдорда ишчиларни банд қилиш сабабли камайиб боради. Бу ерда ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги нисбат, мутаносиблик бузилиши содир бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, унумдорликнинг пасайиб бориши деган қонун табиий равишда ўзидан ўзи эмас, балки омилларнинг бошқаси ўзгармагани ҳолда айримларини кўр-кўрона кўпайтириб, улар ўртасидаги мутаносиблик бузилганда содир бўлади.

Қулай иқтисодий муҳит туфайли, ишлаб чиқариш қувватларининг тўхтовсиз кенгайиб бориши натижасида корхона ўртача умумий (ялпи) харажатларида қандай ўзгариш рўй беради? Дастлаб қандайдир вақт оралиғида ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши ўртача умумий харажатларнинг пасайиши билан бирга боради. Аммо охир оқибатда кўпроқ ва янада кўпроқ қувватларни ишга тушириш ўртача умумий харажатларнинг ўсишига олиб келади. Бундай ҳолларни самаранинг камайиб бориш қонуни тушунтириб беролмайди, чунки унинг амал қилиш шарт-шароити ишлаб чиқаришда фойдаланадиган ресурслардан биттаси миқдорининг ўзгармаслиги ҳисобланади. Узоқ муддатли даврда барча ресурслар миқдори ўзгаради. Бундан ташқари биз таҳлилда барча ресурслар нархини доимий деб фараз қиламиз. Шу сабабли узоқ муддатли даврда ўртача харажатларнинг ўзгариши тамойилини ишлаб чиқариш миқёси ўсишининг ижобий ва салбий самараси ёрдамида тушунтириш мумкин.

Ишлаб чиқариш миқёсининг ижобий самараси шунда намоён бўладики, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бориши билан, бир қатор омиллар ишлаб чиқариш ўртача харажатларининг пасайишига таъсир кўрсата бошлайди.

Бу омиллар қуйидагилар: 1) меҳнатнинг ихтисослашуви; 2) бошқарув ходимларининг ихтисослашуви; 3) капиталдан самарали фойдаланиш; 4) қўшимча турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши.

**1. Меҳнатнинг ихтисослашуви.** Корхона кўламининг ўсиб бориши билан фойдаланилаётган меҳнатнинг ихтисослашув даражасини ошириш имкони кенгайиб боради. Қўшимча равишда ишчиларнинг ёлланиши топшириқнинг улар ўртасида борган сари аниқроқ тақсимланиб боришини англатади. Ишлаб чиқариш жараёнида 5-6 тадан турли операцияларни бажариш ўрнига эндиликда ҳар бир ишчи битта-ягона топшириқни бажариши мумкин бўлади. Бутун иш куни давомида у ўзининг малакасига кўпроқ мос келадиган вазифани бажариш билан банд бўлади. Кичик корхоналарда малакали ишчилар кўпинча ўз иш вақтларининг деярли ярмини ҳеч қандай малака талаб этмайдиган ишларни бажаришга сарфлайдилар. Бу эса ишлаб чиқариш харажатларининг ошиб кетишига олиб келади. Шунингдек, ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши билан таъминланувчи меҳнат операцияларининг тақсимланиши имконияти ишчилар учун ўз вазифаларини бажаришларида катта тажриба орттиришга замин яратади. 5-6 та топшириқ билан банд қилинган энг маҳоратли ишчи ҳам бу вазифаларнинг ҳар бирини бажаришда у қадар малакали бўла олмайди. Ягона вазифани бажариш имконига эга бўлгач, худди шу ишчи янада унумлироқ ишлай олади. Ва ниҳоят, меҳнат ихтисослашувининг юқори даражаси ишчи томонидан бир топшириқни бажаришдан бошқа бирига ўтишдаги вақт йўқотилиши ҳолатининг олдини олади.

**2. Бошқарув ходимларининг ихтисослашуви.** Ишлаб чиқаришнинг йирик миқёслари шунингдек бошқарув бўйича мутахассислар меҳнатида яхшироқ фойдаланиш имконини беради. Бирданига 20 нафар ишчини назорат қилишга қодир бўлган раҳбарнинг меҳнати бир неча ишчига эга бўлган кичик корхонада етарли даражада фойдаланилмайди. Бу ҳолатда маъмурий аппаратни таъминлаш харажатларини оширмаган ҳолда корхона ишлаб чиқариш ходимларининг сонини икки барабар кўпайтириш мумкин бўлади. Шу билан бирга, кичик фирмалар бошқарувчи мутахассис меҳнатида бевосита мақсадга мувофиқ фойдалана олмайдилар. Кичик корхонада сотиш муаммолари бўйича мутахассис ўз вақтини бошқарувнинг турли соҳалари – масалан, маркетинг, ишчи кучи ресурсларини бошқариш, молиявий бошқариш бўйича тақсимлашга мажбур бўлиши мумкин. Операциялар миқёсининг кенгайиши маркетинг бўйича мутахассис ўзини маҳсулотларни тақсимлаш ва сотиш устидан назорат ўрнатишга тўлиқ бағишлаши мумкинлигидан дарак бериб, бошқарувнинг бошқа функцияларини бажариш учун қўшимча равишда тегишли мутахассислар жалб этилади. Пировардида бу ҳолат самарадорликнинг ошиши ҳамда маҳсулот бирлигига бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишига олиб келади.

**3. Капиталдан самарали фойдаланиш.** Кўп ҳолларда кичик фирмалар ишлаб чиқариш жиҳозларидан технологик нуқтаи назардан нисбатан самарали фойдаланишга қодир бўлмайдилар. Маҳсулотларнинг кўплаб турларини ишлаб чиқариш учун машиналарни фақат жуда йирик ва қиммат турувчи комплектларда сотиб олиш мумкин. Бунинг устига, мазкур машина

жиҳозларидан самарали фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг катта ҳажмларини тақозо этади. Демак, яхши жиҳозларни сотиб олиш ва самарали фойдаланишга фақат йирик ишлаб чиқарувчиларгина эришишлари мумкин.

Мисол учун, автомобилсозликда ишлаб чиқаришнинг нисбатан самарали усуллари йиғиш линияси учун робот техникаси ҳамда мураккаб жиҳозларнинг қўлланишини тақозо этади. Мазкур жиҳозларнинг самарали ишлатилиши учун, баъзи бир ҳисоб-китобларга кўра, йилига 200 мингдан то 400 мингга қадар автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш лозим бўлади. Фақат йирик ишлаб чиқарувчиларгина бундай жиҳозларни сотиб олишлари ва самарали фойдаланишлари мумкин. Бу ҳолат майда ишлаб чиқарувчилар учун муаммоларни келтириб чиқаради. Автомобилларни бошқа жиҳозлар ёрдамида ишлаб чиқариш самарасиз ва маҳсулот бирлигига нисбатан кўпроқ харажатлар қилинишига олиб келади. Бироқ, нисбатан самарали жиҳозни сотиб олиб, ундан ишлаб чиқаришнинг кичик ҳажми туфайли тўлиқ фойдаланмаслик ҳам самарасиз ва қимматга тушувчи йўл ҳисобланади.

**4. Қўшимча турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши.** Йирик миқёсдаги ишлаб чиқаришнинг ташкилотчиси қўшимча маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кичик фирмага қараганда кенгроқ имкониятга эга бўлади. Гўштни қадоклаш бўйича йирик фабрика ишлаб чиқариш чиқиндисидан елим, ўғитлар, доривор маҳсулотлар ва бошқа шу каби қўшимча маҳсулотларни тайёрлайдики, кичик фирма бу чиқиндиларни зарур бўлмаганлиги учун шунчаки ташлаб юбориши мумкин эди.

Ишчи ва бошқарувчилар меҳнатини ихтисослаштириш даражасини ошириш, нисбатан самарали асбоб-ускуналардан фойдаланиш имконияти, чиқиндилардан самарали фойдаланиш каби барча технологик омиллар ўз ишлаб чиқариш миқёсини кенгайтиришга лаёқатли бўлган тадбиркор томонидан маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш харажатларининг пасайтирилишига таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришга жалб этилган барча ресурслар миқдорининг 10%га оширилиши ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан кўпроқ, масалан 20%га ошишига олиб келади, натижада ўртача умумий харажатлар пасаяди. Вақт ўтиши билан фирманинг кенгайтирилиши салбий иқтисодий оқибатларга, ва шундан келиб чиққан ҳолда, маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш харажатларининг ўсишига олиб келиши мумкин.

Салбий миқёс самараси рўй беришининг асосий сабаби йирик миқёсдаги ишлаб чиқарувчига айланган фирманинг фаолиятини самарали назорат қилиш ва мувофиқлаштиришга ҳаракат қилиш чоғида вужудга келувчи маълум бошқарув қийинчиликлари билан боғлиқ. Унча катта бўлмаган корхонада битта-ягона бошқарувчи унинг фаолиятига доир барча муҳим қарорларни шахсан ўзи қабул қилиши мумкин. Фирма ҳажмининг унча катта бўлмаганлиги туфайли мазкур бошқарувчи барча ишлаб чиқариш жараёнини яхши тасаввур қила олади ҳамда фирма фаолиятининг барча йўналишларини тезлик билан ўзлаштира олиши, ўз қўл остидагиларидан олаётган ахборотларни осонлик билан таҳлил қилиши, улар асосида аниқ ва самарали қарор чиқара олиши мумкин бўлади. Бироқ бундай қулай ҳолат фирма миқёсининг кенгайиши билан ўзгаради. Маъмурий ходимлар ва ишлаб чиқариш жараёнини

алоҳидалаштирувчи бошқарув қатламлари кўпайиб боради; юқори раҳбарият корхонадаги ҳақиқий ишлаб чиқариш жараёнидан алоҳидалашиб қолади. Йирик корхона миқёсида оқилона қарор қабул қилиш учун зарур бўлган барча маълумотларни йиғиш, тушуниш ва қайта ишлаш бир киши учун имкон даражасидан ташқарида бўлади. Бошқарув аппаратининг чуқурлашуви ва кенгайиши эса ахборот алмашинуви, қарорларни мувофиқлаштиришдаги муаммоларни ҳамда бюрократик ҳолатни келтириб чиқаради, бошқарувнинг турли бўғинлари томонидан қабул қилинган қарорлар бир-бирига зид келиш эҳтимоли кучаяди. Натижада самарадорликка путур етиб, ишлаб чиқаришнинг ўртача харажатлари ошади. Бошқача айтганда, барча ресурслар миқдорининг 10%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг номувофиқ равишда, айтилиқ 5%га ўсишига олиб келади.

**Ишлаб чиқариш миқёсининг ўсишидан доимий равишда олинувчи самара.**Баъзи ҳолларда ижобий миқёс самараси таъсири барҳам топувчи ишлаб чиқариш ҳажми билан салбий миқёс самараси кучга кирувчи ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги тафовут жуда аҳамиятли бўлиши мумкин. Бу иккала чегара орасидаги майдонда барча ресурсларнинг 10%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳам мутаносиб равишда 10%га кўпайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш миқёсининг кенгайиб бориши чуқур ихтисослашув туфайли бошқариш бўйича мутахассислар меҳнатидан анча яхши фойдаланиш имкониятини беради. Бу охир оқибатда самарадорликнинг ошиши ва маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига олиб келади.[5]

### **1.3. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида фойдани максималлаштириш.**

Америкалик иқтисодчи П.Дуглас ва математик Ч.Кобб яратган ишлаб чиқариш функцияси асос қилиб олинган Кобб-Дуглас моделида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида ишлаб чиқариш турли омилларининг улушини аниқлашга ҳаракат қилиниб, у қуйидагича ифодаланади:

$$Y = AK^{\alpha} L^{\beta},$$

бу ерда:

Y – ишлаб чиқариш ҳажми;

K – капитал сарфлари;

L – ишчи кучи сарфлари;

A – мутаносиблик коэффиценти;

$\alpha$  ва  $\beta$  - ишлаб чиқариш ҳажмининг ишчи кучи ва капитал сарфлари бўйича эластиклик коэффиценти.

Эластиклик коэффиценти бир кўрсаткич миқдорининг ўзгариши натижасида бошқа бир кўрсаткич миқдорининг ўзгариши даражасини ифодалайди. Шунга кўра,  $\alpha$  коэффиценти капитал сарфларининг 1%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини,  $\beta$  коэффиценти эса ишчи кучи сарфларининг 1%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини кўрсатади.

α ва β нинг йиғиндисини ишчи куचा капитал сарфларининг бир вақтнинг ўзида 1% га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини кўрсатади.

Ч. Кобб ва П. Дуглас ўз тадқиқотларида АҚШ қайта ишлаш саноатининг 1899-1922 йиллар мобайнидаги ишлаб чиқариш функциясининг кўрсаткичларини аниқлашга ҳаракат қилганлар:

$$Y = 1,01 \times K^{0,25} \times L^{0,75}.$$

Бу кўрсаткичлар шуни англатадики, ўша даврда АҚШ қайта ишлаш саноатида капитал сарфларининг 1% га оширилиши ишлаб чиқариш ҳажмини 0,25% га, ишчи куचा сарфларининг 1% га оширилиши эса ишлаб чиқариш ҳажмини 0,75% га ошишига олиб келар экан. [1]

Маълумки, қишлоқ хўжалигида капитал, ер ресурслари ва меҳнат ресурслари асосий ишлаб чиқариш омиллари экан, иқтисодий ўсишнинг сифати баҳо беришда улар дан олинувчи фойда даражасини таҳлил муҳима ҳамият касб этади.

Ушбу ресурслар дан оқилона фойдаланиш зарурияти ижтимоий мазмун касб этиб, ишлаб чиқариш нитакилини, бошқарув тизими, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва етиштириладиган маҳсулотлар нитаком иллаштиришга мажбур этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсишига унинг техник ва технологик ривожланиши омили қай даража да таъсир этганлигини таҳлил қилишда ишлаб чиқариш функциясининг бир кўриниши бўлган Кобб-Дуглас модели дан фойдаланилди. Унда жорий этилган технология ва меҳнат унумдорлиги ўзгаришини ҳисобга олиб, қуйидаги кўриниш дареал статистик баҳолашда қўлланилиши мумкин:

$$\frac{\Delta Y}{Y} = \frac{\Delta a}{a} + \alpha \frac{\Delta K}{K} + (1 - \alpha) \frac{\Delta L}{L} \quad (1)$$

бу ерда: Y - ишлаб чиқариш ҳажми;  
K, L - мос равишда капитал ва меҳнатга сарфланган харажатлар;  
α - жорий этилган технология ҳисобига меҳнат унумдорлиги ўзгаришини белгиловчи коэффициент.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида асосий воситаларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш салоҳиятига баҳо бериш учун энг аввало унинг капитал билан таъминланганлик масаласини тадқиқ этишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Агар тармоқда яратилган ялпи маҳсулот ўсиши соҳада ишловчилар сони ва технологик тараққиёт ўсиш суръати йиғиндисидан юқори бўлса, у ҳолда тармоқда инвестициялар ҳажмини ўсишини таъминлаш талаб этилади. Акс ҳолда мавжуд асосий фондлар ва технологик воситалар дан фойдаланиш интенсивлигини оширишга эътибор қаратилмоғи лозим.

1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, 2005-2013 йиллар оралиғида Кобб-Дуглас функциясини ҳисоблаймиз.

Регрессия таҳлили натижаларига кўра Кобб-Дуглас функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\frac{\Delta Y}{Y} = 0,981 \frac{\Delta K}{K} + 1,35 \frac{\Delta L}{L} - 8354,05; \quad (2)$$



$$r=0,99$$

Тенгламадан кўриниб турибдики, жорий баҳоларда қишлоқ хўжалигида яратилган қўшилган қиймат (Y) билан асосий фондлар қиймати (K) ва иш ҳақи фондлари (L) ўртасида кучли корреляцион боғлиқлик мавжуд ( $r=0,99$ ).

Ушбу моделдаги 0,981 коэффиценти қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёридаги асосий воситаларнинг қўшимча ўсиши тармоқда яратилаётган ялпи қўшилган қиймат ўсиш суръатига нисбатан секин таъсир кўрсатаётганлигидан далолат беради.

Яъни, соҳада ЯҚҚ ўсишининг 9,8 фоизигина асосий воситаларнинг қўшимча ўсиши ҳисобига тўғри келган.

Меҳнатга сарфланган харажатлар олдидаги мусбат (1,35) коэффицент эса, иқтисодиётнинг ушбу тармоғида реал иш ҳақи ўсишининг умумий даромад ўсишига нисбатан бирмунча орқада қолганлигини, яъни қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланишнинг нисбатан арзонлашиб бораётганлигидан далолат беради.

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фаолияти натижаси ва ресурс ҳолати асосий кўрсаткичларининг ўзгариши

Кўрсаткич номи	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми Y, жорий баҳоларда, млрд. сўм	7538,8	9304,9	11310,7	13628,6	16774,7	21422,3	27164,2	30849,4	36957
Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариши, ΔY		1,234	1,216	1,205	1,231	1,277	1,268	1,136	1,198
Асосий фондлар қиймати, K, жорий баҳоларда, млрд. сўм	3 809,80	3 949,10	5 989,40	6 519,10	7 794,00	8 935,10	11 047,10	12 072,80	14 107,40
Асосий фондлар қийматининг ўзгариши, ΔK		1,037	1,517	1,088	1,196	1,146	1,236	1,093	1,169
Қишлоқ хўжалигида иш ҳақи фонди, L, млрд сўм	8883,3	10016,5	10767,2	11634,1	12492,6	15729,3	18425,2	19915,7	23406,9
Иш ҳақи фондининг ўзгариши, ΔL		1,128	1,075	1,081	1,074	1,259	1,171	1,081	1,175

Олинган модел ёрдамида қишлоқ хўжалигини техник ва технологик воситалар билан таъминланганлик даражасини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бунинг учун асосий капиталнинг (асосий воситалар) чегаравий маҳсулини 3.9-ифода ёрдамида аниқлаш мумкин. Агар капиталнинг соф чегаравий маҳсули билан ЯҚҚнинг қўшимча ўсиш суръати ўртасидаги фарқ манфий қийматни олса асосий воситаларнинг таъминланганлик даражаси талаб этиладигани миқдордан ортиқча ҳисобланиб, улардан фойдаланиш самараси паст ҳисобланади. Ҳисоб-китоб натижаларини 2-жадвалда келтирилди.

Ҳисоб-китоб натижалари 2006-2013 йилларда қишлоқ хўжалигида тармоқда капиталдан олинган даромад ўсиши соҳада яратилган ялпи маҳсулот

ўсиш суръатидан орқада қолганлигини кўрсатмоқда. Бироқ бунга, бир қараганда, капитал ҳажмининг ортиқчалиги сабаб бўлган, деган хулосани бериб бўлмайди.

Чунки, асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлар реал ҳолатга тўғри келмайди. Айрим воситаларнинг баҳоси реал бозор баҳоларидан юқори бўлса, айримларининг баҳоси бир неча баробар кичик миқдорда хўжаликлар балансида акс эттирилган. Асосий воситалар реал баҳосининг аниқ ҳисобга олинмаганлиги натижасида уларнинг янгиланган жисмоний миқдори кам бўлса ҳам, қиймат кўринишида янгиланиш коэффициентининг жуда ҳам юқорилигига олиб келади.

Демак, тармоқ ривожланиш асосан эски ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобига юз бермоқда ва бу капиталнинг кўшимча ўсиш кўрсаткичи олдидаги коэффициентнинг кичиклигидан ҳам кўриниб турибди.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида капиталдан фойдаланиш самарадорлиги

Йиллар	Асосий фондларнинг ЯҚҚга нисбати, (K/Y)	Асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти, Коб, %	Капиталнинг чегаравий маҳсули, МРК, %	Капиталнинг соф чегаравий маҳсули, МРК-Коб, %	Қишлоқ хўжалигида реал ҚҚнинг кўшимча ўсиш суръати, %	Капиталнинг соф чегаравий маҳсули билан ЯҚҚнинг кўшимча ўсиш суръати фарқи, %	Қишлоқ хўжалигида капитал ортиқчалиги ёки етишмовчилиги тўғрисида хулоса
2006	0,51	19,6	10,5	-9,1	23,4	-32,5	ортиқча
2007	0,42	16,8	3,9	-12,9	21,6	-34,5	ортиқча
2008	0,53	14,3	6,5	-7,8	20,5	-28,3	ортиқча
2009	0,48	19,2	6,2	-13	23,1	-36,1	ортиқча
2010	0,46	11,6	7,5	-4,1	27,7	-31,8	ортиқча
2011	0,42	7,8	10,9	3,1	26,8	-23,7	ортиқча
2012	0,41	7,1	12,9	5,8	13,6	-7,8	ортиқча
2013	0,39	7,9	11,7	3,8	19,8	-16	ортиқча

### Назорат саволлари::

1. Ишлаб чиқариш функцияси нима ва унинг асосий концепцияларини қисқача таърифлаб беринг.
2. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг моҳиятини ва таркибини тушунтиринг.
3. Доимий, ўзгарувчи ва умумий харажатларнинг мазмуни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
4. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларда ишлаб чиқариш харажатлари қандай ўзгариш таъминланишига эга?
5. Унумдорликнинг пасайиб бориши қонунининг моҳияти.
6. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясини тавсифлаб беринг.

### Фойдаланилган адабиётлар::

1. David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. Published by Macmillan. USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647.
2. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.
3. Умурзоков Ў.П., Тошбоев А.Ж., Ж.Рашидов., Тошбоев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Ўқув қўлланма. ЎзРОЎМТВ. –Т.: “Иқтисод-Молия”, 2008 й. – 268 б.
4. Shodmonov Sh. Sh, G’ofurov U V; Iqtisodiyot nazariyasi Darslik. Toshkent: IQTISOD MOLIYA. 2010. 728 b.

#### **4- мавзу: Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш ва уни самарадорлигини ошириш йўллари.**

- 4.1.** Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти ва уларнинг тақсимланиши.
- 4.2.** Қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромади, фойдаси ва самарадорлиги.
- 4.3.** Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

**Таянч иборалар** *Ялпи маҳсулот, товар маҳсулоти, ялпи даромад, пул тушумлари, ялпи фойда, соф фойда, рентабеллик, иқтисодий самарадорлик.*

##### **4.1. Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти ва уларнинг тақсимланиши.**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пировард натижаси ялпи маҳсулотдир. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти деганда, шу тармоқнинг маълум бир давр ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари миқдорининг йиғиндиси тушунилади. Унинг таркибига фақат деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари киради.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти натура ва қиймат кўрсаткичларда ҳисобга олинади. Натурал кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида яратилган истеъмол қийматларининг таркиби ва миқдорини акс эттиради. Центнер, тонна ва бошқа ўлчовларда ҳисобланадиган ялпи маҳсулот кўрсаткичига, деҳқончиликда – алоҳида экинлар ёки бир хил турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари асосий маҳсулотлари, ёш кўп йиллик дарахтларнинг ва деҳқончиликдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг (кузги экинларнинг экиш ва келгуси йил ҳосили учун харажатлар) ўсишидаги ўзгаришлар, шунингдек тармоқнинг бошқа (қўшимча) маҳсулотлари (сомон, похол ва бошқалар); чорвачиликда – тайёр маҳсулотнинг алоҳида турлари бўйича (сут, жун, тухум ва бошқалар) ялпи тушум: ёш моллар ва парррандаларнинг тирик вазнининг ўсиши, шунингдек, тармоқнинг бошқа қолдиқ маҳсулотлари (гўнг ва бошқалар) киради.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини қишлоқ хўжалик корхоналари ялпи маҳсулоти билан алмаштирмаслик керак.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ялпи маҳсулоти анча кенг маънога эга бўлиб, у ўз ичига қишлоқ хўжалик маҳсулотидан ташқари ёрдамчи, саноат ва бошқа ишлаб чиқаришларни, иш ва хизматларни олади. Масалан: хўжаликда қайта ишланган (ун, ўсимлик, мол ёғи ва ҳ.к) деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ва бошқалар қишлоқ хўжалик маҳсулоти эмас, балки саноат маҳсулоти ҳисобланади. Улар ҳам қишлоқ хўжалик корхоналари ялпи маҳсулоти таркибига киради.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини умумий ифодалаш учун таққослама ва жорий баҳоларда, шунингдек маҳсулот таннархи бўйича баҳолаш лозим. Маҳсулотнинг умумий ҳажмини, унинг йиллар бўйича динамикасидаги ўзгаришларни аниқлаш учун, шунингдек, йиллик ва соатлик меҳнат унумдорлик даражасини, фонд қайтимини ҳисоблаш ва бошқа мақсадлар учун ялпи маҳсулот таққослама баҳоларда баҳоланади. Ялпи маҳсулотни жорий баҳоларда аниқлаш соф даромадни ҳисоблаш учун фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотлари қиймати унинг таннархи бўйича ҳисобланади.

Пулда ифодаланган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти тармоқда барча яратилган моддий бойликларга умумлашган тавсиф беради. У қишлоқ хўжалигининг жами ижтимоий маҳсулотдаги салмоғини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқ структурасининг даражаси ва динамикасини, алоҳида категориядаги корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ролини, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун зарур, умум иқтисодий кўрсаткич сифатида ҳаракат қилади.

Қишлоқ хўжалигида - пулда ифодаланадиган ялпи маҳсулот кўрсаткичларининг бир қатор камчиликлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Ялпи маҳсулот фақат жонли меҳнат эмас, балки буюмлашган меҳнатнинг ҳам натижасидир. Шунинг учун ялпи маҳсулот бўйича ҳисобланган кўрсаткичлар, жонли меҳнатни тежаш ҳисобига юқори бўлмасдан, балки моддий ресурсларни кўп сарфлаш ҳисобига амалга ошади;

2. Ялпи маҳсулотни ҳисоблашнинг ҳозирги - яъни деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари суммасини қўшиб ҳисоблаш методикаси такрорий ҳисоблашга йўл қўяди. Масалан: ем деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам маҳсулотлар таннархи моддасида икки марта ҳисобга олинади;

3. Ялпи маҳсулотни жорий харид баҳоларида баҳолаш, унинг ҳақиқий қийматини пасайтиради, яъни ялпи маҳсулотнинг товар бўлмаган қисми таннарх бўйича баҳоланади. У харид баҳосидан соф даромаднинг миқдорича кам бўлади, яъни ялпи маҳсулотнинг қиймати қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг товар бўлмаган қисмини ишлаб чиқаришга кетган, қўшимча меҳнатни ҳисобга олмайди;

4. Ялпи маҳсулот кўрсаткичи ҳар доим ҳам маълум корхона коллективининг реал меҳнат ҳиссасини акс эттирмайди, чунки унинг миқдори бошқа тармоқлардан келадиган материал ресурсларнинг ҳажмига ҳам боғлиқ;

5. Таққослама баҳоларда ҳисобланган ялпи маҳсулот кўрсаткичи, унинг сифатини тўлиқ акс эттирмайди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти фойдаланишига қараб, икки қисмга бўлинади.

Бир қисми (уруғ, ем, бузоқлар учун ажратилган сут, инкубатор учун тухум ва бошқалар) бевосита қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш мақсадлари учун истеъмол қилинади.

Бошқа қисми эса пировард маҳсулот дейилади ва сотиш учун фойдаланилади.

Шу сабабли қишлоқ хўжалигида «ялпи оборот» тушунчаси ҳам ишлатилади. Ялпи маҳсулотдан фарқ қилиб, ялпи оборот ўз ичига ҳамма ялпи маҳсулотни олади, яъни ички ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиганини ҳам, сотиладиганини ҳам. Ялпи оборот ялпи маҳсулотдан ички ишлаб чиқариш оборотининг миқдорига кўпдир. Қишлоқ хўжалигида, бошқа тармоқлардан фарқ қилиб, ялпи оборот ва ялпи маҳсулот бир-бирига тенг. Чунки, ялпи маҳсулот ялпи оборот усули бўйича ҳисобланади, яъни унга ички хўжалик обороти ҳам киради. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида ялпи оборот кўрсаткичи ҳисобланмайди.

Тармоқлар бўйича қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби қуйидагича бўлади:

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти:

I. Деҳқончилик маҳсулотлари:

- а) қишлоқ хўжалик экинлари асосий маҳсулотнинг ялпи ҳосили;
- б) кўп йиллик дарахтларни ўстириш;
- в) тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғидаги ўзгариш (кузги экинлар харажати);
- г) қўшимча маҳсулот (сомон, похол ва бошқалар).

II. Чорвачилик маҳсулотлари

- а) қорамол ва паррандалардан хўжаликда фойдаланишдан олинган, маҳсулотлар (сут, жун, тухум, пилла, қоракўл тери ва бошқалар);
- б) қорамол ва паррандаларнинг ўсиши (тирик вазнда);
- в) бузоқлар, кўзи, улоқ ва бошқа олинган болалар;
- г) қолдиқ маҳсулотлар (гўнг ва бошқалар).

Пулда ифодаланган деҳқончилик ялпи маҳсулоти кўрсаткичи (ДЯМ) қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосили қиймати (ЭЯХК), кўп йиллик дарахтларни ўстириш харажатлари қиймати (КЙДЎҚ), тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматидаги ўзгаришлар ва бошқа маҳсулотлар қиймати (Т ишлаб чиқариш ва БМК)дан ташкил топади.

$$\text{ДЯМ} = \text{ЭЯХК} + \text{КЙДУҚ} + \text{Т и/ч ва БМК} \quad (1)$$


Ялпи маҳсулотнинг таркибида шахсий истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги рационал нисбат аҳамиятга эга. Унинг ташкил топиши маҳсулотнинг таннархи ва баҳоси, бинобарин харажатлар рентабеллиги даражасига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигининг товар маҳсулоти деганда, ялпи маҳсулотнинг барча сотиш каналлари орқали, яъни давлат, матлубот кооперацияси, қишлоқ аҳолисига, деҳқон бозорида, ошхона орқали, болалар муассасаларига ва чет давлатларга сотиладиган қисмига айтилади.

Чорвачилик ялпи маҳсулоти (ЧЯМ) эса, моллар ва паррандалардан хўжаликда фойдаланиш натижасида олинган маҳсулотлар қиймати (МПМҚ); мол ва паррандалар тирик вазни ўсишининг қиймати (ТВЎҚ), олинган бола қиймати (ОБҚ) ва бошқа маҳсулот қиймати (БМҚ)дан ташкил топади.

$$\text{ЧЯМ} = \text{МПМҚ} + \text{ТВЎҚ} + \text{ОБҚ} + \text{БМҚ} \quad (2)$$

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тақсимланиши қуйидаги 1-расмда кўрсатилган.



**1-Расм. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тақсимланиши.**

Товар маҳсулотнинг сотилган ва бу учун пул олинган қисми сотилган маҳсулот дейилади. Шунинг учун «Товар маҳсулот» тушунчаси «Сотилган маҳсулот» тушунчасидан кенгдир. Агар товар маҳсулотнинг ҳаммаси сотилса, у ҳолда иккаласи тенг бўлади. Хўжаликларнинг ҳозирги ҳисоботларида товар маҳсулотнинг реал миқдори ва қиймати аниқланмайди. Сотиш пайтида сотилган маҳсулот натурал формада пулда ифодаланган қиймат формасига ўтади. Сотилган маҳсулотнинг бир қисми ўша заҳотиёқ қиймат шаклини олади. Бу четга кўрсатилган хизматлар ёки бошқа корхоналар учун бажарилган ишларга олинган пул тушумидир. Бир бутун қишлоқ хўжалигининг ҳамда алоҳида қишлоқ хўжалик корхоналари ва алоҳида маҳсулот турларининг товарлиги икки кўрсаткичда ифодаланади:

1. Товар маҳсулотининг массаси;
2. Товарлилик даражаси.

Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ўзи мустақил аҳамиятга эга, аммо товар фондининг абсолют миқдори ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида товарлилик даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у сотилган маҳсулотни ялпи маҳсулотга бўлиб топилади ва фоизларда ифодаланади.

Алоҳида маҳсулот тури бўйича товарлилик даражасини аниқлашда ялпи маҳсулот ва товар маҳсулот натурал кўринишда фойдаланилади. Маълум бир тармоқнинг ёки бутун қишлоқ хўжалигининг товарлилик даражасини аниқлашда ёки ҳар хил маҳсулот чиқарадиган турли тармоқ товарлилик даражасини солиштирганда ялпи сотилган маҳсулотнинг қиймат кўринишидан фойдаланилади. Бунда ялпи маҳсулот ва сотилган маҳсулот бир хил баҳода баҳоланиши мақсадга мувофиқдир. Амалиётда товарлилик даражаси қуйидагича ҳисобланади:

$$T_d = \frac{T_M}{Y_M} \cdot 100 \quad (3)$$

Товар айланиши қанча тез бўлса, хўжаликга пул тушуви шунча тез ва ялпи маҳсулот ҳажми ортиб боради. Маҳсулот товарлилигини ошириш учун маҳсулот сифатини яхшилаш лозим. Шунинг учун маҳсулот ҳажмини ва товарлилигини ошириш орқали юқори самарадорликка эришилади.

ЯМ; ЯМК

Т<sub>д</sub> - товарлилик даражаси;

Т<sub>м</sub> – сотилган маҳсулот(миқдори, қиймати.);

Я<sub>м</sub> – ялпи маҳсулот(миқдори, қиймати).

#### **4.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромади, фойдаси ва самарадорлиги.**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий самарадорликни аниқлашда объектив иқтисодий қонунларни моддий ишлаб чиқаришнинг шу тармоғида ўз кўриниш шакллари ифодалайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқариш ресурслар самарадорлигини умумлашган ҳолда акс эттиришдан, унинг мезонини мутоқ ва нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимига асослаш, турли характерда иқтисодий самарани ўлчаш ҳамда турли характердаги ресурслар ва харажатларни ўлчаш сифатида ҳам зарурдир. Улар ўзининг иқтисодий табиати билан ҳам ва ҳар доим ҳам таққослаб бўлмаслиги билан ҳам фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади.

Хусусий кўрсаткичларга, маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги, ер қайтими, фонд қайтими, материал қайтими, маҳсулот таннархи ва шуларга тескари кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичлар натижа сифатида, саноатнинг хом-ашёга, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини анча тўлароқ қондиришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришининг мақсадини анча тўлароқ акс эттиради. Шунини таъкидлаш лозимки, умумий самара фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори билан эмас, балки қўйилган мақсадга боғлиқ ҳолда, бошқа ҳажм кўрсаткичларга ҳам эга. Масалан: ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш самарасини бош вазифа-истеъмол қиймат яратиш нуктаи назардан; товар маҳсулот-қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ижтимоий эҳтиёжни қондириш нуктаи назаридан; соф маҳсулот (ялпи даромад) - такрор ишлаб чиқаришнинг икки томони – истеъмол ва жамғариш - бирлигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш учун; фойда ва соф даромад - ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол қийматга бўлган манфаатини қондириш нуктаи - назаридан характерланади.

Шу билан бирга, кишиларнинг истеъмолини қондириш даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат миқдorigа эмас, балки сифатига ҳам боғлиқ. Маҳсулот сифатини яхшилаш бир томондан озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорининг кўпайганлигини билдирса, енгил саноат учун қишлоқ хўжалик хом-ашёсининг сифатининг яхшиланиши аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга имконият яратади.

Меҳнат унумдорлиги ёки меҳнат қайтими маълум вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдorigа сарфланган жами меҳнат харажатларининг самарадорлигини характерлайди.

Ер қайтими қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради.

Фонд қайтими қишлоқ хўжалигига тааллуқли асосий ишлаб чиқариш воситаларида мужассамлашган, буюмлашган меҳнат харажатларидан қай даражада самарали фойдаланаётганлигини кўрсатади.

Материал қайтими барча турдаги моддий ресурслардан, шу жумладан буюмлашган меҳнат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради.

Маҳсулот бирлиги таннарни умумлашган ҳолатда жами истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини характерлайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қандай даражадаги харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.

Алоҳида ресурслар ва харажатлардан фойдаланишни тавсифлайдиган бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши абсолют самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидир. Масалан: асосий фонд қайтимида, алоҳида трактор, комбайн, маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқалар; айланма фонд қайтимида, алоҳида уруғдан фойдаланиш, ем-хашак, ёкилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш бўйича ҳам ўрганилади. Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бир томондан ишлаб чиқариш ресурслари ва самара (натижа) ўртасидаги нисбатни ва бошқа томондан, жорий ишлаб чиқариш харажатлари билан самара ўртасидаги нисбатни ифодалайди, бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг иккита концепциясини – ресурс ва харажатни - вужудга келтиради.

Ресурс концепцияси - такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, харажатлар



концепцияси - шу ресурсларнинг истеъмол қилинган қисми самарадорлигини баҳолашга имкон беради. Мақсадга қараб ресурс ёки харажатлар концепцияси ёки икковидан ҳам бир вақтда фойдаланиш мумкин.

Қабул қилинган самарадорликнинг концепцияларига мос равишда кўрсаткичлари ҳам аниқланади:

1 та ходимга, 1 киши/соатига, 1 га қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерга, 100 сўмлик асосий воситага, 100 сўмлик айланма воситаларга тўғри келган самара қўлланилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. 100 сўм иш ҳақиға, амортизация ажратмасига, моддий айланма воситаларга ҳамда маҳсулот таннархига тўғри келган маҳсулот таннархга киритилган барча бевосита ва билвосита харажатлари самарадорлигини ифодалайди.

Келтирилган хусусий кўрсаткичлар, маълумки умумий самара (натижани)ни алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари харажат тури миқдорига нисбатини аниқлайди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида алоҳида ресурс(харажат)лар катнашади. Демак, ҳар бир ресурс (харажат) умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида иштироқ этади. Бу услубий жиҳатдан маълум даражада хато бўлса ҳам, умумий самара ана шу ишлаб чиқариш ресурсларининг биргаликдаги фаолиятининг натижасидир. Шунинг учун ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар томонлама ва аниқ баҳолаш учун, алоҳида усулда ҳисобланадиган кўрсаткичларни, ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсининг умумий самарани яратишдаги ролини ва уларнинг ишлаб чиқариш пировард натижасига таъсирини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар билан тўлдириш лозим. Бунинг учун эластиклик, детерминация коэффицентларидан, шунингдек, иқтисодий-математик моделлаштириш услубидан фойдаланиш керак бўлади.

Ҳисоблаш ҳар қанча мураккаб бўлса ҳам, бир умумлаштирувчи шундай кўрсаткич керакки, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини миқдорий жиҳатдан тўлиқ баҳолайдиган бўлиши керак. Бу вазифани бажариш учун умумлаштирувчи кўрсаткич маълум бир қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий қонунларидан келиб чиқиши керак;

2. Ишлаб чиқаришнинг пировард натижасини жами ресурслар ёки жами харажатлар билан таққослашни таъминлайдиган кўп омилли бўлиши керак;

3. Бу кўрсаткич самарадорликни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг турли даражаларида, қишлоқ хўжалиги корхоналаридан бошлаб бир бутун қишлоқ хўжалиги бўйича очиқ бериши керак;

4. Бу кўрсаткич билан ҳисоблаш методик нуқтаи назаридан оддий ва қулай бўлиши керак.

Юқорида баён қилинган, ишлаб чиқариш самара (натижа)си ва ишлаб чиқариш ресурс (харажат)лари тўғрисидаги асосий методологик шароитларга мос, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичга бўлган талабини ҳисобга оладиган кўрсаткич ресурс қайтими (ресурс сигими) ҳисобланади. У

қўлланилган ресурслар салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлигини характерлайди.

Харажатлар концепцияси самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи – рентабеллик ҳисобланади ва истеъмол қилинган ресурсларнинг қайтимини ифодалайди.

Самарадорликни энг муҳим қиймат кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

ЯМ (ЯД, СД, Ф)

$$C = \frac{ИХ + Е * АФ}{ЯМ} \quad (4)$$

ИХ+Е\*АФ

бу ерда: С- самарадорлик;

ЯМ- ялпи маҳсулот;

ИХ-ишлаб чиқариш харажатлари;

Е-0,15 асосий фондлар иқтисодий самарадорлигининг меъёрий коэффиценти;

АФ-асосий фондлар.

Меҳнат унумдорлиги:

ЯМ (ЯД, СД, Ф)

$$C = \frac{МС}{ХС} \quad (5)$$

МС ёки ХС

МС-меҳнат сиғими; ХС-ходимлар сони.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

$$\begin{matrix} ЯМ & ЯД & СД & Ф \\ C = \frac{ЯМ}{ЭкМай} ; & C = \frac{ЯД}{ЭкМай} ; & C = \frac{СД}{ЭкМай} ; & C = \frac{Ф}{ЭкМай} \end{matrix} \quad (6)$$

6. Фондлардан фойдаланиш самарадорлиги

$$\begin{matrix} ЯМ & АФ \\ & ФК = \frac{АФ}{ЯМ} & ФС = \frac{АФ}{ЯМ} \end{matrix} \quad (7)$$

Харажатлар концепциясининг самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичи – рентабеллик ҳисобланади ва истеъмол қилинган ресурсларнинг қайтимини ифодалайди.

Рентабеллик нисбий кўрсаткич бўлиб, ишлаб чиқаришнинг даромадлилик даражасини билдиради. Бу кўрсаткични корхона фаолиятини баҳолаш ва инвестициявий сиёсатни юритиш, ҳамда баҳо белгилашда асосий мезон сифатида ишлатишади.

Хўжаликнинг рентабеллигини аниқлаш ялпи маҳсулот, ялпи ва соф даромад каби омиллар биланбоғлиқ.

Ялпи маҳсулот-бу хўжаликда етиштирилган барча маҳсулотнинг йиғиндисидир.

Ялпи даромад - ялпи маҳсулот қийматидан сарфланган ишлаб чиқариш маблағлари (материал-пул харажатлари) чиқариб ташланса ҳосил бўлади.

Ялпи даромад ўз навбатида соф даромад ва меҳнат ҳақиға бўлинади.

Соф даромад - ялпи даромаднинг меҳнат ҳақи фонди чиқарилиб юборилгандан кейин қолган қисми ҳисобланади. Соф даромад маҳсулотни реализация қилишдан келган суммадан уни етиштиришга сарфланган харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмига тенгдир.

Хўжаликнинг рентабеллиги, даставвал, маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф даромад (фойда) билан характерланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоси барқарор даражада бўлса, таннарх камаяди, маҳсулот етиштириш ва реализация қилиш ҳажми кўпаяди, унинг сифати яхшиланади. Буларнинг ҳаммаси рентабелликни оширишга имкон беради.

Рентабелликда мутлоқ кўрсаткич - бу фойдадир. Фойда - бу реализация қилиш натижасида олинган соф даромаднинг қисми бўлиб, у маҳсулот сотишдан келадиган маблағдан - сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ёки тўла таннарх қийматини чиқариб ташланган қисмига тенг бўлади:

$$\Phi = \text{ПТ} - \text{ТТ} \quad (8)$$

Фойда – бу фақат ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки маҳсулотларни сотиш жараёнида эришилган охирги иқтисодий кўрсаткичдир. Энг аввало унда жонли меҳнат харажатлари ифодаланади, чунки унинг асосида ялпи даромад ётади, ходимларнинг жонли меҳнати билан янги маҳсулот яратилади. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, янгидан яратилган қийматдаги иш ҳақи салмоғи шунча оз бўлади, унинг бир қисми фойдани ташкил қилишга кетади. Фойдада, шунингдек буюмлашган меҳнат харажатларининг самарадорлиги акс этади. Маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келган моддий харажатлар ва иш ҳақи харажатларининг камайиши, баҳо ўзгармаганда фойдани кўпайтиради ва ниҳоят бу кўрсаткичда маҳсулот сифати намоён бўлади. Фойда бир қатор муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради:

1. Ўлчаш вазифаси -фойдадан ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичи сифатида фойдаланилади.

2. Тақсимлаш вазифаси - қўшимча маҳсулотни тақсимлаш воситаси сифатида.

3. Рағбатлантириш вазифаси - иқтисодий рағбатлантириш фондини шакллантириш манбаи сифатида.

1. Ялпи фойда (зарар) (ЯФ) - қишлоқ хўжалик корхонасида товар маҳсулотини сотишдан тушган тушум, яъни соф пул тушумидан (ССТ) сотилган маҳсулот, товар, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш таннархи (ИТ) олиб ташланади. Бунда соф пул тушуми жами пул тушумидан қўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи, ташқарига чиқарилган товар солиғи, товар сотиб олувчи товарни қайтариб бериш мумкин бўлган скидкаларни (табиий камайиш) чиқариш йўли билан аниқланади:

$$\text{ЯФ} = \text{ССТ} - \text{ИТ} \quad (9)$$

2. Корхона асосий фаолиятидан олинган фойда (зарар) (АФФ). Буни аниқлаш учун ялпи фойда (зарар)дан сотиш ва маъмурий харажатлар(даврий харажатлар)(ДХ) айрилиб, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан

даромадлари(БД) ва харажатлари(БЗ) ҳам мос равишда қўшилиб ва айириб ташланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ \quad (10)$$

3. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар) (УФ). Асосий фаолиятдан олинган фойда(зарар)дан олинган дивидентлар, заёмлар бўйича фоизлар, валютанинг курс фарқи, бошқа молиявий фаолият бўйича даромадлар(МД) қўшилиб, харажатлар ва банк процентлари (БХ) айрилади.

$$УФ = АФФ + МД - МХ \quad (11)$$

4. Солиқ тўлагунча фойда (зарар) (СТФ) умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда фавқулотда( кўзда тутилмаган) вазиятлардан қурилган фойда (ФФ) қўшилади ва зарар(ФЗ) айириб ташланади:

$$СТФ = УФ + ФФ - ФЗ \quad (12)$$

5. Соф фойда(зарар)(СФ). У солиқ тўлангандан кейин хўжалик субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад(фойда)дан тўланадиган солиқни(ДС) ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни(БС) чиқариб ташланган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФ - ДС - БС \quad (13)$$

Алоҳида олинган маҳсулотнинг, тармоқни ёки бутун бир корхонани иқтисодий самарадорлигини, олинган фойда орқали аниқлаш тўлиқ натижа бермайди. Бунинг учун олинган фойдани ҳосил қилиш мақсадида унинг қийматини сарфланган харажат билан таққослаш керак. Бунда рентабеллик даражаси (R) кўрсаткичидан фойдаланилади.

Рентабеллик даражаси- фойдани моддий ва меҳнат харажатлари (маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ) қийматлари нисбатининг фоиздаги даражасини кўрсатади.

Рентабеллик меъёри маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф даромадни унинг таннархига бўлиш йўли билан фоизлар ҳисобида аниқланади:

D

$$R = \frac{D}{S} \cdot 100 ; \quad (14)$$

S

Жамғармалар бўйича рентабеллик ёки фоиз ҳисобидаги фойда меъёри ишлаб чиқариш маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини тавсифловчи энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

D

$$R = \frac{D}{\Phi_k} \cdot 100 ; \quad (15)$$

Фк

бунда: Ф-соф фойда, сўм ;

S-тўлиқ таннарх, сўм;

Фк-асосий ишлаб чиқариш жамғармалари қиймати, сўм.

#### **4.3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.**


Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўп ва турли - туман омиллар ва шароитлар таъсири остида шаклланади. Қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг қийинлиги шундан иборатки, бу омиллар бир-биридан алоҳида мустақил ҳаракат қилмайди. Улар бир-бири билан мустаҳкам алоқада, бир-бири билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи ресурслар салоҳиятининг сифат омиллари 2-расмда кўрсатилган.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунинг натижасида қуйидагиларга эришилади:

1. Маҳсулот бирлигига меҳнат ва ресурслар қанча кам сарфланса, мавжуд ресурслардан кўпроқ маҳсулот олинади ва улар арзон бўлади.
2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш катта иқтисодий самара беради.
3. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлиги қишлоқ хўжалик хом ашёсидан тайёрланадиган озиқ-овқат ва кенг истеъмол буюмларига қўйиладиган баҳоларнинг даражаларига ҳам боғлиқ.
4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш хўжаликлар даромадининг кўпайишга ва рентабелликнинг ошишига олиб келади.



### **3-расм. Иқтисодий самарадорликга таъсир этувчи омиллар.**

#### **5-мавзу: Қишлоқ хўжалигида инвестицион ва инновацион фаолият ва уларнинг самарадорлиги**

- 5.1. Қишлоқ хўжалигида инвестициялар моҳияти ва аҳамияти.
- 5.2. Қишлоқ хўжалигида инновациялар моҳияти ва аҳамияти.
- 5.3. Қишлоқ хўжалигида инвестициялар ва инновацияларнинг самарадорлиги.

**Таянч иборалар:** *Инвестиция, интеллектуал, маблағ, мулк, капитал, инновация, ижтимоий, молиявий инвестиция, соф капитал, реал инвестиция, миллий ҳисоб тизими, ресурслар, четдан жалб этилган маблағ, молия корпорацияси, инвестор, реинвестиция, мушлоқ самарадорлик, сармоя, техник иқтисодий асослаш, бизнес режа.*

#### **5.1. Қишлоқ хўжалигида инвестициялар моҳияти ва аҳамияти.**

Бозор иқтисоди шароитида инвестиция маблағлари янги, самарали технология ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга хизмат қилади. Инвестиция маблағлари доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интеллектни барпо этиш ва уларни ривожлантириш учун сарфланади. Фермер хўжалигининг асосий воситларини сотиб олиш, қуриш ҳамда уларни капитал таъмирлашга сарфланса, бу сарфлар узоқ муддатга мўлжаллангандир. Уларни асосий капиталга сарфланган инвестициялар деб аталади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида инвестициялар айланма воситаларига ҳам сарфланади. Инвестициялар фермер хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари барпо этиш ва ишга яроқлилигини таъминлайди.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар инвестициялар деб аталади. Улар фермер хўжалигининг моддий-техника базасини яратиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорациялаш натижасида сарф харажатларни

камайтириб маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш орқали даромадни оширишдан иборатдир.

Инвестиция маблағларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 й.) қонунлари қабул қилинди. Унда инвестициялар мақсад ва вазифаларига кўра 3 га бўлинади:

1. Капитал инвестициялар деб, асосий фондларни барпо этишга, такрор ишлаб чиқаришга ва моддий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари ривожлантиришга сарфланган инвестициялардир.

2. Инновация инвестициялари деб, техника, технологиялар, янги авлодини яратиш ва ўзлаштиришга сарфланган инвестицияларга айтилади.

3. Ижтимоий инвестициялар деб, инсон салоҳиятини малакасини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга шунингдек, моддий истеъмолларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга сарфланган маблағлардир.

Инвестициялар ўз фаолиятига қараб 2 га бўлинади. Улар реал ҳамда молиявий инвестицияларга ҳам бўлинади. 1. Реал инвестициялар моддийлашган асосий ва айланма воситаларга маблағлар. 2. Молиявий инвестициялар қимматли қоғозларни (акция, облигация, вексел, сертификат) шакллантиришга сарфланган маблағлар. Реал инвестицияларни капитал қўйилмалар, деб ҳам аталади. Капитал қўйилмалар ялпи ва соф капитал қўйилмаларига бўлинади. Реал инвестицияларнинг умумий суммаси ялпи капитал қўйилмаларини ташкил этади. Реал инвестицияларни сарфлаш натижасида ишга туширилган қисми соф капитал қўйилмалардир. Соф капитал қўйилма ялпи капитал қўйилма суммасига тенг ёки кам бўлиши мумкин. Фермер хўжалигида ялпи капитал қўйилмани соф капитал қўйилмага айлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Сарфланаётган реал инвестициялар моддийлаштирилишини, яъни ишга туширилишини таъминлаш зарур.

Миллий ҳисоблар тизимида капиталга ҳамда моддий ишлаб чиқаришни воситаларига сарфланган маблағлар реал инвестициялар деб ҳам юритилади.

Капитал қўйилмаларнинг фермер хўжалигидаги аҳамияти юқори бўлиб, биринчидан, капитал қўйилмалар — жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Капитал қўйилмалардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмини ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, капитал қўйилмалар фермерларнинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади.

Учинчидан, капитал қўйилмаларнинг нораціонал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлар ўсишига олиб келади, натижада ЯМД қисқаради.

Инвестициялар (капитал қўйилмалар) фермер хўжалигининг ҳар томонлама ривожлантириб, моддий техника базасини мустаҳкамланади. Улардан самарали фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб соф фойда суммаси

кўпаяди. Натижада фермер хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти кенгаяди.

Фермер хўжаликларининг барча инвестициялари (капитал қўйилмалар) иккита манбадан: корхонанинг ўз маблағларидан ва четдан жалб қилинган маблағлардан шаклланади.

Фермер хўжалигининг ўз маблағларига қуйидагилар киради:

- фермер хўжалигининг соф фойдасидан ажратиладиган маблағлар;
- амортизация фондидаги маблағлар;
- асосий воситаларни тугатишдан, сотишдан келиб тушган маблағлар;
- чорва молларини сотишдан тушган маблағлар;
- фермер хўжалиги қимматли қоғозлар сотиш ва сотиб олишидан келган маблағ.

Четдан жалб қилинган маблағларга:

- фермер хўжалигига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинадиган маблағлар;
- турли хил қарзлар ва банк кредитлари;
- хўжалик аъзоларининг бўш маблағларини жалб этиш;
- хорижий ва шахсий корхоналар ва фуқароларнинг маблағлари;
- хайрия ҳомийлар ажратаётган маблағлари ва бошқалар.

Капитал капитал қурилишга ва янги техникани жорий қилишда ишлатилади. Капитал қўйилмаларнинг асосий вазифаси – тармоқ маҳсулотини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлашдир.

Капитал – фермер хўжалиги молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга қўйилиб, даромад келтиради. Капиталнинг айланма фондларга қўйилиши тўғри портфелли инвестициялар орқали амалга оширилади.

Инвестиция қилишда фермер хўжалиги ўз маблағларидан фойдаланиши иккита устунликка: фермер хўжалигининг ташқи тўловлар мавжуд бўлмайди (олинган кредитлар бўйича фоиз, акциялар бўйича дивидентлар, ижара ҳақи ва ҳоказо), шунингдек фермер хўжалигини бошқаришда мустақкам позицияни шакллантиради.

Четдан жалб этиладиган инвестициялар – чет давлатларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг инвестицияларидан ташкил топади.

Хорижлик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар киради. Интеллектуал мулкка – чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад республика ҳудудида чет эл инвестициялари деб ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

Фермер хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга ва ишлаб чиқаршини ривожлантиришга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкларининг республикадаги бўлимлари ҳамда АҚШ, Германия, Исроил, Голландия, Франция ва бошқа давлатларнинг ваколатхоналари инвестицияларни жойлаштириш, сарфлаш билан шуғулланмоқда.



Қишлоқ хўжалигида инвестициялар қуйидаги фаолиятда бўлади. Инвестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлардир.

Инвестиция фаолияти – субъектларининг инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларидир.

Инвестор – ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларини, мулкый бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти субъекти ҳисобланади.

Инвестиция фаолияти иштирокчиси – инвесторнинг буюрмаларини бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятининг таъминловчи инвестиция фаолияти субъектидир.

Реинвестициялар – инвестор томонидан киритилган инвестицияларни бошқа давлатга ёки ҳудудга бериб юборишдир. [3,4]

## **5.2. Қишлоқ хўжалигида инновациялар моҳияти ва аҳамияти.**

Бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида, инновацияларни жорий этиш, миллий корхоналар рақобатдошлигини ошириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини ва бозордаги мавқеини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Инновациявий фаолият, ишлаб чиқариш ва инсон ҳаётий фаолиятининг бошқа соҳалари эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим услубларидан бири ҳисобланган ҳолда, у фойдаланиладиган маҳсулотларнинг сифат ўзгаришлари, фаолият воситалари ва услубларини янгилаш йўли билан амалга оширилади. Аммо сифат ўзгаришлари фақатгина фундаментал билимлар асосида ўзгартириш мумкин бўлиб, улар техник босқичдан ишлаб чиқариш соҳасига ўтган ҳолда, унда прогрессив ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ушбу соҳадаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, саноати ривожланган мамлакатларда инновациявий фаолият маҳсулотларини сотиш ҳисобига миллий даромаднинг 20% гача ўсиши таъминланиши мумкин.

Инновациявий бошқарув - Ўзбекистон иқтисодиёти учун нисбатан янги тушунча бўлиб, фан-техника тараққиётини бошқариш жараёнлари ва илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг асосий жиҳатларини қамраб олади.

Инновация - мавжуд тизимлар ривожланишини бошқариш жараёни бўлиб, унда инновациявий маҳсулот амалий қўлланилиш босқичигача олиб келинади ва бозор муваффақиятини таъминлайди.

Мамлакатлар рақобатдошлигини баҳолашнинг кўрсатишича, корхоналар ривожланишининг асосий стратегияси бўлиб, қуйидаги та-моилларга асосланган бошқарув сиёсатини амалга ошириш учун хизмат қилади:

- табиий ва иқлим ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- жамғарилган бойликлардан ўз ўрнида фойдаланиш;
- инвестицияларни фаол жалб қилиш;
- инновацияларни қўллаб-қувватлаш.

Шу муносабат билан, инновациявий бошқарувнинг ташкилот самарали ривожланиши ва рақобат устунликларини шакллантириш омили сифатидаги роли янада ошади.

Инновациявий бошқарувнинг энг муҳим амалий вазифаларидан бири - инновациявий жараёнларни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантиришдир ва у қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутди:

- инновациявий бошқарувнинг тегишли назарий базасини ишлаб чиқиш;

- инновациявий бошқарув соҳасида мавжуд муаммоларни ечиш услубларини асослаш;

- инновациявий жараёнлар самарадорлигини баҳолаш услуги ва уларга таъсир кўрсатиш воситаларини ишлаб чиқиш.

Корхонада рўй бераётган инновациявий жараёнларнинг самарадорлиги, инновациявий стратегияни шакллантиришда қўлланиладиган усул ва услубларга, инновациявий маҳсулот категориясига, ишлаб чиқиладиган инновациялар турларига, илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришда қўлланилишига боғлиқ бўлади. Улар орасида энг муҳим элементлар бўлиб қуйидагилар саналади:

- инновациявий характердаги ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали стратегиялари;

- муайян ташкилий тузилмада бундай стратегияни амалга ошириш жараёнини бошқарув механизми.

Тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва маркетинг стратегиялари билан бир қаторда юқорида қайд этилган инновациявий стратегия, ташкилот умумий иқтисодий стратегиясининг муҳим бўғини сифатида қаралади.

Бошқарувнинг инновациявий назарияси ва инновациявий стратегиясини услубий жиҳатларини ўрганиш даври ўтган аср бошларига тўғри келди ва кўпгина йирик олимлар томонидан амалга оширилди.

Ҳозирги кунда илмий-техник тараққиёт ва бозор эҳтиёжлари, маҳсулот номенклатураси ва сифатига янги талабларни шакллантирган ҳолда, талаб ва таклиф конъюнктурасидаги ўзгаришларга олиб келмоқда. Ишлаб чиқарувчиларнинг бундай ўзгаришларга нисбатан лоқайдлиги, рақобатдошларнинг илгарилаб кетишидан далолат беради. Корхоналар ушбу ўзгаришларга кеч мослашувининг салбий иқтисодий оқибатлари, таназзул ҳолатга ва ҳаттоки банкротликка олиб келиши мумкин. Ушбу муносабат билан, ишлаб чиқариш фаолиятининг деярли барча соҳаларида, инновацияларга, истикболли ривожланиш воситаси сифатида, қизиқиш ошади. Корхоналарни бошқариш амалиётида бундай стратегиянинг шаклланиши, инновациявий жараёнларни самарали бошқарув тизимларини яратиш заруриятини яна бир марта таъкидлайди.

Инновациявий бошқарувнинг асосий қоида ва категорияларини ўрганиш учун «инновация» тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини тўлиқ англаб етишимиз лозим. Иқтисодий адабиётларда инновация (ингл.*innovation*) — потенциал илмий-техник тараққиётни (ИТТ) янги маҳсулот ва технологиялар кўринишида реал тараққиётга айланиши, деб таърифланади.

Бозор иқтисодиётида инновацияларни тизимли тақдим этиш услубиёти халқаро стандартларга асосланган, ва уларга мувофиқ *инновация* деганда, бозорга кириб келган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалиётда қўлланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёки ижтимоий хизматларга бўлган янгича ёндашув кўринишидаги инновациявий фаолият натижаси тушунилади.

Ушбу муаммо бўйича кўп сонли тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, бугунги кунда инновациявий фаолият соҳасида ягона, умумий тарзда қабул қилинган терминология мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам адабиётларни қисқача таҳлилини келтириш ва инновациявий фаолият соҳасидаги асосий тушунчаларни аниқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инновациявий назарияни асосий ривожланиш босқичи В. Зомбарт, В. Митчерлих, Й. Шумпетер ишларига тўғри келган. Инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига австриялик олим Й. Шумпетер катта ҳисса қўшган.

1930-йилларда Й. Шумпетер томонидан *инновация* тушунчаси киритилди, ва у маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жараёнларида янги ёки такомиллаштирилган техник, технологик, ташкилий характердаги қарорларни қўллаш оқибатида мумкин бўлган ўзгаришларни билдирар эди. Инновациянинг ушбу таърифи ва Й.Шумпетернинг ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар назариясига бўлган иккита энг тарқалган ёндашувдан бирининг асосини ташкил этади. Биринчи ёндашув - янги омиллар тўғрисидаги тушунчага асосланган, иккинчиси - янги маҳсулот ва технологияга асосланган.

Биринчи ёндашувнинг ривожланиши ўз аксини топган ишлар шарҳи 1 - жадвалда ўз аксини топган.

«Инновация» тушунчасини тушунишга бўлган иккинчи ёндашув ишлаб чиқаришда муайян турдаги техника, технология ва бошқа янги маҳсулотлардан фойдаланишга асосланади. Ушбу ёндашувга содиқ айрим олимлар ишлаб чиқариш фаолиятининг инновациявий ва илмий-техник жиҳатларини тенг деб билади. Бунда «инновация» тушунчаси ҳам жараён, ҳам натижа сифатида тушунилади. Ушбу ёндашув тушунчаларининг шарҳи 2-жадвалда келтирилган.

Инновациялар иқтисодий самарадорлигини таъминлаш заруриятини ҳисобга олган ҳолда, бир қатор Россиялик иқтисодчилар (М.Ионов, А.Кулагин, В.Логинов) инновацияни «харажатлар тежалишини ёки бундай тежаш учун шароит яратилишини таъминловчи янги маҳсулот ёки хизмат, ишлаб чиқариш услуги, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳалардаги янгилик» сифатида кўришган.

А.Уткин эса бозор шароитида корхоналар муваффақиятли иқтисодий фаолияти учун инновациялар муҳимлигини таъкидлаган ҳолда, инновацияларни корхона иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий заҳиралардан бири сифатида тавсифлаган.

Шундай қилиб, инновация ва янгиликлар инновациявий фаолият натижасида юзага келади, улар ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисиз мумкин эмас. Уларнинг асосий фарқи шундаки биринчи ҳолатда - янги маҳсулот шаклланиши

жараёни рўй берса, иккинчисиди - уни тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади.

## 1-жадвал

### Биринчи ёндашув бўйича инновациялар таърифларининг шарҳи

Муаллифлар	Инновация таърифи
Х.Барнет	Мавжуд шакллардан янги сифат жиҳати билан фарқ қилувчи ҳар қандай ғоя, фаолият ёкимоддий натижа
П. Т.ЛаПьерре	Бошланғич ҳолатдан янги ҳолатга ўтиш йўли билан ҳўжалик ички тузилмасида содир бўлган ҳар қандай ўзгариш
П.Витфилд	Ижодий ғояни ривожланиши ва уни тайёр маҳсулот, жараён ёки тизимга айланиши
Л.Водачек О.Водачкова	Корхонанинг тизим сифатида фаолият кўрсатишнинг мақсадли ўзгариши
П.Ф.Друкер	Тадбиркорларнинг шундай воситасики, унинг ёрдамида ҳар қандай ўзгариш янги бизнес тури ёки хизматни амалга ошириш имконияти сифатида қўлланилади
К.Найт	Ташкилот ёки унинг бевосита атроф-муҳитига нисбатан бирор янгиликни жорий этиш

## 2-жадвал

### Иккинчи ёндашув бўйича инновациялар таърифларининг шарҳи

Муаллифлар	Инновациялар таърифи
	Жараёнли ёндашув
А.Харман	Инновация деганда янги ёки анча такомиллаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш тушунилади
Р.Джонсон	Айрим корхоналар ҳўжаликларида янги ёки такомиллаш-тирилган эски жараёнлар ва маҳсулотларнинг пайдо бўлиши
Б.Санто	Ғоя ва кашфиётларни амалий қўллаш орқали ўз хусусият-лари бўйича яхшироқ маҳсулот ва технология яратилишига олиб келадиган жамият - техник - иқтисодий жараён
П.Лемерль	Харажатларни тежовчи ёки унга шароит яратувчи ҳар қандай янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, хизмат, технология ваҳоказо
Т.Брайтон	Кашфиёт ёки ғояга иқтисодий мазмун берувчи жараён
Ф.Никсон	Бозорда янги ва яхшиланган саноат жараёнлари ва ускуна-лари пайдо бўлишига олиб келадиган техник, ишлаб чиқариш ва тижорат тадбирлари йиғиндиси
<b>Нативавий ёндашув</b>	
Н.К.Моисеева, Ю.П. Анискин	Индивид томонидан янги сифатида қабул қилинадиган ғоя, амалиёт ёки маҳсулот
Г.Я.Киперман	Жаҳон бозорида рақобатдош бўладиган маҳсулот, замона-вий технологияларни ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатишга йўналтирилган ижодий фаолият натижаси
Д.Соколов А. Титов М.Шабанова	Муайян жамият эҳтиёжларини қондирадиган ва бир қатор самара (иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий ва ҳ.) берадиган, принципиал янги ёки такомиллаштирилган яратиш ва ўзлаштиришнинг якуний натижаси

Ҳозирги кунда инновацияларни амалга оширишни рағбатлантирувчи асосий куч сифатида, товар бозорларидаги кескин рақобат шароитидаги потенциал даромад миқдори хизмат қилиши мумкин. Инновациявий ўзгаришлар омиллари ўртасида: ускуналар харид қилиш, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишлар кенг тарқалган. Ички ва ташқи бозорларда кескин рақобат мавжудлиги инновацияларнинг асосий мақсадларини белгилайди.

Инновациявий жараёнларнинг иқтисодий ривожланишдаги роли технологик базани янгилаш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги бозорларни эгаллаш ва бу билан иқтисодий ўсишнинг янада юқори суръатларига эришишда ўз аксини топади. Инновациявий ривожланиш омиллари замонавий босқичдаги иқтисодий ўсишнинг асосини ташкил этган ҳолда, ишлаб чиқариш соҳасининг кўпгина хусусиятларини ҳам белгилайди.

Одатда, омиллар йиғиндисини таъсир характериға боғлиқ ҳолда қуйидагиларға ажратишади:

- иқтисодий;
- техник-технологик;
- ташкилий;
- ижтимоий;
- ҳуқуқий;
- экологик.

Пайдо бўлишиға қараб улар ички ва ташқи омиллар бўлиши мумкин.

Ички омиллар:

- ишлаб чиқариш базаси ривожланишининг моддий-техник базаси;
- ташкилот ихтисослиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мақсади;
- бошқарув тури ва ташкилий тузилмаси;
- бошқарув услуби ва услубиёти;
- ишлаб чиқаришнинг янгилик даражаси;
- турли хил ходимларнинг талаб қилинган ва мавжуд малакавий даражаси;
- ходимларни рағбатлантириш тизими;
- ходимларнинг инновациявий фаоллиги даражаси;
- ташкилий маданият ва бошқалар.

Ташқи омилларға қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бозор тузилмалари;
- солиқ тизими;
- қонуний-ҳуқуқий тизим;
- молия-кредит тизими;
- умумиқтисодий, ижтимоий ва ташқи сиёсий характерға эга омиллар;
- тарихий ва миллий омиллар.

Инновациявий асосға эга бўлган иқтисодий ривожланиш масаласини ечиш жараёнида, корхона инновациявий мақсадлар тизимини ифодалаши лозим. Бу айниқса, ўз ривожланишининг фаол стратегиясини амалга ошираётган корхоналар учун муҳимдир.

Бундай стратегияни амалга ошириш умумий кўринишда бир нечта омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг мазмуни ва йўналиши қуйидагилар билан белгиланади:

- олдинроқ қарор топган ишлаб чиқаришни ривожланиш даражаси;
- бошқарув механизми ва тизимининг аҳволи;
- иқтисодий объектнинг моддий-техник салоҳияти даражаси;
- ташкилий тузилмаларнинг тури ва йўналиши;
- ўзгаришларга эҳтиёж сезиш ва ходимларнинг уларга

тайёрлиги. Инновациявий жараёни бошқариш зарурияти ва имкониятларини аниқлаш, уни амалга ошириш шароитларини ифодалаш имконини беради.

Буларга биринчи навбатда турли хил эҳтиёжлар киради. Уларни ички ва ташқи муҳит эҳтиёжлари, шахсий эҳтиёжларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳни бирор товар ишлаб чиқарувчи учун бўлган мак-родаража эҳтиёжлари шакллантиради. Улар мазкур маҳсулот бозорининг шаклланиши ва фаолияти хусусиятлари, рақобатдошлар, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ҳатти-ҳаракати, ушбу соҳа ёки тармоқдаги давлат сиёсати, умумжаҳон бозор тенденциялари ва ҳоказолар билан аниқланади.

Иккинчи гуруҳ, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг турли жиҳатларини, умумхўжалик сиёсатининг истиқболи ва тенденцияларини, илмий-техник ва ресурс салоҳиятини акс эттирувчи корхона эҳтиёжларидан ташкил топган бўлади.

Ва ниҳоят, учинчи гуруҳ, мураккаб тизим сифатидаги инновациявий жараённинг ривожланишини таъминловчи, ички эҳтиёжлар йиғиндисидан иборат бўлади. Бу ерда инновациявий жараён айрим элементларининг (ташкилий, техник, технологик, кадр ва ҳоказо) ҳолати ва ўзаро алоқаларини кўриб чиқиш лозим.

Кўрсатилган омилларни ҳисобга олган ҳолда, инновациявий жараёнларни бошқаришнинг самарали тизимини яратиш, зарурий назарий ишланмалар мавжудлигини талаб қилади. Бу ерда, тегишли тушунчаларни таърифлаш зарурияти муаммоси алоҳида туради. Унинг таркибига умумий бошқарув усул, услуб ва воситалари билан бир қаторда, фақатгина инновациявий бошқарув тизимида самарали бўлган ўзига хос элементлар ҳам кириши лозим. Инновациявий бошқарув таъминотининг услубий муаммоларини ҳал этиш, ундан самарали фойдаланиш шартларидан бири ҳисобланади.

Янги маҳсулотларнинг ўзига хослигини тадқиқ этган ҳолда, инновациявий фаолиятни бошқаришни ташкил этиш бўйича бир қатор чек-лашларни ифодалаш мумкин:

- илмий-техник тараққиёт ривожланишини ташкил этишнинг универсал шаклини барпо этишни мураккаблилиги;
- инновациявий ва кундалик ишлаб чиқариш жараёнининг сифатфарқи;
- инновациявий жараённинг турли босқичларида турли хил бошқарув тизимларини қўллаш зарурияти;
- бозор эҳтиёжларига адекват жавоб қайтарадиган, инновациявий фаолиятни бошқаришнинг эгилувчан тизимини барпо этиш зарурияти.

Шундай қилиб, иқтисодий тизимларда инновация бошқарувининг самарали ташкил этилиши, уни узоқ муддатли, рақобатдош ривожланишининг асосий шартларидан бирига айланиб қолади. Шу муносабат билан, инновациявий бошқарув соҳасидаги йиғилган жаҳон тажрибасини миллий хусусиятларга мослаштирган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. [3]

### **5.3. Қишлоқ хўжалигида инвестициялар ва инновацияларнинг самарадорлиги.**

Инновацион лойиҳалар танлангандан кейин уларнинг самарадорлигини баҳолаш амалга оширилади. Инновацион самарадорликни баҳолаш инновацион жараёнинг ҳамма босқичларида-лойиҳа экспертизасидан бошлаб, янгиликни ўзлаштириш ва қўллаш босқичларигача амалга оширилиши лозим.

Инновацион жараённинг ҳамма босқичлари учун баҳолаш услублари ва ҳисобланадиган кўрсаткичлар тизими бир хил бўлиши мумкин, лекин ҳисоблаш учун керакли бўладиган маълумотлар ахборотнинг тўлиқлиги, унинг ишончлилиги ва ноаниқлик даражаси, манбаларнинг ҳар хиллиги билан фарқланади. Бу эса инновациялар самарадорлиги кўрсаткичлари аниқлик ва объективлик даражаси бўйича фарқланишига олиб келади. Бу илмий-техник, иқтисодий, ахборот ва аналитик характердардаги ўзгаришларни киритиб, инновацион жараённи тартибга солиш имкониятини беради.

Ҳозирги вақтда баҳолаш услубларини қўллаш натижалар ва харажатларнинг нисбатига, шунингдек, олинган самара ва харажатларнинг мувофиқлигига асосланади. Натижада самара (даромадлар) ва харажатларнинг нисбати қиймат ва натурал кўринишларда ифодаланиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки инновацион жараёндаги самарадорлик доимо нисбий кўрсаткичдир.

Инновацияларни ҳаётий цикли даври, инфляция, фоиз ставкаларининг ва солиқларнинг ўзгариши турли вақтларда қилинадиган харажатларнинг ва олиннадиган натижаларнинг иқтисодий номуносивилигига олиб келади. Бу уларни солиштириладиган кўринишларга олиб келишни талаб этади. Солиштириш масаласи харажатлар ва натижаларни бир вақтга келтириб, масалан, инновацияларни амалга оширадиган йил бошига келтириб ечилади.

Бу келтирилган қиймат услуги ёки дисконтлаш деб аталади.

Пул оқимларини дисконтлаш деб уларнинг ҳар хил вақтдаги (ҳисоблашларнинг турли даврларига тегишли бўлган) қийматларини келтириш вақти деб аталадиган ва  $r^2$  деб белгиланувчи муайян даврдаги қийматига келтиришга айтилади. Келтириш вақти базавий вақти билан бир хил бўлмайди (мос тушмайди).

Дисконтлаш жорий (инфляция инобатга олинган) нархлардаги пул оқимлари (харажатлар ва даромад)га нисбатан қўлланилади.

Дисконтлашда фойдаланиладиган асосий иқтисодий меъёр дисконт меъёри (E) бўлиб, у бирнинг улушларида ёки йиллик фоизларда ифодаланади.

Пул оқимини  $m$  қадамда дисконтлаш унинг қийматини дисконтлаш коэффициенти ( $a_n$ ) га кўпайтириш орқали амалга оширилади. У қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$a_n = \frac{1}{(1+E)^{tm}} \quad (1)$$

бунда,

$a_m$  - дисконтлаш коэффициенти;

$t_m$  –  $m$ -қадам (ҳисоблаш вақти)нинг келтириш даври, ой, йил;

$E$ -дисконт меъёри, %.

Ушбу кўрсаткич дисконтлаш ставкасини аниқ танлаш шароитида қопланиш муддатининг реал баҳосини кўрсатади.

Соф даромад ва соф дисконтланган даромад ўртасидаги тафовут лойиҳанинг дисконти дейилади.

Инновацион лойиҳалаштириш амалиётида лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда энг кўп ишлатиладиган дисконтлашган мезонлар қуйидагилардир:

1. Соф жорий қиймат (net present value) NPV.

2. Фойдалилик индекси (profitability index) PI.

3. Лойиҳа даромадлилигининг ички нормаси (internal rate of return) IRR.

4. Даромадлар/харажатлар нисбати (Benefits to Costs Ratio)

5. Харажатларни қоплаш даври (payback period) PBP.

**1. Лойиҳанинг соф ҳозирги қиймати усули (NPV)** инвестицион лойиҳани амалга ошиши натижасида корхонани бозор қиймати ўсиши мумкин бўлган соф жорий қийматни аниқлашга асосланган.

Соф жорий қиймат (соф дисконтланган даромад) – бу инвестицион лойиҳани амалга оширганда вужудга келган ва жорий қийматларга дисконтланган пул тушумлари суммаси билан ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган барча харажатларнинг дисконтланган жорий қиймати суммаси орасидаги фарқ.

Соф жорий қиймат (NPV) қуйидагича аниқланади:

$$NPV = \frac{B_1 - C_1}{1+r} + \frac{B_2 - C_2}{(1+r)^2} + \dots + \frac{B_t - C_t}{(1+r)^t} \quad (2)$$

бунда,

$B_t$  -  $t$  йилдаги лойиҳанинг даромади, сўм;

$C_t$  -  $t$  йилдаги лойиҳа харажатлари, сўм;

$t=1, \dots, n$  - лойиҳанинг амал қилиш йиллари.

Агар  $NPV > 0$  бўлса, инновацион лойиҳа иқтисодий самарали ҳисобланади.


Юқоридан келтирилган иборадан кўриниб турибдики, соф жорий қийматликнинг абсолют миқдори NPV ўлчамларнинг икки турига боғлиқ. Биринчи - инвестицион жараёни объектив жиҳатдан тавсифлайди, у ишлаб чиқариш жараёни билан белгиланади. Иккинчи - фоиз ставкасининг миқдорини киритиш мумкин.

Қўйилмалар жараён бошида амалга оширилганда, самара бериши - лойиҳанинг бутун фаолияти давомида бўлганда NPV нинг  $r$  ставкаси билан боғланишини таҳлил қиламиз. Фоиз ставкаси маълум  $r^*$  миқдорга етса,



инвестициянинг самарадорлиги нолга тенг бўлади. Хар қандай  $r^*$  дан кам бўлган фоиз ставкаси NPV нинг ижобий жиҳатига мос келади (1-расм).

Фоиз ставкаси юқори даражада бўлганда узоқлашган тўловлар NPV га кам таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам қоплаш даври муддатлари хар хил бўлган лойиҳалар якуний иқтисодий самара бўйича амалий жиҳатдан бир хил қийматга эга бўлиши мумкин. Ҳамма гап шундаки, юқори соф жорий қийматга эга бўлган лойиҳалар самарасиз ҳам бўлиши мумкин ва натижада унчалик катта бўлмаган фойдалилик индексига эга бўлади. Шу нарса аниқки, даромадлар кирими, бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда анча узоқ муддатга эга бўлган лойиҳа бошқаларга нисбатан қулайроқ бўлади.



**1-расм. Бир меъёрдаги самарадорлик юз берганда NPVнинг  $r$  ставкасига боғлиқлиги**

Лойиҳанинг соф жорий қиймат меъёрини аниқлаб берувчи асосий омиллардан бири - инвестициялар, ишлаб чиқариш ёки сотувларнинг «жисмоний» ҳажмларда ифодаланган фаолият ҳажми (масштаби) ҳисобланади. Шу тавсифи билан фарқ қиладиган лойиҳаларни таққослаш учун қўлланиладиган усул табиий чеклашлардан иборат бўлади: NPVнинг катта миқдори капитал қўйилмаларнинг янада самарали вариантига тўғри келмаслиги мумкин.

Ушбу усул фақат қуйидаги саволга жавоб беради: таҳлил қилинаётган пул қўйиш варианты корхонанинг бозор баҳосини ўсишига ёки инвесторнинг бойлигини ошишига олиб келадими?

Лекин, бу кўрсаткич қуйидаги камчиликка эга: танланган дисконт ставкаси одатда лойиҳа эксплуатациясининг биринчи даври учун ўзгартирмасдан қўлланилади. Шу билан бир вақтда келажак даврда иқтисодий шароитлар ўзгариши билан боғлиқ равишда бу ставка ўзгариши мумкин. Бу камчиликка қарамасдан ушбу кўрсаткич чет эл тажрибасида инвестиция самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимида энг ишончлиларидан ҳисобланади.

**2.Фойдалилик индекси.** Фойдалилик индекси (profitability index), PI лойиҳанинг нисбий фойдалилигини ёки лойиҳада қўйилма бирлигига тўғри келадиган пул киримларининг дисконтлашган қийматини ифодалайди.

Лойиҳаларнинг тадқиқотчилари уни ҳисоблашда хар хил ечимлардан фойдаланишади. Айримлар PI ни лойиҳадан олинган соф келтирилган киримларни дастлабки қўйилмаларга бўлиш йўли ҳисоблайдилар ёки:

$$PI = \frac{NPV}{I_0} \quad (3)$$

бу ерда :

PI - фойдалилик индекси;

NPV - лойиҳанинг соф келтирилган қимматлилиги, сўм;

$I_0$  – инновацион лойиҳа капитал қўйилмалари, сўм.

Мазкур ҳолатда ечимни қабул қилиш мезони NPVга асосланган ечимга мос, яъни  $PI > 0$ .

Бошқа тадқиқотчилар бу мезонни дисконтлашган киримларни дисконтлашган тўловларга бўлишдан келиб чиққан деб ҳисоблашади ва бундай ҳолатда самарали лойиҳалар учун унинг миқдори бирдан кам бўлмаслиги керак. Аммо ҳисобнинг ҳар бир усулида ҳам фойдалилик индекси қўйилмаларнинг самарадорлигини ифодалайди.

Лекин, фойдаллилик индексининг юқори меъёрлари NPV нинг юқори аҳамиятига доимо мос келмаслиги ҳам мумкин, тескари ҳолат ҳам рўй бериши мумкин. Гап шундаки, юқори жорий қимматлиликлга эга бўлган лойиҳалар самарасиз бўлиши мумкин, демак фойдалилик индекси унча катта бўлмаслиги мумкин.

**3. Даромадликлнинг ички меъёри (Internal Rate of Return).** Даромаднинг ички меъёри деганда, доимий олинadиган даромадни капиталлаш, инвестицияга тенг суммани берадиган ҳисобланган фоиз ставкаси тушунилади. Бошқа сўз билан айтганда ички даромадлилик нормасига тенг ставка бўйича инвестиция суммаси фоизда ҳисобланганда даромад вақтида тақсимланади. Ставка қанча юқори бўлса капитал қўйилма самараси шунчалик юқори бўлади.

IRR инвестициялашга йўналтирилган маблағларни қоплаш даражасини билдиради ва ўз табиати билан турли фоиз ставкаларга яқин. IRR ни аниқлаш усули даромадлар тақсимланишининг аниқ хусусиятларига ва инвестицияга боғлиқ.

Умумий ҳолда, инвестиция ва унинг қайтиши тўловлар оқими кўринишидаги берилса, IRR қуйидаги ифода асосида аниқланади:

$$\sum_{t=0}^n \frac{CF}{(1+r)^t} - I_0 = 0 \quad (4)$$

бунда,

$I_0$  – инвестициялар ҳажми, сўм;

CF – соф фойда, сўм;

$r$  – кредит фоиз ставкаси, %;

$t$  – вақт, йил.

IRR инвестор ўзи учун стандарт сифатида танлаб олган даромадлилик даражаси билан таққосланади, бунда у капитал унга қайси нархда берилганини инобатга олади. Инвестициялар даромадлилигининг бундай истак билдирилган даражаси кўп ҳолларда ХР (Hardle rate) барьер коэффиценти дейилади.

Таққослаш тамойили қуйидагича:  $IRR > HR$  бўлса, лойиҳа яроқли;  $IRR < HR$  бўлса, лойиҳа яроқсиз;  $IRR = HR$  бўлса, ҳар қандай (исталган) қарорни қабул қилиш мумкин.

Шундай қилиб, IRR лойиҳалар танланиб, улардан фойдасизлари чиқариб ташланадиган элак вазифасини ўтайди. [5]

**4. Даромадлар/харажатлар нисбати, Даромадлар/харажатлар ёки фойдалар, сарфлар нисбати (Benefits to Costs Ratio)** даромадларнинг дисконтлашган оқими(суммаси)ни харажатларнинг дисконтлашган оқимига бўлиш йўли билан аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$B / C_{ratio} = \frac{\sum_{i=1}^I \frac{B_i}{(1+r)^i}}{\sum_{i=1}^T \frac{C_i}{(1+r)^i}} \quad (5)$$

Бу мезон фойдалилик индекси мезонинг хусусий хили бўлиб ҳисобланади.

Агар  $B/C_{ratio} > 1$  бўлса, лойиҳанинг даромадлиги минимал даражадан юқоридир ва лойиҳа қониқарли деб ҳисобланади.

(Даромадлар/харажатлар) нисбати лойиҳани молиявий жиҳатдан қониқарсиз лойиҳага айлантирмаслик учун харажатларни қанчага ошириш мумкинлигини ифодалайди.

Кўп ҳолларда NPV ва  $B/C_{ratio}$  икки, лойиҳадан энг яхшисини бир хил табақалаштиради. Аммо айрим вазиятларда бир нечта муқобил вариантлардан биттасини NPV ва  $B/C_{ratio}$  мезонлари бўйича танлашда қарама-қарши натижалар ҳосил бўлади.

### 5. Инвестицияларни қоплаш даври (payback period)PBP.

Оддий дисконтсиз ва дисконтли энг кўп қўлланувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Вақт олишни ҳисобга олмасдан, яъни даромаднинг ҳар хил вақтда олинган бир хил суммалари қиймати бир хил деб ҳисобланади. Қоплаш муддати кўрсаткичи ( $T_{коп}$ ) қуйидагича аниқланади.

$$T_{коп} = \frac{I_0}{B_t}, \quad (6)$$

бунда,

$T_{коп}$  - қоплаш муддати, йил;

$B_t$  -  $t$  йилдаги лойиҳанинг даромади, сўм;

$I_0$  – инвестициялар ҳажми, сўм.

Агар соф даромад бир хилда бўлмаса, қоплаш муддати тушумларини қўшиш ва соф даромаднинг суммаси инвестиция суммасига тенг бўлгунга қадар вақтни ҳисоблаш натижасида аниқланади. Чет давлатларда  $T_{коп}$  – кўрсаткичи асосан кичик корхоналарда қўлланилади. Бу кўрсаткичнинг асосий камчилиги у инвестицияга амал қилишнинг тўлиқ даврини ҳисобга олмайди. Бу камчилик капитал қўйилмаларнинг тушуми тенг бўлмаганда кўзга ташланади. Шунинг учун қоплаш муддати кўрсаткичи танлаш мезони бўлиб, эмас, қарор қабул қилишда фақат чеклаш сифатида қўлланилади, яъни лойиҳанинг қоплаш муддати қабул қилинган чеклашдан катта бўлса, мумкин бўлган инвестицион рўйхатдан чиқариб ташланади. Инновацион лойиҳалар самарадорлиги тўғрисидаги қарор ҳамма кўрсаткичлар мазмунини ва инновацион лойиҳа иштирокчиларининг манфаатларини, инновацион лойиҳаларнинг ижтимоий ва экологик оқибатларини ҳисобга олиб қабул қилинади. [David L. Debertin. *Agricultural Production Economics Textbook*. Published by Macmillan. USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647]

### Назорат саволлари:

1. Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти, уларнинг аҳамияти.
2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий самарадорликни аниқлашда қайси кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади?
3. Фойданинг мазмуни ва манбаини тушунтиринг.

4. Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фарқи нимада? Уларнинг шаклланиш тартибини тушунтириб беринг.

5. Фойда массасига таъсир кўрсатувчи омилларни изоҳлаб беринг.

6. Иқтисодий самарадорликни қайси йўллар билан ошириш мумкин?

7. Рентабелликни қайси йўллар билан ошириш мумкин?

8. Маҳсулот таннархини фойда миқдорига таъсири қандай?

9. Товарлилик даражаси қандай кўрсаткич?

10. Товарлилик даражасини ошириш йўллари қандай?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. Published by Macmillan. USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647.
2. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.
3. Комилжонов Б. И. “Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш” Ўқув қўлланма. 2007 й

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот:

#### Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётининг мазмуни ва хусусиятлари

**Машғулотнинг мақсади:** тингловчиларнинг Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти фанини бозор иқтисодиёти шароитида ўрганиш зарурияти, қишлоқ хўжалигининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти, фаннинг предмети, вазифалари ва билиш усуллари, мамлакатда амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислохотлар ва уларни асосий йўналишлари ҳамда аграр сиёсатнинг амалга оширишда давлатнинг роли ва иқтисодий стратегияси тўғрисидаги билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** 1) Маъруза матнидан фойдаланиб, Ўзбекистон аграр соҳасидаги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш босқичлари ва уларнинг асосий вазифаларини тавсифлаб беринг. Жавобни графикли органайзер ёрдамида расмийлаштиринг. 2) Маърузада берилган маълумотлар ҳамда мустақил қилинган таҳлиллар асосида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар ҳақида хулоса чиқаринг ва Т-жадвални тўлдиринг.

#### Ишни бажариш учун намуна



**Т - СХЕМАСИ** (Т- жадвал) - бу мураккаб, кўп тармоқли, мумкин кадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган технология. Бунда битта концепция (маълумот)нинг жиҳатлари ўзаро солиштирилади. Масалан ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, бир ғоянинг икки томони, фойда ва зарарлари. Танқидий мушоҳада ривожлантиради ҳамда ўз фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш имконини яратади.

*Т - схемасини тузиш қондаси:*

1. *Аниқ ходиса (жараён, воқеа)нинг жиҳатлари аниқланади, улар ўзаро солиштирилади.*
2. *Икки томондан иборат "Т" кўринишидаги жадвалга таҳлил этилаётган ходиса (жараён, воқеа)нинг қарама-қарши жиҳатлари ёзилади ва қуйидаги жадвал кўринишида расмийлаштиради:*

<b>Қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар</b>	
ижобий	салбий

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2000	2005	2010	2011	2012	2014
Ялпи ички маҳсулот, млрд сўм	3255,6	15923,4	62388,3	78764,2	97929,3	144867,9
Саноат, млрд сўм	462,4	3370,9	14882,5	18864,1	23456,6	34841,3
Қишлоқ хўжалиги, млрд сўм	978,5	4192,8	11226,0	14018,2	17283,8	24938,3
Қурилиш, млрд сўм	196,2	771,1	4033,5	4798,6	6168,6	9805,4
Транспорт ва алоқа, млрд сўм	250,6	1676,7	7181,9	9223,7	11624,7	16488,7
Савдо, млрд сўм	351,6	1400,2	5781,4	7348,6	8618,0	12480,1
Бошқалар, млрд сўм	608,7	2821,6	13566,1	17699,6	22681,3	34111,1

### **Назорат саволлари:**

1. «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти» фанининг предмети, мақсади ва асосий вазифалари нималардан иборат?
2. «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти» фанида қандай ўрганиш усулларидан фойдаланилади?
3. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти нимадан иборат?

4. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
  5. Қишлоқ хўжалигида ислохотлар босқичлари ва асосий йўналишлари.
  6. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболли дастурининг энг муҳим йўналишлари.
  7. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг иқтисодий роли нималарда намоён бўлади?
- Келтирилган жадвал маълумотлари асосида қандай хулоса чиқариш мумкин?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. Published by Macmillan. USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647.
2. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.
3. Gary Bickel, Mark Nord, Cristofer Price, William Hamilton, John Cook Measuring Food Security in the United States. Guide to Measuring Household Food Security. USA ,USDA, 2000.
4. Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А., Дехконова Н.С., Ахмедова В. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиети. Ўқув қўлланма. - Т.: ТошДАУ, 2015. –174 б.

### **2-амалий машғулот: Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ресурслар ва улардан фойдаланиш**

**Машғулотнинг мақсади:** тингловчиларнинг иқтисодий ресурслар ва уларнинг туркумланиши, ресурслар салоҳияти, қишлоқ хўжалигида табиий, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнидаги вақтнинг аҳамияти ва ишлаб чиқариш натижаларига таъсири ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** 1) Муаммоли вазиятни ҳал қилинг: Ўзбекистон иқтисодий ресурслари, имкониятлари, захираларини умумий баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари. 2) Қуйида келтирилган маълумотлар асосида хўжаликда экин турлари бўйича уруғликга бўлган талабни, келтирилган майдон учун уруғлик миқдорини, минерал ўғитларга бўлган талабни аниқланг.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

***Ғалла комбайнларига бўлган эҳтиёжни ҳисоб-китоб қилиш***

Комбайнларга бўлган эҳтиёжнинг ҳисоб-китоби йиғиб олинадиган донли экинлар, кунгабоқар, уруғликка йиғиб олинадиган бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар майдонларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бир комбайнга бўлган мавсумий иш меёри ва ушбу йиғиб олинадиган экинлар майдонларини билиб туриб, керакли бўлган комбайнлар сонини аниқлаш мумкин.

Масалан, хўжаликдаги донли экинлар ва кунга боқарнинг майдони 2000 гектарни ташкил этади. «Нива» комбайнининг мавсумий иш меёри 246 гектарга тенг. Бундан келиб чиқадики, хўжаликка 8 та комбайн талаб қилинади ( $2000 : 246$ ). Тракторлар ва комбайнлар сонини ва уларнинг улгуржи нархини билиш орқали уларнинг умумий қиймати аниқланади.

### ***Автомобилларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш***

Автомобилларга бўлган эҳтиёж ташиладиган юклар (тонна) ҳажми ва улар ташиладиган масофага (км) қараб аниқланади.

Транспорт ишларининг ҳажми тонна – километрларда ўлчанади. (т/км)

Ташиладиган юклар ҳажми қуйидагича аниқланади:

- хўжаликнинг барча соҳаларида ишлаб чиқариладиган ялпи ва товар маҳсулотлари ҳажми билан;
- хўжаликнинг ёнилғи ва мойлаш маҳсулотлари, минерал ва органик ўғитлар, уруғлар ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжи билан;
- чорвачилик соҳаларига хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишларининг ҳажми, шунингдек, хўжаликка олиб кириладиган қурилиш материаллари миқдори билан;

Жўнатиш ва белгиланган жойга олиб бориб бериш бўйича юклар хўжалик ичида ташиладиган ички юклар ва хўжаликлараро ташиладиган юкларга бўлинади.

Хўжалик ичида ташиладиган юклар далалардан қўрғонларга ва орқага, бир бригадadan бошқа бригадага (бўлимга) ва ҳоказоларга ташилади. Маҳсулотларнинг маълум бир қисми йил давомида хўжалик ичида бир неча маротаба ташилади. Масалан, дон, биринчи навбатда механизациялашган хирмонга олиб келинади, сўнгра қайта ишлангандан кейин хўжалик ичида жойлашган элеваторларга (механизациялаштирилган катта ғалла омборига), омборларга ва ҳоказоларга ташилади. Шунга қараб асосий юкларни ташишнинг қайтарилишлик коэффицентини қўллайдилар, дон бўйича – 2,1-2,3; картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари – 1,8-2,0; қанд лавлаги – 1,6-1,8; силос – 1,2-1,3; хашак – 1,3-1,4; минерал ўғитлар – 1,8-2,0; органик ўғитлар – 1,3-1,5.

Хўжалик ичида ташиладиган юклар ҳажмига қайтарилишлик коэффицентини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигининг бутун ялпи маҳсулотлари киритилади (барча яйловлар кўк ўтларидан ташқари, чорвачилик маҳсулотлари).

Хўжалик ичида ташиладиган юкларнинг масофаси экинмайдонларигача бўлган ўртача масофадан келиб чиқиб аниқланади.

Хўжаликлараро ташиладиган юкларга қуйидагилар тегишли: сотиш жойларига олиб бориладиган хўжаликнинг товар маҳсулотлари, шунингдек,



хўжалик ҳудудига олиб кириладиган юклар; ёнилғи мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, емлар ва ҳоказолар.

Хўжаликлараро ташиладиган юклар масофаси хўжаликдан (хўжалик ташқарисидаги) маҳсулотларни сотиш жойи (элеватор, темир йўл бекати ва бошқалар) ёки юкларни қабул қилиб оладиган жойгача бўлган масофа орқали аниқланади.

Ўсимликшуносликча чорвачилик бўйича ташиладиган юкларнинг умумий ҳажми хўжалик ичида ва хўжаликлараро ташилган юклар ҳажмини йиғиш йўли билан аниқланади.

Транспорт ишларининг умумий ҳажмига бошқа юклар кўшилади, буларга одамларни, қурилиш материалларини ва бошқа қийин ҳисобга олинадиган юкларни ташиш киради (умумий ҳажмнинг 15-20%).

Сўнгра тракторлар ва от – улов транспорти (ишчи отлар) ташиши мумкин бўлган юклар ҳажми аниқланади. Тракторлар томонидан ўсимликшуносликдаги “бошқа ишлар”га мос келадиган транспорт иш ҳажми бажарилади. Шартли эталон гектарлардаги “бошқа ишлар” ҳажми 12,5 коэффициент бўйича тонна – километрларга ўтказилади.

Масалан, “бошқа” тракторлар томонидан бажарилган ишларнинг миқдори 7000 гектарни ташкил этади, бу транспорт ишларига ўтказилганда – 87500 т-км ( $7000 \times 12,5 = 87500$ ).

Одатда хўжаликда отларни хўжалик ичидаги юкларни ташиш учун ва хўжалик аъзоларининг дала ҳовлиларини қайта ишлаш учун сақлайдилар. Бир отга тўғри келадиган транспорт ишларининг мавсумий ўртача меъёри 500 – 700 т-км ни ташкил этади. Шунинг учун транспорт воситалари томонидан ташилган юклар ҳажмини тақсимлашда тракторлар ва отлар томонидан ташилган юклар ҳажми ҳисоб-китоб қилинади. Қолган юкларни ташиш автомобиллар томонидан амалга оширилади.

Автомобиллар сони ташилган юклар ҳажмини (тонна-километрларда) нормативлардан олинган бир автомобил томонидан бажариладиган ишга бўлиш йўли билан аниқланади.

**Мисол.** Хўжалик бўйича ташилган юклар ҳажми 800 000 т-км ни ташкил этади. Хўжаликда 40 та ишчи отлар мавжуд ва улар бир мавсумда тахминан 24 000 т-км ( $40 \times 600$ ) иш бажарадилар. Тракторлар томонидан бажариладиган ташиш ишлари 87 500 т-км ҳажмда амалга оширилиши кўзда тутилган. Қолган ишлар, яъни 688 500 т-км автомобиллар томонидан бажарилади.

Хўжаликдаги юкларнинг 30% 3,5 тонна юк кўтарадиган автомобилларда (йилик меъри 34 000 т-км, ГАЗ – 53А русумли, улгуржи нархи 9200 сўм) ташилса, юкларнинг 70% эса 5,0 тонна юк кўтарадиган автомобилларда (йиллик меъёри 53 500 т-км, ЗИЛ – 130 – 66 русумли, улгуржи нархи 9836 сўм) ташилса, қуйидагича автомобиллар сони талаб қилинади:

- 1) 3,5 тонна юк кўтарадиган – 6 ( $204\,000 : 34\,000 = 6$ );
- 2) 5,0 тонна юк кўтарадиган – 9 ( $484\,500 : 53\,500 = 9$ ).

Ташиш ишлари кўпайган даврда масалан, маҳсулотлар давлатга кўплаб миқдорда топширилганда, юкларни ташиш учун бошқа ташкилотлар автотранспортлари жалб қилиниши мумкин.

Юк автомобилларидан ташқари ишлаб чиқариши ва ер майдонларининг ўлчами билан боғлиқ ҳолда 8-10 махсус автомобиллар (уларнинг ҳар бир донасининг улгуржи нархи ўртача 9000 сўм) сотиб олишни кўзда тутиш лозим.

Автомобилларнинг қиймати улгуржи нархлар бўйича аниқланади.

### ***Органик ва минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш.***

#### ***1. Органик ўғитлар тўпламининг йиллик режаси ҳисоб-китоби.***

Йиллик тўпланган ўғитни аниқлаш учун хўжаликдаги ўртача йиллик қорамол бошларини ва маълумотнома бўйича аниқланадиган турли хил қорамолларнинг бир бошига тўғри келадиган ўғит чиқиш даражасини билиш лозим.

Органик ўғитлар хўжаликда қўлланиладиган ўғитлар тизими ва алмашлаб экиш асосида ўсимликлар бўйича қўлланилади. Органик ўғитлар биринчи навбатда ҳайдалгандан кейин экиладиган ўсимликлар тагига ташланади – сабзавот ва силос, мевали экинлар. Ташланадиган ўғитларнинг умумий ҳажми ўғитлар тўпламининг йиллик режасига мос бўлиши лозим.

### ***Уруғликга бўлган талабни аниқлаш***

Хўжаликда экин турлари бўйича уруғликга бўлган талабни аниқланг. Маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Экин майдони, 1 ц маҳсултни таннархи уруғлик миқдори

Кўрсаткичлар	Пахта	Арпа	Картошка	Илдиз мевали озуқа
Экин майдони, га	700	400	650	55
Уруғлик меъёри, ц/га	0.50	2.7	44,0	0.1
1 ц таннархи сўм				-
Уруғлик миқдори, ц	400	1200	29 000	-
Ечими:				
Уруғликни талаб этилиши, ц:				
Экиш				
Суғурта фонди				
Жами				
Уруғлик сотиб олиш				
Уругни таннархи				

Изоҳ: Суғурта фонди хўжаликда талаб этилган уруғлик миқдорига караб 15-20% да олинади.

### **Ишлаш учун вариантлар:**

2-жадвал

Экин турлари	Вариантлар, га				
	1	2	3	4	5
Пахта	900	945	876	1050	800
Дон	300	258	450	370	400
Маккажухори	7	6	8	5	4
Шоли	180	200	150	210	190
Картошка	10	7	8	20	17
Пиёз	7	5	6	8	4
Памидор(кучат)	3	6	4	5	7
Памидор(уруғ)	3	6	4	5	7
Сабзи	2	4	3	2	5
Карам (кучат)	10	7	8	20	17
Карам (уруғ)	10	7	8	20	17
Олма 1 га кучат сони	37	30	29	35	32
Нок 1 га кучатлар сони	22	19	24	20	23
Полиз	2	4	3	6	4
Кунгабоқар	1	1.5	1.7	2	1.3

Юқорида келтирилган майдон учун уруғлик миқдорини аниқланг.

### **2. Заҳарли химикатлар, гербицидлар ва ветеринария тадбирларига бўлган сарф-харажатларнинг ҳисоб-китоби.**

Заҳарли химикатлар ва гербицидларга бўлган сарф-харажатлар 1 га ерга экилган қишлоқ хўжалиги экинлари (ўсимликлари) бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Ветеринария тадбирларига бўлган сарф-харажатлар шартли қорамол бошидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади.

### **Минерал ўғитларларга бўлган эҳтиёжларни ва уларнинг қийматларини аниқлаш.**

Хўжалик бўйича минерал ўғитларларга бўлган эҳтиёж озуқа моддаларини режалаштирилаётган ҳосил ишлаб чиқариш бўйича ҳисобланади. Масалан, хўжалик режаси бўйича 20000 ц буғдой ва 10009 ц беда пичанини етиштириш кўзда тутилган. Минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжни ва уларни ўзлаштиришга бўлган сарф-харажатларни аниқлаш талаб қилинади.

Ҳисоб-китоб қуйидаги тартиб бўйича олиб борилади:

1. Режалаштирилган ҳосилнинг озуқа моддаларига (N, P, K) бўлган эҳтиёжи аниқланади. 1 ц буғдой ва 1 ц беда пичанини етиштиришга қанча озуқа моддалари кетиши аниқланади. Ҳосилдаги озуқа моддаларининг чиқиши қуйидагиларни ташкил этади:

Буғдой  $20000 \times 3 = 60\,000$

N-Азот -Пахта  $15\,000 \times 4 = 60\,000$

Беда  $10\,000 \times 2 = 20\,000$

Жами – 140 00ц

Буғдой  $20000 \times 1.3 = 26\,000=260\text{ц}$

Р-Фосфор - Пахта  $15\,000 \times 1.4 = 21\,000 = 210\text{ц}$

Беда  $10\,000 \times 0.6 = 6000 = 60$

Жами – 530 ц

Буғдой  $20000 \times 2.5 = 50000 = 500$

К-Калий - Пахта  $15\,000 \times 2.2 = 33000 = 330$

Беда  $10\,000 \times 1.5 = 15000 = 150$

Жами –  $103000 = 1030\text{ц}$

Қолган ўсимликлар, суғориладиган яйловлар ва кўп йиллик экинларнинг озуқа моддаларига бўлган эҳтиёжи шу тарзда ҳисоблаб чиқилади.

2. Озуқа моддаларига бўлган эҳтиёж улар ўсимликлар томонидан озиклантирилган йили қийин ўзлаштирилганлиги сабабли аниқланади.

Биринчи йили ўсимликлар томонидан озуқа моддаларини ўзлаштиришнинг ўртача даражаси қуйидагича: N – 60%, P – 20%, K – 70%. Бундан келиб чиқиб, озуқа моддаларига бўлган эҳтиёж ортади ва қуйидагича бўлади:

N – 1 333 ц ( $80\,000 \times 100 : 60$ );

P – 1 600 ц ( $32\,000 \times 100 : 20$ );

K – 927 ц ( $65\,000 \times 100 : 70$ ).

3. Хўжалик томонидан лойиҳа амалга оширилган йилда олинган органик ўғитлар таркибидаги озуқа моддаларининг миқдори аниқланади. Уларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги ўсимликлари учун қўлланилиши кўзда тутилади. Озуқа моддалари ўсимликларга бир неча йиллар давомида қўлланилади. Озиклантирилгандан кейинги биринчи йилда ўсимликлар томонидан ўғитдан олган озуқа моддаларининг тахминий миқдори қуйидагиларни ташкил этади: N – 1,2 кг, P – 1 кг, K – 4 кг 1 тоннадан.

4. Озуқа моддаларига бўлган танқислик хўжаликнинг озуқа моддаларига бўлган тўлиқ эҳтиёжи ва ўсимликлар томонидан тупроқ захираларидан ва органик ўғитлардан олган уларнинг миқдори ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Шундай қилиб, берилган хўжаликда стандарт минерал ўғитларни киритиш талаб қилинади:

Берилган мисолда ҳисоб-китоб қуйидагича амалга оширилади:

3-жадвал

	N	P	K
1. Озуқа моддаларига бўлган тўлиқ эҳтиёж, ц	1 333	1 600	927
2. Тупроқ захираларидан чиқариш (150 га), ц	$150 \times 0.1 = 15.0$	$150 \times 0.4 = 60.0$	$150 \times 1.6 = 240.0$
3. Ўғитдан чиқариш (3000т), ц	$3000 \times 0.12 = 36$	$3000 \times 0.01 = 30$	$3000 \times 0.04 = 120$
Танқислик (= 1- 3), ц	1282	1510	567

• Аммоний сульфати:  $6\,254$  ц ( $1\,282 \times 100 : 20.5$ );

• Оддий суперфосфат:  $8\,075$  ц ( $1\,510 \times 100 : 18.7$ );

• Калий тузи:  $1\,363$  ц ( $567 \times 100 : 41.6$ ).

Амалдаги моддаларни стандарт минерал ўғитларга (аниқ минерал ўғитлар) қайта ҳисоблаш амалга оширилади. Стандарт минерал ўғитларга қуйидагилар киради: азотли ўғитларда – аммоний сульфати, амалдаги модданинг 20,5% ни

ташкил этади, фосфорли ўғитларда – оддий суперфосфат, амалдаги модданинг 18,7% ни ташкил этади, калийли ўғитларда – калий тузи, амалдаги модданинг 41,6% ни ташкил этади.

5. Миқдори ва улгуржи нархидан келиб чиқиб барча минерал ўғитларнинг умумий қиймати аниқланади.

Келтирилган услубиёт бўйича амалий ишда минерал ўғитларга бўлган умумий эҳтиёж ва уларнинг умумий қиймати ҳисобланади.

### **Минерал ўғитларга бўлган талабни қуйидаги маълумотлар асосида аниқланг.**

4-жадвал

Вариантлар	Пахта, ц	Бугдой, ц	Беда, ц	Майдон, га
1	30 000	17 000	5 000	115
2	28 000	15 000	3 000	100
3	25 000	12 000	4 000	95
4	32 000	16 000	6 000	120
5	23 000	19 000	9 000	140
6	40 000	23 000	7 000	160
7	27 000	18 000	2 000	90
8	18 000	7 000	2.500	80
9	21 000	9 000	4 000	97
10	24 000	11 000	3.500	110

#### **Ёнилғи ва мойлаш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш.**

Хўжаликнинг ёнилғи ва мойлаш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, уларнинг қиймати асосий ёнилғини сарф қилиш меъёри бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

- ҳайдалган эталон гектар ер учун (тракторлар учун);
  - донли экинлар, кунгабоқар, бир йиллик ва кўп йиллик ўтларнинг уруғлари йиғиб олинadиган майдонларнинг бир гектари учун (комбайнлар учун);
  - ҳар бир махсус машина учун (асосий ёнилғидан 4 тоннадан) (енгил автомобиллар, автобуслар ва бошқа махсус машиналар учун);
  - юрилган (босиб ўтилган) 100 км масофа учун (юк автомашиналари учун);
- Автомобилларнинг юрган масофаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Z = \frac{Q_n}{q_a \times \beta \times \gamma} \quad (1)$$

бу ерда, Z– муайян русумли автомобилларнинг юрган (босиб ўтган) масофаси (км);

$Q_n$  – ушбу русумдаги автомобил томонидан йиллик ташилган юкларнинг ҳажми (т-км);

$q_o$  – ушбу русумдаги автомобилнинг юк кўтарувчанлиги (тонна);

$\beta_n$ –юрилган масофада фойдаланиш коэффиценти (0,5-0,7 га тенг);

$\gamma$ –юк кўтарувчанлигидан фойдаланиш коэффиценти (0,7-0,8 га тенг).

**Мисол.** Хўжаликка 204 000 т-км ҳажмда юк ташийдиган 6 та ГАЗ – 53А автомобиллари ва 484 500 т-км ҳажмда юк ташийдиган 5 та ЗИЛ – 130 – 66 автомобиллари талаб қилинади. Қуйидаги формуладан фойдаланиб автомобилнинг юрган масофаси аниқланади:

$$\text{ГАЗ-53А учун: } Z = \frac{204000}{5,0 \times 0,6 \times 0,8} = 121428 \text{ км}$$

$$\text{ЗИЛ – 130-66 учун: } Z = \frac{484500}{5,0 \times 0,6 \times 0,7} = 230714 \text{ км}$$

Хўжалик бўйича юк автомашиналарининг умумий босиб ўтган масофаси 352 142 км ни ташкил этади.

Мойлаш маҳсулотларини сарф қилиш меёрлари асосий ёнилғига бўлган умумий эҳтиёжга нисбатан фоизларда режалаштирилади:

- дизел ёнилғида ишлайдиган двигателлар учун 8,1%;
- бензинда ишлайдиган двигателлар учун 6 %.

**Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган тракторларни эталон ҳисобида шартли тракторларга айлантириш коэффиценти 5-жадвалда берилган.**

**Мисол: Хўжаликда қўйидаги маркалардаги тракторлар бор дейлик: Т-4 8та; ДТ-75 10та; ДТ-54 6та; Т-28х4 50та; Т-40 11та; Т-40А 10та.**

Агар шу тракторларни шартли эталон тракторларга айлантириш коэффиценти кўпайтурсак, хўжаликда неча шартли эталон тракторлар борлигини аниқлашимиз мумкин:

$$\begin{aligned} \text{Т-4 (8} \times 1,33) &= 10,64; \\ \text{ДТ-54 (6} \times 0,86) &= 5,16; \\ \text{Т-40 (10,0} \times 0,48) &= 4,80; \\ \text{ДТ-75 (10} \times 1,0) &= 10,0; \\ \text{Т-28} \times 4 (50 \times 0,50) &= 25; \\ \text{Т-40А (10} \times 0,50) &= 5,0 \end{aligned}$$

$$\text{Ҳаммаси (10,64 + 10,0 + 5,16 + 25,0 + 4,80 + 5,0) = 60,60}$$

**Демак, хўжаликда 60,60 шартли эталон тракторлар мавжуд экан.**

Хўжаликнинг конкрет шароитлари учун энг самарали бўлган машиналарни танлаш зарур.

5- жадвал

Шартли тракторларга айлантириш коэффиценти

Трактор маркалари	Тракторларни шартли эталон тракторларга айлантириш коэффиценти	Трактор маркалари	Тракторларни шартли эталон тракторларга айлантириш коэффиценти
К –700	2.10	Т-38 М	0,60
Т-100, Т-100 м.	1.34	КД –35, КДП-35	0,57
Т-4А	1,45	КДП-38, Т-38	0,57
Т-4	1,33	МТЗ-52 Л, МТЗ –52	0,58
ДТ-75М	1,10	МТЗ-50 ПЛ,	
ДТ-75, Т-75, Т-74	1,00	МТЗ-50 Л,	
ДТ-54, ДТ-54 А		МТЗ-50	0,55
ДТ-55, ДТ-55 А	0,86	МТЗ-5 ЛС	
Т-54 Л, Т-54 ВТ-54 С	0,69	МТЗ-5 ЛСА, МТЗ-5МС	
Т-50В	0,64	МТЗ-7, МТЗ-7 МС	0,53
Т-40, Т-28х3	0,48	Т-40 А, Т-28х4	0,50
Т-16, ДВСШ-16	0,20	ДТ-20	0,27

T-25	0,30	T-16 M	0,22
------	------	--------	------

### Назорат саволлари:

1. Иқтисодий ресурслар билан ишлаб чиқариш омилларининг фарқи нимада?
2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида иштирок этувчи омилларга нималар киради? Уларга таъриф беринг.
3. Ресурс салоҳияти деганда нимани тушунаси?
4. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари қандай аниқланади ?
5. Меҳнат мотивацияси омиллари қайсилар?
6. Қишлоқ хўжалиги моддий техника базаси ва унинг таркиби.
7. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби қандай?
8. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида вақт ишлаб чиқариш омили сифатида қандай аҳамиятга эга?

### Фойдаланилган адабиётлар:

- 1- David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. Published by Macmillan. USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647.
- 2- Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.
- 3- Gary Bickel, Mark Nord, Cristofer Price, William Hamilton, John Cook Measuring Food Security in the United States. Guide to Measuring Household Food Security. USA ,USDA, 2000.
- 4- Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А., Дехконова Н.С., Ахмедова В. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиети. Ўқув қўлланма. - Т.: ТошДАУ, 2015. –174 б.

### 3- амалий машғулот:

#### Ишлаб чиқариш функциялари

**Машғулотнинг мақсади:** ишлаб чиқариш функциясининг моҳияти, ишлаб чиқариш функцияси билан харажатларнинг боғлиқлиги, доимий ва ўзгарувчан ишлаб чиқариш омиллари, давр давомийлиги, Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси, изокоста ва изокванта тушунчалари бўйича тингловчиларнинг билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Ишлаб чиқариш ресурслари таркибидаги қуйидаги ўзгаришлардан қайсилари узок муддатли даврдаги харажатларга киради:

- а) компания нефтни қайта ишловчи янги ускунани ўрнатади;
- б) корхона яна 200 ишчини ёллайди;
- в) фермер ўз участкасида қўлланиладиган ўғит миқдорини кўпайтиради;
- г) фабрикада учинчи смена жорий қилинади.

2) Сарфларнинг қуйидаги турлари харажатларнинг қайси туркумига тегишли эканлигини аниқланг: маҳсулот рекламасига сарфлар, корхона чиқарган заёмлар бўйича фоиз тўловлари; хом ашёга сарфлар, кўчмас мулкка солиқ тўловлари, бошқарув ходимлари маоши; ишчиларга иш ҳақи тўловлари; амортизация ажратмаси.

3) Кейс-стади: фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш.

### **Ишни бажариш учун намуна**

#### **Кейс. Фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш**

Ҳар доимгидек баҳорда Ойбекнинг олдида экинларини қандай экса ҳам пули етарли бўлади, ҳам режалаштирилган экинларнинг барчаси экилади деган муаммо туради.

Ойбекнинг 2га ери бор, шу ерида у 2 хил экин: 1 га ерига буғдой, яна 1 га ерига эса картошка етиштиради. У битта сигирни 30000 сўмга сотди. Унга қўшимча равишда олинган картошка ҳосилини бир қисмини яқинда уруғлик материал сифатида 28 минг сўмга сотди, ҳосилнинг қолган қисмини эса экиш учун уруғлик материал сифатида ўзига қолдирди. Ўғлининг 9000 сўмлик иш ҳақини ҳам у қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сарфлашга қарор қилди. Ойбекнинг боши қотяпти: экиш учун ўз уруғлик материалига эга бўлган ҳолда у бошқа харажатларини қоплай олармикан?

Ойбек 1 га ердан тахминан 30 центнер буғдой ва похол кўринишида 15 той қўшимча маҳсулот олишни режалаштирган, буғдойнинг кутилаётган ўртача баҳоси 10 сўм/кг, похолники-25 сум/той ва картошканинг ҳосили 1 га ердан 25 тонна бўлгани ҳолда, кутилаётган ўртача баҳоси 6 сўм/га.

Бунда у 1 га ерда картошка етиштириш харажатлари уруғлик материални ҳисобга олмаган ҳолда 70 минг сўмни ташкил қилишини билади.

#### **Муҳокама қилиш учун саволлар:**


1. 1га ерда буғдой етиштириш харажатларини (барча зарур тадбирларни, кутилаётган даромад, харажат ва фойдани) аниқланг.
2. Ойбекнинг пуллари шу 2 экинни етиштириш учун етарлими?

Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi - таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс-стади - таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир



тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган таълим технологиясидир.



**Кейснинг кириш қисми ўз ичига қуйидагиларни олади:**

- Кейснинг долзарблигини асослаб бериш;
- Унинг таълим мақсади;
- Кейс ечиш натижасида талабалар эришиши мумкин бўлган ўқув натижалари.

**Кейсда баён қилинган вазият**, корхонага шу пайтда ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган параметрлар, ўзгарувчан омилларнинг аниқ туркуми шаклида ифодаланади. Бошқача айтганда, у вазият объекти ҳақидаги релевант (муаммони ҳал этиш учун муҳим) маълумотлар рўйхатидан иборат бўлади.

Муваффақиятли вазиятли машқлар турли персонажлар ўртасидаги суҳбатларни ўз ичига олиши мумкин, кейсдан фойдаланувчиларнинг вазиятнинг реаллигини ҳис этишига ёрдам берадиган бошқа публицистик усуллар ва воситалар ҳам ишлатилади.

Вазиятнинг кейсдаги баёни ва унинг ахборот таъминоти қуйидагиларга кўра турлича бўлиши мумкин:

- *Ҳажмига кўра*: бир неча жумладан тартиб, то юзлаб саҳифали матнга;
- *деталлаштириш даражаси ва ахборотга бойлигига кўра*: таҳлил предметиға бевосита тегишли бўлмаган ахборотнинг мавжуд бўлиши ёки, аксинча, вазият элементларидан бири ҳақидаги ахборотнинг бўлмаслиги ҳам мумкин.

**Мухокама учун саволлар ва кейсга вазифалар:**

- Агар кейс саволли тоифасига тегишли бўлса, унда баён қилинган вазият охирида муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида муҳокама қилиш учун бир нечта саволлар келтирилади.
- Агар кейс-топширик бўлса муаммоли майдон шакллантирилгандан кейин “Кириш” қисмида кейс ечиш жараёнида талабалар томонидан бажариладиган вазифа берилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ишлаб чиқариш функцияси нима ва унинг асосий концепцияларини қисқача таърифлаб беринг.
2. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг моҳиятини ва таркибини тушунтиринг.
3. Доимий, ўзгарувчи ва умумий харажатларнинг мазмуни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
4. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларда ишлаб чиқариш харажатлари қандай ўзгариш таъминланишига эга?
5. Унумдорликнинг пасайиб бориши қонунининг моҳияти.
6. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясини тавсифлаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. Published by Macmillan. USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647.
2. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.
3. Gary Bickel, Mark Nord, Cristofer Price, William Hamilton, John Cook Measuring Food Security in the United States. Guide to Measuring Household Food Security. USA, USDA, 2000.
4. Долан Э. Дж., Линдсей Д. Е. Микроэкономика – СПб: Питер, 2004. – 415 с.
5. Abdug`aniev A., Abdug`aniev A. A. – Qishloq xo`jaligi iqtisodiyoti. Darslik. - T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi. Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2011. -244 bet.

#### 4-амалий машғулот

### Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш ва уни самарадорлигини ошириш йўллари.

**Машғулотнинг мақсади:** қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти тушунчаси, таркиби ва тақсимланиши, ялпи даромад ва пул тушумлари категориялари, самарадорликни энг муҳим қиймат кўрсаткичлари ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисидаги тингловчиларнинг билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** 1) Қуйидаги келтирилган маълумотлардан фойдаланиб фойда нормасини ҳар иккала усулда ҳисобланг: умумий фойда – 250 минг сўм; ишлаб чиқариш харажатлари – 1250 минг сўм; авансланган маблағлар (асосий ва айланма капитал) – 2500 минг сўм. Натижаларни таққослаб, изоҳлаб беринг.

2) Жадвалдаги ҳар бир иборанинг таърифини топинг:

Иқтисодий самара	корхонанинг соф фойдаси шакли, яъни маҳсулот ёки хизматларни сотишдан тушган умумий даромаднинг ундан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейинги қисми
Масштаб самараси	қишлоқ хўжалик субъектини бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндиси
Даромад	иқтисодий фаолият натижалари ва ушбу натижаларни олиш ҳамда улардан фойдаланиш учун ҳисоблаб чиқилган сарф-харажатлар ўртасидаги хилма-хиллик
Нарх	тизимнинг фаолият юритишига кетадиган сарф-харажатлар ва унинг натижалари нисбати
Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан истеъмолчи (харидор) ўртасида ҳар икки томоннинг розилиги билан келишиб белгиланган нархлар
Давр харажати	ишлаб чиқариш масштабининг кенгайиши сурати билан маҳсулот ишлаб чиқаришни ўсиш сурати ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди
Келишилган нарх	етиштирилган бир бирликдаги маҳсулотга сарфланган ишлаб чиқариш харажатларининг суммаси
Иқтисодий самарадорлик	муайян мамлакатда бир йилда моддий ишлаб чиқариш соҳалари томонидан янгитдан ҳосил

	қилинган қиймат ёки бошқача қилиб айтганда, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати чегириб ташланганидан сўнг қолган қисми
Миллий даромад	товар қийматининг пулда акс этиши, бозор иқтисодиётига асосланган жамият хўжалик механизмида амал қилувчи иқтисодий дастак

3) Муаммоли вазиятни ҳал қилинг: таннарх ва рентабелликни ҳисоблаш.

### **Ишни бажариш учун намуна**

#### ***Кейс. Таннарх ва рентабелликни ҳисоблаш***

Тошмат ўзига тегишли 1 га ер участкасида помидор етиштиради. Помидор еиштириш учун у далани ҳайдадига бороналади. Бу ишларга Тошмат ҳаммаси бўлиб 2 иш кун, 35 литр солярка ва 1100 сўм сарфлади.

Ўғит сифатида у 20 тонна гўнгдан фойдаланди. Гўнгни унинг даласига 20 км масофада пода боқадиган дўстидан олиб келинди. Дўсти бундай каттамикдордаги гўнгдан қутилганига хурсанд бўлди. Гўнг Тошматга текинга тушди, лекин уни ташиб келтириш учун (транспортировкага) 1200 сўм харажат қилди. Гўнгдан ташқари у 300кг аммиакли селитрадан фойдаланди, ўғит киритиш хизмати 1 га ерга 1000 сўмни ташкил қилди.

Тошматнинг ер участкасида бегона ўтлар муаммоси мавжуд бўлгани туфайли экинларни ўстириш ва ривожлантириш даврида у бегона ўтларга қарши 1 кг Зенкор гербицидидан фойдаланди. Унинг қиймати 1800 сўмга тенг бўлиб, гербицидларни пуркаш хизмати 1 га ерга 1000 сўмни ташкил қилди.

Тошмат суғоришга умумий ҳолда 1800 сўм/га сарфлади. Ундан ташқари помидор (дурагай) уруғларини у қайта ишловчи корхонадан келгусида ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олган бўлиб, 300 минг дона кўчат 1га ерга 12000 сўмдан тушган.

Ишлаб чиқаришга кетган меҳнат харажатлари ҳаммаси бўлиб 20 кунни ташкил қилгани ҳолда бир кунга 200 сўмдан тушди. Кутилаётган ҳосил ҳажми 1 га ердан 60 тоннага тенг бўлади. Охирги 2 йил ичида помидорнингўртача нархи 5 сўм/кг бўлган. Ҳисоблаш учун шу нархлардан келиб чиқамиз.

#### **Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Помидорнинг таннаrxини ҳисобланг.
2. Маҳсулот рентабеллигини ҳисобланг.
3. Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан қаралганда ушбу экинни етиштириш фойдалими?

Бекзод ўзининг 3.5га ерида картошка етиштиришга қарор қилди. У биринчи репродукцияли уруғлик картошкани 30 сўм/кгдан сотиб олди.

Унга тегишли ер участкасининг ўртача ҳолати унумдор деб баҳоланган, чунки у алмашлаб экишга риоя қилган ва картошкадан олдин ерга дуккакли экинлар экилган. Шу боисдан у 1 га ердан 30 тонна картошка олишни режалаштиряпти. Шунга мос ҳолда 3.5 га дан 105.5 тонна ҳосил олишни мўлжаллаган.

У кузда картошканингўртача бозор қийматини қуйидагича ҳисоблаб чиққан:

2-репродукцияданолинган 70% уруғлик картошкани у 15 сўмдан сотади, 30% картошкани озиқ-овқат сифатида қийматини 5сўм/кг деб баҳолайди.

Бекзод 1 млн 26 минг сўм даромад ва катта фойда олишини ўйлаб ўзида йўқ хурсанд.

#### **Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1.Картошка етиштиришда ўтказиладиган тадбирларни таърифлаган ҳолда 1 га ер учун технологик харитани тузинг. 1 га ерга ва кейсда берилган умумий майдонга тўғри келадиغان жами даромад ва харажатларни ҳисоблаб чиқинг. 1 га ердан ва умумий майдондан олинадиган фойдани аниқланг.

2.Бекзод ўйлаган даромадига эришадими?

#### **Назорат саволлари:**

1. Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти,уларнинг аҳамияти.
2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий самарадорликни аниқлашда қайси кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади?
3. Фойданинг мазмуни ва манбаини тушунтиринг.
- 4.Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фарқи нимада? Уларнинг шаклланиш тартибини тушунтириб беринг.
5. Фойда массасига таъсир кўрсатувчи омилларни изоҳлаб беринг.
6. Иқтисодий самарадорликни қайси йўллар билан ошириш мумкин?
7. Рентабелликни қайси йўллар билан ошириш мумкин?
8. Маҳсулот таннархини фойда миқдорида таъсири қандай? Товарлилик даражаси қандай кўрсаткич?Товарлилик даражасини ошириш йўллари қандай?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. Published by Macmillan. USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647.

2. Abdug'aniev A., Abdug'aniev A. A. – Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. Darslik. - T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi. Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2011. -244 bet.
3. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.

### **5-амалий машғулот:**

#### **Қишлоқ хўжалигида инвестицион ва инновацион фаолият ва уларнинг самарадорлиги**

**Машғулотнинг мақсади:** инвестиция тушунчаси, турлари ва даражасини белгилловчи омиллар, қишлоқ хўжалигида инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти, фермер хўжаликларининг инвестициялари манбалари, инновациялар таърифларининг шарҳи, инновацион бошқарув вазифалари ҳамда инвестиция ва инновациялар самарадорлиги кўрсаткичлари тўғрисидаги тингловчиларнинг билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** "Инвестициялар моҳияти, манбалари, турлари ва самарадорлик кўрсаткичлари" бўйича "Тоифалаш жадвали"ни тузинг.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

**ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ** - тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат. Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси:

- янги ўқув материали билан танишади;
- олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайдилар;
- қуйидаги жадвал кўринишида расмийлаштиради:

<b>Инвестиция – бу .....</b>		
<b>Манбалари</b>	<b>Турлари</b>	<b>Самарадорлик кўрсаткичлари</b>
.....	.....	....

#### **Назорат саволлари:**

1. Инвестициялар деганда нимани тушунасиш?
2. Турли хил белгилар бўйича инвестицияларнинг туркумланиши қандай?
3. Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбаларини санаб ўтинг.
4. Инвестициявий фаолиятнинг объект ва субъектлари. Инвестициявий фаолиятнинг базис тамойиллари.
5. Инвестицияларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти нимада?
6. Инвестициядан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичларини изоҳланг.
7. Ишлаб чиқаришда инновациявий технологиялар деганда нимани тушунасиш?
8. Инновацион лойиҳалаштириш амалиётида лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш мезонларини санаб ўтинг ва уларни тушунтиринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. Published by Macmillan. USA, University of Kentucky, 2012 Second edition, ISBN-13 978-1469960647.
2. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.
3. Рустамова И.Б. Исследование эффективности привлечения инвестиций в малом и среднем бизнесе. Дисс. на соискание канд.экон.наук. Ташкент.2000. 145с.
4. Умурзоков Ў.П., Тошбоев А.Ж., Ж.Рашидов., Тошбоев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Ўқув қўлланма. ЎзРОЎМТВ. –Т.: “Иқтисод-Молия”, 2008 й. – 268 б.

## **V.КЕЙСЛАР БАНКИ**

**Кейслар тўплами** – бу назарий билимини амалий масалаларни ҳал қилиш учун қўллаш имконини берувчи воситадир.

### **Кейс нима?**

“Кейс”- бу вазиятли масала. Кейсни таҳлил қилиш жараёнида талабалар амалда тайёр ечимни қўлга киритадиларки, уни шунга ўхшаш ҳолатларда қўллаш мумкин бўлади.

Шунга мувофиқ ҳолда қанчалик кўп кейслар таҳлил қилиб чиқилса, талабаларда шу каби муаммоларнинг юз бериш ҳолатига мос келадиган схемалар тайёр туради.

### **Кейслар нима учун керак?**

Кейслар амалиётга яқинлашиш, қарор қабул қилаётган одамнинг реал ҳолатига тушиш имконини беради, бу бировларнинг хатоларида ўргатиш имконияти демакдир.

Кейс иштирокчида мустақил фикрлашнинг ривожланишига кўмаклашади, назарияни амалиёт билан боғлайди ва кўникмаларни эгаллашнинг самарали шакли ҳисобланади.

Талабаларнинг мустақил ишлашларига алоҳида урғу берилади, мазкур иш жараёнида катта миқдордаги материал кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади.

Шундай қилиб кейслар тўплами бўйича ишлаш қуйидагиларни кўзда тутди:

- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти фани бўйича машғулотларда фермерлар амалиётидан олинган ёзма кўринишидаги маълумотлар асосида вазиятли масалалар тузиш ва ечиш;
- ўқитувчилар томонидан кейсни мустақил ўрганишлари учун талабаларга топшириқларни бериш;
- ўқитувчи раҳбарлигида кейсни аудиторияда биргаликда муҳокама қилиш;
- “муҳокама қилиш жараёни ечимнинг ўзидан ҳам муҳимроқдир” деган тамойилга амал қилиш.

Кейслар тўпламини яратиш ғояси фермерларни ўқитишнинг кўп йиллик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда вужудга келди.

Биз фермерлар билан яқин алоқада бўлар эканмиз, фермерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда қандай муаммоларга дуч келаётганликларини кўриб турардик ва кўпчилик фермерларда ҳудуддан қатъий назар айнан бир хил муаммолар учрашини эътироф этардик.

Шунга фермерларда кўп учрайдиган барча муаммоларини тўплаш ва талабаларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мақсадида маслаҳатчилар учун тайёр ечимлар келтирилаётган вазиятлар тўпламини ишлаб чиқиш ғояси туғилди.

Шундай қилиб, ушбу тўпламдаги барча кейслар фермерлар ҳаётидан олинган реал вазиятларга асосланган.

Кейслар тўплами қуйидаги мақсадларни кўзлаган ҳолда тузилган:

- Талабаларнинг аналитик (таҳлилий) фикрларини ривожлантириш.

Тўплам икки турдаги кейслардан ташкил топган:



Биринчи турдаги кейслар аниқ ва бир маъноли жавоб мавжуд бўлган вазиятлардан иборат, масалан муайян ишлаб чиқаришга киритилиши зарур бўлган кредит ресурсларнинг аниқ миқдори.

Иккинчи тур кейслари саволларга битта аниқ ва муайян жавоб эмас, балки бир нечта жавоб вариантлари мавжуд бўлиб, вазиятли таҳлил қилиш ва тўғри жавобни топиш керак. Мазкур кейслар талабаларнинг таҳлилий фикрлашларини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

- Талабаларда ҳисоблаш кўникмаларини ривожлантириш.

Тўпلامда шундай кейслар мавжудки, талабалар уни ечиш устида ишлар эканлар, нафақат даромад ва харажатларни ҳисоблаш, балки технологик хариталарни тузишни ҳам ўрганадилар, кредит ва лизинг бўйича тўловларини ҳисоблаш кўникмаларини ҳам эгаллайдилар.

- Ахборот бериш.

Тўпلامда шундай тузилганки, у ёки бу вазиятни таърифлаш жараёнида кўпинча фойдали маълумотлар, шунингдек иштирокчилар учун нафли бўлган тавсиялар берилган. Масалан, молиялаштириш шакллари орасида лизинг фойдалироқми ёки кредит, у ёки бу кишлоқ хўжалиги экинини етиштиришда таннархга қайси тадбирларни киритиш зарурлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

### **1-кейс. Кишлоқ хўжалиги экинларининг фойдалилик даражасини иқтисодий таҳлил қилиш.**

Ойбек ва унинг яқин дўстлари уруғлик фонди ташкил этишга қарор қилдилар. Бунинг учун улар тўпланишиб, хатти-ҳаракатлар режасини биргаликда ишлаб чиқдилар.

Биринчи галда экиш учун яхши уруғлик материални сотиб олиш зарур эди. Уруғлик материални излаш натижасида улар 3- хил вариантни топдилар:

Биринчи вариант- Германиядан эндигона келтирилган Элита репродукцияли Санта навли уруғлик картошка бўлди.

Унинг қиймати транспорт харажатларини инобатга олган ҳолда 63 сўм/кг, ўртача ҳосилдорлиги- 40 тонна/га;

Иккинчи вариант- 2 репродукцияли Санте навли уруғлик картошка бўлди (кишлоқдан 120 км масофада жойлашган бир уруғлик фондида бор экан) қиймати 80 сўм/кг, ўртача ҳосилдорлиги-30 тонна/га.

Учинчи вариант- кўшни кишлоқдан Санте навининг 2-репродукцияли уруғлик материали бўлган. Қиймати -15 сўм/кг, ўртача ҳосилдорлиги 15 тонна/га.

Вариантларни муҳокама қилиб бўлгач дўстлар иккинчи вариантда тўхтадилар, чунки картошкани ҳосилдаги 10 тонналик фарқ ва катта миқдордаги бошланғич харажатларнинг зарурлиги туфайли картошкани чет элдан келтириш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобладилар.

Шундай қилиб, у 2-чи репродукцияли 3 тонна уруғлик картошкани ўзларининг 1 га ерларига экидилар. Картошка етиштириш бўйича барча

харажатлар уруғлик материалини ҳисобга олмаган ҳолда 70 минг сўмни ташкил қилган.

**Муҳокама қилиш учун саволлар:**

Дўстлар 2-вариантни танлаб тўғри қилдиларми? Учала вариантнинг фойдалилик даражасини таҳлил қилинг ва вариантларнинг қайси бири энг фойдали бўлганлигини аниқланг. Бунда картошканинг таҳлилий қиймати унинг репродукциясига боғлиқ равишда қуйидагича бўлишини ҳисобга олинг:

1. Биринчи вариантда уруғлик картошка Элита репродукциясидан олингани туфайли ҳосил йиғиб олинганидан сўнг, иккинчи йилига улар 1-репродукцияли уруғлик материалга эга бўлиб, 30 сўм/кгдан сотишлари мумкин эди.

2. Иккинчи вариантда уруғлик картошка 2-репродукциядан олинган эди ва ҳосил йиғиб олингандан кейин бу картошка 3-репродукциядан олиниб, дўстлар уни 15 сум/кг дан сотишлари мумкин эди.

3. Учинчи вариантда эса картошка 3- репродукцияга тегишли бўлгани туфайли иккинчи йилга картошка 4-чи репродукциядан олинади ва дўстлар уни кўпи билан 6 сўм/кг дан сотган бўлар эди.

**2-кейс. Картошканинг технологик харитасини тузиш.**

Бекзод ўзининг 3.5 га ерида картошка етиштиришга қарор қилди. У биринчи репродукцияли уруғлик картошкани 30 сўм/кгдан сотиб олди.

Унга тегишли ер участкасининг ўртача ҳолати унумдор деб баҳоланган, чунки у алмашлаб экишга риоя қилган ва картошкадан олдин ерга дуккакли экинлар экилган. Шу боисдан у 1 га ердан 30 тонна картошка олишни режалаштиряпти. Шунга мос ҳолда 3.5 га дан 105.5 тонна ҳосил олишни мўлжаллаган.

У кузда картошканинг ўртача бозор қийматини қуйидагича ҳисоблаб чиққан:

2-репродукцияданолинган 70% уруғлик картошкани у 15 сўмдан сотади, 30% картошкани озиқ-овқат сифатида қийматини 5 сўм/кг деб баҳолайди.

Бекзод 1 млн 26 минг сўм даромад ва катта фойда олишини ўйлаб ўзида йўқ хурсанд.

**Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1.Картошка етиштиришда ўтказиладиган тадбирларни таърифлаган ҳолда 1 га ер учун технологик харитани тузинг. 1 га ерга ва кейсда берилган умумий майдонга тўғри келадиган жами даромад ва харажатларни ҳисоблаб чиқинг. 1 га ердан ва умумий майдондан олинadиган фойдани аниқланг.

2.Бекзод ўйлаган даромадига эришадими?

**3-Кейс. Таннарх ва рентабелликни ҳисоблаш.**

Тошмат ўзига тегишли 1 га ер участкасида помидор етиштиради. Помидор еиштириш учун у далани ҳайдади ва бороналади. Бу ишларга Тошмат ҳаммаси бўлиб 2 иш куни, 35 литр солярка ва 1100 сўм сарфлади.

Ўғит сифатида у 20 тонна гўнгдан фойдаланди. Гўнгни унинг даласига 20 км масофада пода боқадиган дўстидан олиб келинди. Дўсти бундай катта миқдордаги гўнгдан қутилганига хурсанд бўлди. Гўнг Тошматга текинга

тушди, лекин уни ташиб келтириш учун (транспортировкага) 1200 сўм харажат қилди. Гўнгдан ташқари у 300 кг аммиакли селитрадан фойдаланди, ўғит киритиш хизмати 1 га ерга 1000 сўмни ташкил қилди.

Тошматнинг ер участкасида бегона ўтлар муаммоси мавжуд бўлгани туфайли экинларни ўстириш ва ривожлантириш даврида у бегона ўтларга қарши 1 кг Зенкор гербицидидан фойдаланди. Унинг қиймати 1800 сўмга тенг бўлиб, гербицидларни пуркаш хизмати 1 га ерга 1000 сўмни ташкил қилди.

Тошмат суғоришга умумий ҳолда 1800 сўм/га сарфлади. Ундан ташқари помидор (дурагай) уруғларини у қайта ишловчи корхонадан келгусида ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олган бўлиб, 300 минг дона кўчат 1га ерга 12000 сўмдан тушган.

Ишлаб чиқаришга кетган меҳнат харажатлари ҳаммаси бўлиб 20 кунни ташкил қилгани ҳолда бир кунга 200 сўмдан тушди. Кутилаётган ҳосил ҳажми 1 га ердан 60 тоннага тенг бўлади. Охирги 2 йил ичида помидорнинг ўртача нархи 5 сўм/кг бўлган. Ҳисоблаш учун шу нархлардан келиб чиқамиз.

#### **Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Помидорнинг таннарахини ҳисобланг.
2. Маҳсулот рентабеллигини ҳисобланг.
3. Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан қаралганда ушбу экинни етиштириш фойдалими?

#### **4-Кейс. Инвестицион кредитни қайтаришнинг минимал муддатлари.**

Ҳар йили фермер етиштирган тарвузларини ташиш учун сиғими 1000 кг бўлган юк автомобилдан фойдаланган. Тарвузлар ҳосили ҳар йили 1,1 га етарли 66000 кг ни ташкил қилган, битта рейс учун 1500 сўмдан тўлаган. Мазкур машина фермер учун қулай бўлган, чунки юк кўтариш қобилияти у тарвузлари солтиладиган бозорнинг кундалик эҳтиёжини таъминлаб турган. Унинг даласи билан бозор ўртасидаги ўртача масофа 40 км га тенг. Транспортнинг қийматини ҳисоблашда 1,5 сўм/кг дан тушади. Аммо вақти-вақти билан унинг шериги (ҳайдовчи) бошқа мижозларга ҳам хизмат кўрсатган, шу боисдан у баъзан кутиб қолар эди. Фермернинг кўлида 100000 сўм нақд пул мавжуд бўлгани учун шундай автотранспортни сотиб олиш тўғрисида ўйлаб қолди. Тутилган автомобил бозорда 225000 сўм туради ва у яна 5 йил хизмат қилади, кейин эса машинани 60000 сўмга сотиш мумкин.

Бензин сарфи-12 л/100 км, 1л бензин нархи 35 сўм/л га тенг, таъмирлаш ўртача 5000 сўм/йилни ташкил қилади.

Етишмаётган суммани фермер йилига 18% тўлаш шарти билан инвестицион кредит олиш ҳисобидан тўлашга қарор қилди. Бошида у ўзини суғурталаш мақсадида 5 йилга кредит олмоқчи бўлди, лекин у ортиқча, фоиз тўламаслик учун кредитни иложи борица тезроқ қайтаришни ҳоҳлар эди.

#### **Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Фермер учун мазкур кредитни олган ҳолда шу автомобилни сотиб олиш фойдалими?  
Бунинг учун қуйидагиларини ҳисоблаб чиқиш лозим:
  - а) кредитнинг фоизларини инобатга олган ҳолда бир рейс учун транспортда ташишнинг таннарихи;
  - б) у ҳар бир рейс учун ва шунга мос ҳолда ўз тарвузларининг ҳар бир килограми учун

### **5-Кейс. Буғдой ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш.**

Ҳар доимгидек баҳорда Ойбекнинг олдида экинларини қандай экса ҳам пули етарли бўлади, ҳам режалаштирилган экинларнинг барчаси экилади деган муаммо туради.

Ойбекнинг 2 га ери бор, шу ерида у 2 хил экин: 1 га ерига буғдой, яна 1 га ерига эса картошка етиштиради. У битта сигирни 30000 сўмга сотди. Унга қўшимча равишда олинган картошка ҳосилини бир қисмини яқинда уруғлик материал сифатида 28 минг сўмга сотди, ҳосилнинг қолган қисмини эса экиш учун уруғлик материал сифатида ўзига қолдирди. Ўғлининг 9000 сўмлик иш ҳақини ҳам у қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сарфлашга қарор қилди. Ойбекнинг боши қотяпти: экиш учун ўз уруғлик материалига эга бўлган ҳолда у бошқа харажатларини қоплай олармикан?

Ойбек 1 га ердан тахминан 30 центнер буғдой ва похол кўринишида 15 той қўшимча маҳсулот олишни режалаштирган, буғдойнинг кутилаётган ўртача баҳоси 10 сўм/кг, похолники-25 сум/той ва картошканинг ҳосили 1 га ердан 25 тонна бўлгани ҳолда, кутилаётган ўртача баҳоси 6 сўм/га.

Бунда у 1 га ерда картошка етиштириш харажатлари уруғлик матеирални ҳисобга олмаган ҳолда 70 минг сўмни ташкил қилишини билади.

#### **Муҳокама қилиш учун саволлар:**

3. 1га ерда буғдой етиштириш харажатларини (барча зарур тадбирларни, кутилаётган даромад, харажат ва фойдани) аниқланг.
4. Ойбекнинг пуллари шу 2 экинни етиштириш учун етарлими?

Ойбек узоқ йиллар мобайнида картошка етиштириб келаётган тажрибали фермер. У шу экинни ўстириш учун ер майдонини 4 гектарга етказган ва мавсумда ўртача 30т/га ҳосил йиғиб олади. Олдинги йилларда сифатли омборхона бўлмагани учун ҳосилни кузда йиғиштириб олиши биланок улгуржи равишда 5 сўм/кг дан сотган. Аммо баҳорда картошканинг улгуржи баҳоси ўртача 3 сўм/кг га қимматлашини билган ҳолда у ўзининг жамғарган капиталини омборга инвестиция қилишига арзирмикан ва бу ўзини оқлайдими деган саволга жавобини ўйлайди.

Унинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра 200 т сиғимга эга бўлган омборни қуриш унга 500000 сўмга тушади ва камида 25 йил хизмат қилади. Қолган ер ҳам бўш турмас эди, чунки қўшниларга ҳам сақлаш хизматини кўрсатиш йўли билан 1 кг маҳсулот учун 1,5 сўм ҳисобида ҳақ олинар эди. Чунки бу хизматга ҳам талаб мавжуд. Аммо картошкани сақлашда йўқотишлар

юз беради, улар товарнинг 15 % на ташкил қилади, шунингдек сақлаш борасида 0,5 сўм/кг ҳисобида бошқа харажатлар (ишчи кучи, электр энергияси ва бошқалар) ҳам бўлиб туради.

**Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Мазкур шарт-шароитда ушбу инвестиция Ойбек учун фойдалими-йўқми ҳисоблаб чиқинг.
2. Қўшниларга кўрсатилган хизматлар қиймати омбор бўйича харажатларни қоплайдими? Ушбу харажатлар миқдорини аниқланг.
3. Ҳисоблаб кўрингчи, сақлаш учун картошкани 1,5 сўм/кг дан омборга топшириш қўшнилар учун фойдалими?

**7-Кейс. Техника ўзини қоплаши учун йилига камида қанча гектар ерга ишлов бериши керак?**

Олмос 3 га ерда картошка етиштиради. У ўрта ҳолатдаги МТЗ-82 тракторига эга. Трактор қишлоқ хўжалиги машиналари билан тўлиқ жамланмаганлиги туфайли тўла юклама билан ишламайди. Олмоснинг кўпгина қишлоқдошлари картошка етиштириш билан шуғулланадилар, шу боисдан ҳосилни йиғиб олувчи техникага эҳтиёж катта, чунки ишчи кучи йилдан-йилга қимматлашмоқда. Қўшни қишлоқда қазиб олиш машинасининг хизмати 1500 сўм бўлиб, унга 15л ёқилғи сарфи ҳам қўшилади.

Олмаос ўзининг эҳтиёжлари учун ҳамда қишлоқдошларига хизмат кўрсатиш учун картошка қазиб олувчи машинани сотиб олиш масаласи ҳақида ўйлаб қолди. Бунинг учун у картошка қазийдиган машина ўзини қоплаши учун қанча миқдордаги ерга хизмат кўрсатиши лозимлигини ҳисоблаб чиқишга қарор қилди.

Тутилган (ишлатилган) аммо яхши ҳолатдаги КТН-2В маркали картошка қазиб олувчи машинанинг қиймати 200000 сўм бўлиб, ушбу техника яна 7 йил хизмат қилиши мумкин. Машинанинг қолдиқ қиймати 10000 сўм.

Картошка қазигични таъмирлаш қиймати 100сўм/га, тракторники эса 250 сўм/гани ташкил қилади. Йиғим-терим даври тахминан 20 кун давом этади, техниканинг унумдорлиги эса 3 га/кунга тенг. Ёлланган машинадан фойдаланишнинг муқобил қиймати 1500 сўм/гани ташкил қилади.

**Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Мўлжалланган техника ўзини қоплаши учун хизмат кўрсатиш лозим бўлган минимал ер ҳажмини ҳисоблаб чиқинг.  
Бунинг учун аввал қуйидаги харажатларни ҳисоблаш зарур:  
а) Мазкур техникадан 1 йил давомида фойдаланишнинг доимий харажатлари қанча?  
б) Мазкур техникадан 1 йил давомида фойдаланишнинг ўзгарувчан харажати қанча?
2. Ҳар йили иш билан тўлиқ банд қилинган шароитда ушбу техника ўзини неча йилдан сўнг қоплайди?

### **8-Кейс. Кредитга бўлган эҳтиёж.**

Ерга ишлов бериш учун вақти кам бўлгани туфайли фермер донли экинларни етиштирган, шу боисдан у ўзининг 1,5 га еридан кам даромад олган. Фермернинг ёнига ўғли қўшилгандан сўнг улар биргаликда муҳокама қилиш натижасида 2-чи репродукциянинг картошкасини етиштиришга қарор қилдилар, чунки ундан кўпроқ даромад олиш мумкин. Экиш вақтигача 2 ой қолди, аммо бундай ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур бўлган пуллар маблағи кўзда тутилмаган эди. Шу сабабли улар банкдан йилига 20% ҳисобида кредит олишга қарор қилишди. Бунинг учун 1,5 га ерда картошка ўстириш учун қанча пул зарурлигини ҳисоблалаб чиқиш талаб қилинади.

#### **Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Картошкани экишдан тортиб то йиғиштириб олишгача бўлган давргача, банкдан кредитга қанча пул олиш кераклигини ҳисоблаб чиқинг.

### **9-Кейс. Экинларнинг рентабеллигини ҳисоблаш.**

Эшмат деярли бир умр қишлоқ матабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. У пенсияга чиққач қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш билан шуғулланишга қарор қилди. Унинг олдида қайси экинни етиштириш энг фойдали эканлигини аниқлаш масаласи турар эди. Дўстлари помидор етиштириш энг фойдали десалар, қўшнилари буғдой етиштириш осон дедилар, қариндошлар картошка фойдали сабзавот, чунки уни кузда ҳам, баҳорда ҳам сотиш мумкин ва помидордан фарқ қилиб, тез айнийдиган маҳсулотлар турига кирмайди деб айтган.

Шу сабабли Эшмат экинларнинг рентабеллигининг иқтисодий таҳлилини ўтказмоқчи бўлди, аммо буни қандай бажаришни билмас эди.

#### **Муҳокама қилиш учун саволлар:**

Эшматга 3 та экин турининг рентабеллигини ҳисоблашга ёрдам беринг ва иқтисодий жиҳатдан энг фойдали экинни аниқланг.

Сиз Эшматга қандай маслаҳат берган бўлар эдингиз.

қарор қилди. Бундай қарорни қабул қилишнинг сабаби шу бўлдики, Ўё гуруҳининг барча аъзолари ишлаб чиқарувчилар бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда қишлоқ хўжалиги материалларини сотиб олар эдилар ва уларнинг барчасида далани хайдаш муаммоси мавжуд эди, чунки ҳамма ўзининг навбатини кўтарди ҳамда уларнинг деярли барчаси ўзининг маҳсулотини сотиш муаммога дуч келарди. Бош ғоя шундан иборат эдики, улар бирлашсалар қишлоқ хўжалиги материалларини биргаликда паст нархларда харид қилишлари ва қайта ишлаш корхонасига сотиш учун маҳсулотнинг зарур ҳажмини таъминлашда анча наф кўришлари мумкин эди.

Кооперативнинг раҳбари сифатида Тошмат кооперативнинг барча аъзолари номидан қайта ишлаш корхонаси билан 100 тонна помидорни 1,1 сўмдан сотишга шартнома тузди.

Кузда ҳосилни йиғиб олиш вақтида бозорда помидорнинг баҳоси 1,5 сўмни ташкил қилди. Кооперативнинг айрим аъзолари кўпроқ фойда олиш мақсадида маҳсулотни янги бозорда кўпроқ фойда олиш мақсадида маҳсулотни янги бозорда сотишни талаб қилишди.

Фикрлар бўлиниб, оппозицион гуруҳ узоқ муддатли истиқболда қайта ишлаш корхонаси билан шартномага эга бўлиш муғимлигини ҳамда маҳсулотларни бозорда бўлиб-бўлиб сотгандан кўра улгуржи сотиш осонроқ эканлигини таъкидлади. Улар далил сифатида бозордаги жой учун ҳар куни 100 сўмдан 30 кун давомида пул тўлаш кераклигини солиқ инспекциялари сотиш учун 2000 сўмга патент сотиб олишни талаб қилишларини, транспорт харажатлари эса умумий ҳолда 8000 сўмни ташкил қилишини таъкидладилар. Бунда маҳсулотнинг 100 фоизи йўқотилади, бир қисми эса сотилмай қолиб кетади, унданашқари бир кишини бозорда помидор сотиш учун вакил қилиб юбориши ва камида 6 минг сўм ҳисобида хизмат ҳақини тўлаш керак.

**Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Вазиятни таҳлил қилинг ва фермерлар қандай иш тутишлари лозимлигини аниқланг. Маҳсулотни қаерда сотиш фойдалироқ бўлади?

**11-Кейс. Қўйилмаларнинг қопланишини ҳисоблаш.**

Қўшнилари Тошмат ва Ойбек 1 га ерда картошка етиштиради. Улар биргаликда 3-чи репродукциянинг картошкасини харид қилдилар, улар далалари ёнма-ён жойлашган, улар биргаликда суғорадилар, барча бошқа ишларни ҳам бир ҳилда бажарадилар.

Бу йил Тошмат 30т/га ҳосил олиш учун 250 кг азотли ўғит киритиш лозимлигини ҳисоблаб чиққан. Ўтган йили улар атиги 3 қопдан азотли ўғит киритган эди. Бу йил эса у кўпроқ пул сарфлаб 1000 сўм (қопдан ҳар бири 50 кг) бўлган 6 қоп мочевино киритишга қарор қилди.

Ўғитни сочиб чиқиши учун қўшимча 1000 сўм/га тўлади. Қўшнисига ҳам шундай иш тутишини таклиф қилди. Аммо қўшниси ўйлаб қолди. Агар у 6 қоп х  $1000\text{сўм/га}=6000\text{ сўм}$  ва ўғитни киритиш учун 100 сўм, яъни жами 7000 сўм маблағни 1 га ер учун фақат ўғитга сарфласа, бу харажатлар ўзини қоплайдими?

Пировардида Тошмат 25 т, қўшниси эса 21 т ҳосил олдилар ва иккиси ҳам картошкани 7 сўм/кг дан сотдилар.

**Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Тошмат қўшимча равишда сарфлаган пуллар ўзини қопладими?
2. Бунинг учун аввал қуйидагиларни ҳисоблаб чиқиш лозим:
  - а) унинг қўшимча харажатлари қанча сўмни ташкил қилади?
  - б) унинг қўшимча даромади қанча?
3. Унинг қўшимча харажатлари ўзини қай даражада қоплаганини ҳисоблаб чиқинг.

### **12-Кейс. Узоқ муддатли ҳамкорликнинг иқтисодий таҳлили.**

Эшмат 100 тонна ҳажмда помидор етказиб бериш учун қайта ишлаш корхонаси билан шартнома тузди.

Келишилган нархларнинг қиймати 2 сўм/кг деб белгиланди. Мавсумда помидорнинг нархи 1 сўмга тушиб кетди. Гарчи бозорда помидор кўпайиб кетган ва қайта ишлаш корхонаси билан шартнома тузмаган кўпгина фермерлар ўзининг товарини паст нархларда таклиф қилган бўлсаларда, қайта ишлаш корхонаси билан шартнома тузмаган кўпгина фермерлар ўзининг товарини паст нархларда таклиф қилган бўлсаларда, қайта ишлаш корхонаси маҳсулотни шартнома тузган фермерлардан келишилган нархда қабул қилиб олди.

Эшмат 2 баробар кўп даромад кўргани учун ғоятда бахтиёр эди. Шу боисдан қайта ишлаш корхонаси билан узоқ муддатли асосда ишлашга тайёрлигини билдирди.

Иккинчи йил учун ўша шартларга асосланиб шартнома тузди, келишилган нархларни ҳам 2 сўм деб белгиладилар, аммо ўша йили бозорда помидор ўтган йилдагидан анча кам бўлди ва помидорнинг бозордаги улгуржи нархи 2,5 сўмни ташкил қилди. Эшмат узоқ ўйлаб ўтирмай ўз маҳсулотини деҳқон бозорида сотди.

Қайта ишлаш корхонасининг маъмурияти ҳодисадан ғоятда норози бўлди ва помидорни бозордан 2,5 сўмдан сотиболишга мажбур бўлди. Ундан ташқари улар келажакда Эшмат билан ишлашдан қатъий бош тортдилар.

Учинчи йилда қайта ишлаш корхоналари ишончга кирган фермерлар билан яна шартнома туздилар.

Учинчи йилда помидорнинг нархи бозорда 0,80 сўмга тушиб кетди.

Ўз маҳсулотларини сотиш Эшмат учун катта муаммога айланди ва у ўзининг маҳсулотини қайта ишлаш корхонасига фойдали шартларда (ўз ҳисобидан ташиб келтириш, ўзининг яшикларига жойлаш) таклиф қилди аммо корхона у билан ишлашдан воз кечди, фақат шартнома тузган фермерларнинг маҳсулотини сотиб олди.

Ўша йили Эшматларнинг катта миқдордаги помидорлари чириб кетди ва у далада 10 тоннага яқин ҳажмини йўқотди.

#### **Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Вазиятни таҳлил қилинг, 3 йил давомида олинган даромадларни йилларга бўлиб чиққан ҳолда ҳисобланг.
2. Эшмат шу уч йил давомида қайта ишлаш корхоналари билан ишлаганда қандай натижага эришган бўлар эди.
3. Қиёсий таҳлилни бажаринг. Шу 3 йил давомида Эшмат учун қайси усулда ишлаш фойдалироқ бўлиши мумкин эди?

### **13- Кейс. Инвестицияларнинг самрадорлигини ҳисобланг.**



Тошмат, Эшмат ва Ойбек болаликдан қўшни бўлишган, уларнинг уйлари яқин жойлашган, далалари ҳам ёнма-ёндир. Ҳар бирининг 1 га дан ери бўлиб, улар картошка етиштиради.

Бу йил Тошмат картошка ишлаб чиқаришга 25 минг сўм инвестиция қилди, уруғликни арзонроқ, яъни 6 сўм/кг дан сотиб олди. Аммо у картошка нечанчи репродукциядан олинганини билмас эди.

Эшмат 50 минг сўм инвестиция қилиб, уруғликни уруғлик фондидан 1-репродукциянинг картошкасини 15 сўмдан сотиб олди.

Ойбек 80 минг сўм инвестиция қилиб, 1-репродукцияли уруғликни 30 сўмдан сотиб олган.

Кузда ҳосилни йиғиб олиш вақти келганда Тошмат 10 тонна, Эшмат 22 тонн ва Ойбек 40 тонна картошка ҳосилини олди.

Бунда маҳсулотининг сифати унча яхши бўмагани туфайли Тошмат ўз картошкасини 6 сўмдан сотди. Эшматнинг картошкаси 3-репродукцияли бўлгани учун у ўртача 8 сўмдан сота олди. Ойбекнинг картошкаси 2-репродукциядан олинган бўлиб, у 20 тонна маҳсулотини 15 сўмдан, қолган 20 тоннасини 8 сўмдан сотишга муваффақ бўлди.

Уларнинг ҳар бири 1 га ерга 3 тоннадан картошка эккан.

#### **Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Вазиятни таҳлил қилинг. Дўстлардан ҳар бири қанча фойда кўрганини ҳисобланг.
2. Дўстлардан қай бирининг инвестицияси иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан энг фойдали бўлганини аниқланг.

#### **14-Кейс. Кредит.**

Пўлат кузда 20 тонна миқдорда учинчи репродукцияли картошкани 6 сўм/кгдан харид қилиш учун воситачи билан шартнома тузди. Аммо воситачи маҳсулотнинг ғақини ҳосил йиғиб олингандан сўнг уч ой давомида тўлайдиган бўлди. Бошланғич бадал 50 минг сўмни ташкил қилади. Кейинроқ икки марта 35 сўмдан тўлайди. Бунинг учун у картошка экиладиган ер майдонини кенгайтиришга қарор қилди ва ўзида мавжуд бўлган 0.5 га ерга қўшимча равишда яна 1 га ер олди. Илгари у 0,5 га еридан 8 тонна картошка олган бўлиб, умумий харажатлар 35000 сўмни ташкил қилган эди.

Режалаштирган иш учун зарур бўлган барча харажатларни ҳисоблаб чиққанида унга 60 минг сўмлик пул маблағи етмаётганини маълум бўлди. Чунки режасини амалга ошириш учун 80 минг сўм керак эди. Шунда у етишмаётган маблағни сўраб кредит ташкилотига мурожат қилди.

Кредит ташкилотида Пўлатга кредит бериш шартлари тўғрисида сўзлаб бердилар ва унинг учун қулай бўлган қарз маблағини сўндириш режасини тузишини сўрадилар.

Кредит бериш шартлари қуйидагича экан:

- Кредитнинг фоиз ставкаси йиллик 22% ни ташкил қилади.
- Кредитни қайтаришнинг минимал муддати - 6ой.
- Имтиёзли давр -3 ой.

**Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Пўлат кредит компаниясига ҳар ойда қанча пул маблағини тўлаши лозим?
2. Пўлатнинг якуний фойдаси у кредит олмасдан ўзининг 0,5 га ерида картошка етиштирган тақдирда ҳамда кредит олиб, экин майдонини кўпайтирган ҳолда қанча фойда олишини ҳисоблаб чиқинг.
3. Нафлилик (фойдалилик) ҳақида умумий хулоса чиқаринг.

**15-Кейс. Кредитни муддатидан олдин сўндириш.**

Ойбек помидор етиштириш билан шуғулланади. Бу йил ўзининг 2 галик даласида янги навли помидор кўчатларини энди ва мавсум охирида 80 тонна ҳосил олишни мўлжаллади.

У қайта ишлаш корхонаси билан 3 сўм/кгдан помидор етказиб бериш учун шартнома тузди. Қайта ишлаш корхонаси помидорнинг ҳақини ҳосил йиғиб олиниши биланоқ тўлашга ваъда берди ва транспорт харажатларини ҳам ўз зиммасига олди. Бундай шартлар Ойбекка жуда маъқул бўлди.

Мавсум давомида помидор етиштириш бўйича бажариладиган барча ишлар учун унга 65 минг сўм зарур, аммо унда бунча маблағ йўқ, фақатгина 30 минг сўм нақд пули бор эди. Ойбек бундан ташвишланмади, чунки етишмаётган маблағни қайта ишлаш корхонаси билан ҳисоб-китоб қилгунга қадар кредитга ёки қариндошларидан қарзга олишим мумкин деб ўйлади.

Ҳосилни йиғиб олишга бир ой қолганда у микрокредит компаниясига мурожат қилди ва вазиятни тушунтириб, қайта ишлаш корхонаси билан шартномасини кўрсатди. У ерда унга етишмаётган маблағни 6 ойга кредитга олишни таклиф қилишди, чунки бу кредит беришнинг минимал муддати бўлиб, имтиёзли давр 2 ойни ташкил қилар, асосий сумма эса тенг улушларда тўланиши лозим эка. Шунингдек, у кредитни муддатидан илгари сўндириш имкониятидан фойдаланиши ва бу ҳолда муддатидан олдин сўндирилаётган сумма учун 5% жарима тўлаши керак экан. Кредит учун фоизлар йиллик 26% дед белгиланган.

Ойбек ўйлаб кўришга ва ушбу вазиятда қандай йўл тутса фойдалироқ бўлишини ҳисоблаб кўришга қарор қилди.

**Муҳокама учун саволлар:**

1. Ойбек учун кредитни сўндириш вариантларни ҳисоблаб чиқинг.
2. Кредитни муддатидан олдин сўндириш фойдали бўладими?

**16-Кейс. Сотувнинг иқтисодий таҳлили.**

Тошмат ўзига тегишли ерда картошка етиштирган ва кузда 30 тонна /га ҳосил олган.

Воситачилар учун картошкасини тўғри даладан 6 сўм/кгдан сотиб олишни таклиф қилган, аммо у баҳорда картошканинг баҳоси 10 сўм/кг бўлишини билар эди. У ўзининг картошкасини баҳоргача сақлаб туришга ва уни 4 сўм қимматроқ сотишга қарор қилди.

Баҳорда у картошкани сақлаш қоидаларига риоя қилмагани туфайли ҳосилнинг 1/3 қисмини йўқотганини тушунди. Бу муаммо уни жуда ташвишлантириб қўйди. Бир марта у бу борада стажи катта бўлган фермер дўстлари билан шу муаммони муҳокама қилганида кўпгина қизиқарли нарсаларни билиб олди, хусусан:

Биринчи дўсти картошкани 3 қисмга бўлган ҳолда сотиш энг фойдали деб таъкидлади, яъни

1. 1/3 қисми-кузда 6 сўмдан,
2. 1/3 қисми -қишда 10 сўмдан,
3. 1/3 қисми -баҳорда 10 сўмдан.

Иккинчи дўсти бутун ҳосилни кузда даланинг ўзидан сотиш ва бу ҳақда бошқа ўйламаслик энг фойдали бўлади деб айтди. Учинчи дўсти эса яхшиси картошкани тўғри сақлашни ўрганиш керак, бунинг устига сабзаёт сақлаш учун махсус омбор ҳам бор. Шунда картошкани баҳорда сотиб катта фойда кўриш мумкин. Аммо сақлаш чоғидаги йўқотишлар 10% ни, сақлаш харажатлари эса 0,6 сўм/кгни ташкил қилиши мумкин.

Шундай қилиб дўстлар турлича фикр билдирдилар.

**Муҳокама қилиш учун саволлар:**

1. Вазиятли таҳлил қилинг. Иқтисодий таҳлил ўтказиб, Тошмат учун қайси вариант фойдалироқ бўлишини аниқланг.

**17-Кейс. Меҳнат омилининг қопланиши.**

Маратнинг оиласи 1,5 га ерга майдонига эга. Уларнинг ҳудудида картошка, буғдой, қанд лавлаги ва беда ўстирилади. Аммо сўнгги вақтларда ўғиллари бошқа ишларга жойлашгандан сўнг унинг хўжалигида ишчи кучи камийиб қолди. Шунда у ишчи кучи унинг учун чекланган ишлаб чиқариш омилига айланди деб ўйлаб қолди. Шу боисдан Марат уч турдаги экинни алмашлаб экишга риоя қилиш орқали ўзининг даромадини диверсификациялаган ҳолда иш вақти энг яхши усулда қопланишини ҳоҳлар эди.

Бунинг учун у маржинал даромадни (тушум- ўзгарувчан харажатлар) аниқлайда, бунда ҳали меҳнат учун ҳақ тўланмаган бўлади. Сўнг у етиштирмоқчи бўлган экинлар учун қанча меҳнат (киши/соатларда) талаб қилинишини ҳисоблаб чиқади ва қуйидаги рақамларни ҳосил қилади:

Экин тури	Ўлчов бирлиги	Маржинал даромад (сўм)	Меҳнат киши /соат
Картошка	га	65000	
Арпа	га	5500	
Буғдой	га	8000	
Қанд лавлаги	га	45000	
Беда	га	6500	

### Мухокама қилиш учун саволлар:

1. Бир соатлик иш вақти (киши/соат) энг яхши ҳолда қопланиши учун Марат қандай экинларни етиштириши лозим?

### 18-Кейс. Бизнес режа.

Иттифок қишлоғида қишлоқ хўжалиги техникаси катта муаммо ҳисобланади. Мавжуд техника жуда эски бўлиб, улар ўзининг хизмат муддатини аллақачон ўтаб бўлган. Мазкур техника тез-тез бузилиб тургани туфайли ерга ўз вақтида ишлов бериш бериш муаммоси вужудга келади. Бир куни далалари ёнма-ён жойлашган ва бир неча кундан бери техникага навбат кутиб ўтирган қўшнилари техниканинг етишмаслиги муаммосини муҳокама қила бошладилар. Улардан бири қўшни қишлоқда янги трактор пайдо бўлганини айтиб қолди. Уни кооператив кредитга сотиб олган экан. Шу қўшни уларнинг ҳисоб-китобларини кўриб қолибди. Ушбу трактор бир неча йил ичида ўзини тўлиқ қоплар экан. Трактор билан ишлов беришнинг йиллик оптимал миқдори йилига 100 га ни ташкил қилади.

Қўшнилари шундай янги тракторни сотиб олиш ғоясига қизиқиб қолдилар. Мухокамада қатнашаган бошқа товар сервис кооперативи (ТСК) модели ҳақида гапириб берди. Бу моделнинг моҳияти шундаки, трактор кооперативнинг аъзоларига уларнинг ўзи белгилаган нархлар бўйича хизмат кўрсатади. Мазкур аъзоларнинг ерлари бирлаштирилмаган бўлиб, ўстириладиган экин таркибини уларнинг ҳар бири мустақил белгилайди. Шундай қилиб, ТСК нинг аъзолари бир вақтнинг ўзида унинг мижозлари ҳам ҳисобланади. Кооперативнинг ушбу ушбу моделида техника ўзининг даромадини ўзи ишлаб топади. Бу даромад ҳосилга боғлиқ бўлмагани туфайли кредитни туфайли кредитни тўлашдаги таҳликани пасайтиради.

Қўшнилари тахминий ҳисоб-китоблардан сўнг мижозлар сони етарли йигилса трактор ўзини қоплашини тушундилар. Сухбатнинг учинчи иштирокчиси 18 % тўлов эвазига олиш мумкинлигини айтди. Аммо бу кредит фақат кооперативларга берилиб, кооператив сотиб олинаётган техника қийматининг 30% миқдорида ўзининг улушини олдиндан тўлаши лозим экан. Ундан ташқари кооператив 75% хизматни ўзининг аъзолари учун ва 25% ни кооперативга аъзо бўлмаган деҳқонлар учун бажариб бериши керак. Мухокамалар якунида мазкур қўшнилари техникани кредитга олиш фойдали бўлиш- бўлмаслигини ҳисоблаб кўришга, фойдали бўлиши аниқланганда эса кооператив ташкил қилишга қарор қилдилар.

Бунинг учун қуйидаги маълумотларни тўпладилар:

#### Экинларнинг таркиби.

Умумий майдон (аъзоларнинг ери 75 га ва аъзо бўлмаганлариники 25 га)	100	га
Буғдой	20	га
Картошка	20	га
Қўп йиллик ўтлар	40	га
Ўтлар	20	га

**Инновацион режа.**

Техниканинг номи	Русуми	Қиймати (сўм)	ҳолати
Трактор	МТЗ - 82.1	780000	янги
Плуг	Л – 108	80000	янги
Ариқ қазигич		20000	ишлатилган, яхши ҳолатда
Борона	БЗ-3	40000	ишлатилган, яхши ҳолатда
Сеялка	СЗ-3,6	150000	ишлатилган, яхши ҳолатда
Картошка қазигич	КТН-2	180000	ишлатилган, яхши ҳолатда
Ўт ўргич	КС-2	50000	янги
Хаскаш		30000	ишлатилган, яхши ҳолатда
Пресс қилувчи техника		270000	ишлатилган, яхши ҳолатда
Прицеп	4 Т	60000	ишлатилган, яхши ҳолатда
Жами:		1660000	сўм

**Хизматнинг қиймати.**

Ариқ олиш	250	сўм/га
Хайдаш	1000	сўм/га
Бороналаш	600	сўм/га
Экиш	600	сўм/га
Қазиб олиш	2000	сўм/га
Ўриш	800	сўм/га
Тойлаш	600	сўм/га
Похолни пресшлаш	10	сўм/той
Транспортировка қилиш	400	сўм/рейс

**Лойиҳанинг айрим харажатлари.**

Иш ҳақи	Сўм/ой	Ой
Тракторчи	6x8000	48000
Раҳбар	6x1000	6000
Бухгалтер	6x1000	6000
Ижтимоий фонд (17,25 %)	60000	10350
Таъмирлаш		66400
Мотор мойи		3000
Бошқа харажатлар		6000

**Муҳокама қилиш учун саволлар.**

1. Уй хўжалиги ёки фермернинг ери ўртача 3 га бўлса, кооперативнинг аъзолари сони камида қанча бўлиши керак?
2. Ўз улушингизнинг ҳажмини аниқланг ва ундан кредит шаклида оладиган ҳиссангизни аниқланг.
3. Юқорида келтирилган айрим харажатларни инобатга олган ҳолда техникадан фойланиш билан боғлиқ бўлган сарф- харажатларни аниқланг.
4. Техникани сотиб олиш натижасида олинган йиллик даромад ва фойдани ҳисобланг.
5. “Иттифоқ” қишлоғида қишлоқ хўжалиги техникасига оид муаммони ҳал қилиш учун кооперативга бирлашиш тўғри қарор бўладими?

**19-Кейс. Лизинг ёки кредит.**

Ўзаро ёрдам гуруҳи фермер хўжалигини юритиш бўйича ўзининг техникавий имкониятларини яхшилашга қарор қилди. Бунинг улар янги

трактор сотиб олмоқчи бўлдилар. Пул маблағлари етарли бўлмагани сабабли улар ё лизинг компаниясининг хизматидан фойдаланишга ёки микрокредит ташкилотидан кредит олишга келишдилар.

Ушбу компанияларга мурожат қилишдан олдин фермер гуруҳи лизинг ва ркредитнинг қиёсий таҳлилини ўтказишга қарор қилдилар. Бунинг учун улар қуйидаги маълумотлардан фойдаландилар.

Лизинг мол-мулкни сотиб олиш ва лизинг шартномаси асосида юридик ёки жисмоний шахсларга муайян ҳақ эвазига шартнома белгиланган муддатда лизинг олувчига кеийчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан берилиш бўйича инновацион фаолият туридир.

Лизинг олувчи зарур таъсисчилик ва молиявий хужжатларни тақдим этади ҳамда сотиб олинаётган мол-мулкнинг қийматидан 20-40 % ҳисобидан аванс тўлайди. Лизинг бўйича кредит тўлови 15 % дан 35 % гача.

Максимал сўндириш муддати 5 йилгача. Имтиёз даври 1 йилгача.

Лизинг корхонага ривожланиш учун зарур мол-мулк (бино, ускуна) ни ундан фойдаланишдан келадиган даромаддан секин-аста тўлаб бориш йўли билан сотиб олиш имконини беради. Лизингда сотиб олинаётган мол-мулкнинг ўзи гаров бўлиб ҳисобланади.

Лизинг предмети лизинг олувчининг балансида ҳисобга олинади, ундан ташқари лизинг асосий воситаларни тўғридан –тўғри сотиб олишдан фарқ қилган ҳолда жадаллаштирилган амортизация усулини қўллаш имконини беради. Бутун лизинг муддати давомида лизинг олувчи шартнома бўйича лизинг тўловларини тўлаб боради.

Кредит- молиявий муассалардан пул маблағларини қарзга олиш шаклидир. Кредит бериш учун банк ташкилотнинг кредит тарихини, актив ва пассивларининг миқдорини, қўшимча таъминланиши ва гаровнинг мавжудлигини ўрганиб чиқади.

Кредитлаш шартномасининг мумкин бўлган муддати -6 ойдан 36 ойгачадир, лизинг шартномасининг муддати эса 60 ой ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Фоиз ставкаси йиллик 21% дан 35 % гача бўлади. Имтиёзли давр 6 ойдан бошланади. Бошланғич бадал зарур бўлган инвестицияларнинг 30% ини ташкил қилади.

Кредит операцияларидан фарқ қилган ҳолда лизинг корхонанинг молиявий барқарорлик ва ликвидлик кўрсткичларига таъсир қилмайди, чунки корхонанинг балансида фақатгина жорий лизинг тўловлари бўйича қарздорлик акс эттирилади.

#### **Муҳокама учун саволлар:**

1. Мавжуд маълумотлар асосида лизинг ва кредитнинг қиёсий таҳлилини ўтказинг.
2. Ушбу фермерлар гуруҳи учун тўғри танлов қабул қилишга ёрдам беринг.

## **20-Кейс. Лизинг тўловларини ҳисоблаш.**

Қишлоқ хўжалиги кооперативи ўзининг технопаркини янгилашга ва янги қишлоқ хўжалиги техникасини, яъни трактор сотиб олишга қарор қилди. Бунинг учун улар лизинг компаниясининг хизматидан фойдаланмоқчи бўлдилар.

Лизинг компаниясига мурожат қилиб, улар қуйидаги шартларга келишдилар:

- Сотиб олинаётган техниканинг қиймати- 800000 сўм;
- Шартнома муддати- 6 йил;
- Трактор учун олдиндан тўланадиган сумма- 30%;
- Тўлиқ тикланиши учун амортизация ажратмаларининг меъёри- 10%;
- Фоиз ставкаси- йиллик 15%;
- Кредит берилгани учун тўланадиган аванс суммасининг махсус фоизи- лизинг суммасидан- 2%;
- Юридик хизматлар- лизинг суммасидан- 1% ҳисобида;
- Лизинг олувчи шартнома муддати тугагандан сўнг мол-мулкни қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга;
- Лизинг бадаллари 1 йилдан бошлаб ҳар йили тенг улушларда тўлаб борилади.

**Муҳокама учун саволлар:**

1. Техниканинг қолдиқ қийматини аниқланг.
2. Мавжуд маълумотлар асосида лизинг тўловларини ҳисоблаб чиқинг.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши ни тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавзулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқа.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимида киритиб бориши лозим.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг моҳияти ва асосий йўналишлари.
2. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий барқарорликни таъминлашда давлатнинг тутган ўрни.
3. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликни оширишда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг тутган ўрни.
4. Қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унинг иқтисодий самарадорлиги.
5. Дехқончиликда маҳсулот таннархи ва унинг пасайишига таъсир кўрсатувчи омиллар.
6. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида маҳсулот таннархи ва уни пасайтириш йўллари.
7. Қишлоқ хўжалигида янги техника ва илғор технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги.
8. Қишлоқ хўжалигида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларидан самарали фойдаланиш йўллари.
9. Боғдорчиликда инновацион технологиялар ва уларнинг самарадорлиги.
10. Чорвачиликда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.
11. Қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги.
12. Қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.
13. Қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.
14. Фермер хўжаликлар фаолияти самарадорлигини таъминлашда шартномавий муносабатларни такомиллаштиришнинг аҳамияти.
15. Фермер хўжаликларида молиявий натижалар таҳлили.
16. Қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.
17. Қишлоқ хўжалигида боғдорчиликни интенсив ривожлантиришнинг ижтимоий -иқтисодий асослари.
18. Озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашда дехқон хўжаликларининг тутган ўрни.
19. Дехқон хўжаликларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда микрокредитларнинг тутган ўрни.
20. Қишлоқ хўжалик корхоналари билан давлат ўртасидаги молиявий муносабатлар таҳлили ва уни яхшилаш йўллари.



## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Абстракт меҳнат</b> abstract labor	«Абстракт» сўзи ўзбек тилида «мавҳум» деган маънони билдиради. Абстракт меҳнат товар қийматини яратади. Меҳнат аниқ шаклидан қатъий назар умуман сарфланган иш кучидир, жами ижтимоий меҳнат сарфидан иборат бўлади	'Abstract' means in the Uzbek language in the 'abstract'. Abstract labor creates the value of the goods. Labor expended in general, regardless of the specific form of labor, total labor costs.
<b>Аграр муносабатлар</b> agrarian relations	ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлардан иборат	Land ownership, use and dispose of it in connection with the relationship.
<b>Аграр ислохотлар</b> agrarian reform	иқтисодийнинг аграр соҳасида туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи	The agricultural sector of the economy, reforms in the implementation of a set of economic measures.
<b>Аграр сиёсат</b> agrarian policy	бозор ислохотларининг таркибий қисми бўлиб, аграр ислохотлар асосида амалга оширилади. Бу сиёсат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, агросаноат мажмуи (АСМ) бошқа тармоқларининг самарали ривожланиши ва қишлоқ жойларидаги муносабатларнинг бошқаруви борасида илмий қарашларнинг, ғоя ва мақсадларнинг сиёсий ва амалий воситаларининг йиғиндисидир. Аграр сиёсат аграр ислохотларнинг ҳар бир босқичида бўлаётган ўзгаришлар асосида шаклланимۇқда. Аграр сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга, яъни қишлоқ хўжалигини малакали ишчилар, юқори унумли техника билан таъминлашга қаратилган	As part of the structural reform of the market, on the basis of the agrarian reforms. It is the policy of agricultural production, agro-industrial complex (ACM), and other industries in the development of effective management relations in the rural areas of scientific concepts, ideas and political and practical means of collection. Agricultural policy on the basis of the changes in each stage of the agrarian reforms in progress. One of the main directions of agricultural policy in the development of the forces of production, skilled workers in the agricultural sector, aimed at providing high-performance technology.
<b>Агробизнес</b> agribusiness	тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳаларда гинамоён бўлиш шакли	Forming of business activity may manifest in all spheres which concern in agriculture
<b>Агросаноат интеграцияси</b> agroindustrial integration	қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёнидир	Agriculture, with services and consumer products suppliers adjacent sectors in the development of the relations of production and the process of their ideology.

<b>Агросаноат мажмуаси</b> agro-industrial complex	истеъмолчиларнинг талабини қондириш имкониятига эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида иқтисодиётнинг айрим ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи соҳаларнинг иқтисодий уйғунлашуви	Which is able to meet the demand of consumers to produce some of the economy in order to develop products, services, processing and sales, the economic integration of the areas involved.
<b>Агромелиоратив тадбирлар</b> agromeliorativeeven ts	ер текислаш, дарахт ўтказиш, алмашлаб экишни жорий қилиш, шудгорлаш, юмшатиш, қатор ораларига ишлов бериш, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш, шўр ювиш ишлари мажмуасидир	Land leveling, tree, crop rotation, plowing, mitigation, processing of mineral and organic fertilizer use, leaching complex.
<b>Агрофирма</b> agrofirma	маълум турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни пировард маҳсулот даражасигача қайта ишлашни кўшиб олиб борадиган корхонадир	Certain types of agricultural production and the final product will be added to the level of processing enterprises.
<b>Агросаноат бирлашмалари</b> agro-industrial associations	қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ва тижорат ишлари билан шуғулланувчи корхоналар йиғиндиси	Agriculture, industry, agriculture, services, and the sum of the enterprises engaged in commercial activities.
<b>Агросаноат комбинатлари</b> agro- industrialenterprise	қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришгача барча технологик жараёнга хизмат қилувчи хўжалик ва корхоналарнинг маълум бир ҳудудида бирлашувидир	Agricultural production, processing and delivery of products to consumers all the technological process of agricultural enterprises and to serve a union.
<b>Айирбошлаш шартномаси</b> contract of sale	айирбошлаш шартномасига кўра, бир томон иккинчи томонга бир товар ўрнига иккинчи товарни эгаликка бериш мажбуриятини олади	According to the agreement, the exchange of a second side to side instead of a brand committed to the ownership of goods.
<b>Айланмаактивлар</b> current assets	корхоналар ва ташкилотларнинг бухгалтерлик баланси актив қисмида акс эттириладиган меъёрга солинувчан ва меъёрга солинмайдиган айланма маблағлар	Businesses and organizations to balance the active principle in norm reflected in the turnover and the principle of untaxed.
<b>Айланма ишлаб чиқариш воситалари</b> current means of production	ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини маҳсулотларга бир иш даврида тўлиғи билан ўтказадиган, асл табиий ҳолатдаги куринишларини ўзгартирувчи ишлаб чиқариш воситаларидир. Булар уруғлик, ёқилғи мойлаш ашёлари, кимёвий воситалар, ем-хашак, арзон баҳоли тез эскирувчи буюмлар, жорий валюта ҳисобидаги, кассадаги маблағлар ва	The value of its products in the production process with a periodic payment, the original symptoms can alter the natural state of the means of production. These include seeds, fuel and lubricant materials, chemicals, forage, low cost and quick out-of-date products, the introduction of foreign currency cash funds and others.

	бошқалардир	
<b>Актив</b> assets	1) ташкилотнинг ҳар қандай мулки: машина ва ускуналар, бинолар, банк омонатлари ва қимматли қоғозларга сармоялар, патентлар; 2) корхонанинг моддий ва номоддий қийматларини акс эттирувчи бухгалтерлик баланси қисми (гудвилл); ишлаб чиқариш жараёнидаги ролига мувофиқ гуруҳлаштирилган воситаларнинг таркиби, жойлаштирилиши ва фойдаланилишини характерлайди; 3) баъзи баланс турларида даромадларнинг харажатлардан ошиши (тўлов баланси ва ҳ.к.)	1) Any kind of property: machinery and equipment, buildings, bank deposits and securities investments, patents; 2) reflect the company's tangible and intangible values of balance (goodwill); grouping means, in accordance with its role in the process of the production of the composition, deployment and use characterizes; 3) Some of the increase in the cost of materials for the balance of income (balance of payments, etc.).
<b>Алмашлаб экиш</b> crop rotation	экинларни вақт (йиллар бўйича) ва бўшлиқда (далаларда) маълум муддатда амалга ошириладиган илмий асосланган навбатлаб турилиши тушунилади. Алмашлаб экишнинг асосий вазифаси ерларнинг унумдорлигини тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш, ерларни турли зараркунандалар, касаллик қўзғатувчилардан тозалаш, ёввойи ўтлардан холи қилиш, маҳсулот таннархини камайтирган ҳолда экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлашдир	The technology of the time (years) and emptiness (the fields) carried out in a certain period of time based solely on. Main task is to restore soil fertility and crop yields, land of various pests, disease treatment, free of weeds, reducing the cost of the product to ensure high crop yields.
<b>Антимонопол қонунчилик</b> antitrust policy	иқтисодиётда яқка ҳукмронлик мақеига эга бўлган бирор бир фаолият турига қарши давлатнинг кураш сиёсатидан иборат.	Individual sovereignty with any type of activity in the economy, it consist of the struggle against the politics of the state.
<b>Амортизация</b> amortization	1) Машина, асбоб-ускуна, бино ва шу кабиларнинг эскиришига қараб, уларнинг баҳосини камайтириб бориш; уларнинг шу чегирилган қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига қўшиб бориш. 2) алоҳида шахсни ёки ташкилотни ўз қарзини аста-секин, даражама-даража тўлаш мажбуриятидан қутулиш; 3) қарз мажбуриятининг йўқотилиши, ўчирилиши оқибатида унинг бекор қилинганлигини тан олиш.	1) machinery, equipment, buildings, etc., depending on the wear, lowering their prices; they discount the value of the manufactured product costs to add. 2) a particular person or organization at the level of their debt gradually get rid of the obligation to pay; 3) of debt off its loss of recognition has been canceled.
<b>Асосий капитал</b> main capital	ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йил давомида иштирок этувчи ва ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотга қисман ўтказиб борувчи	During the production process for a number of years preparing for the role and the value of their product, leading to a partial

	меҳнат воситаларидир	transfer of communication.
<b>Айланма капитал</b> working capital	хом ашё материаллар, энергетика ресурсларида моддийлашган ва бир ишлаб чиқариш циклида сарфланувчи, ўз қийматини тайёрланган маҳсулотга тўлиқ кўчирувчи капитал	Raw materials, energy resources and materiality of a production cycle will decrease the value of their product partial capital.
<b>Баланс</b> balance	халқ хўжалигида ва умуман хўжалик, савдо ишларида бир-бирига боғлиқ бўлган соҳаларнинг ўзаро мувофиқ салмоғи. Б. бирор корхона ёки ташкилотда муайян бир муддат оралиғидаги кирим билан чиқимни, яъни даромад билан буромадни бир-бирига таққослаб чиқилган якун	The national economy and the general economic and commercial affairs of a share-related areas. B. a company or organization to access a particular time period between developed and that income and outcome compared to a one-off.
<b>Банк</b> bank	юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини бир жойга тўпловчи ва узлуксиз айланиб турушини таъминловчи, корхоналарга ва умуман пулга мухтожларга кредит, ссуда берувчи, томонлар ўртасида тўлов ва бошқа ҳисоб-китоб ишларида воситачилик қилиб турувчи, олтин ва чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларни бажарувчи кредит-молия муассаси.Б. пул қўювчиларга маълум фоиз тўлаб, қарз олганлардан юқорироқ фоиз ставкасини ундиради ва ана шу фоизлар ўртасидаги фарқ банк фойдаси ҳисобланади	Legal and physical persons temporarily idle funds in one place and ensuring the continuous ringing, and no money to businesses in need of credit, loan, payment between the parties and other payment processing means higher gold and executing foreign exchange transactions with credit Financial enterprise .B. Those who lend money helps percent pay a higher interest rate in the ear, and that the difference between the interest the bank's profits.
<b>Банк фоиз ставкаси</b> bank interest rate	банк ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори, қарз суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ундирилади. БФС. ўзгарувчан кўрсаткич бўлиб, банк ссудаси қарзга бўлган мухтожликка қараб ўзгартирилади. БФС миқдори банк ва мижоз ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланиб, қарзнинг қайси тарзда ва қандай шартларда берилишига боғлиқ	The amount of the charge for the use of bank loans charged a percentage of the amount borrowed. BIR. changing indicator, which is borrowed from the bank loan, depending on the need of change. BFS defined in accordance with the agreement between the client and the bank the amount of debt depends how and under what conditions.
<b>Бизнес</b> business	бойлик, фойда орттиришга йўналтирилган иш, фаолият. Бизнес хўжалик юритиш кўламига қараб йирик, ўрта ва майда турларга бўлинади. Ходимларнинг ўртача сони ва маҳсулот ҳажмига қараб	Wealth, make profit-oriented business activities. Depending on the scale of the business of managing large, medium and small types. The average number of employees and

	ажратилади	allocated depending on the size of the product.
<b>Бизнес режа</b> business plan	бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликнинг барча соҳаларида қўлланадиган муҳим қурол бўлиб ҳисобланади. Иш жараёни ҳақида маълумот беради. Унинг ёрдамида фирма ўсиб бориши, истикболни белгилаб бориши, даромадини кўпайтириши мумкин. БР ўта муҳим молиявий ҳужжат сифатида фирма фаолиятини барча қирраларини таҳлил қилишга ёрдам беради. У нафақат ички ҳужжати бўлиб, балки кредит олиши учун зарур бўладиган ҳужжатлардан биридир	The weapon used in all areas of business in a market economy. Information about the process. The growth of the company, the future may go, you can increase the income. BP as a very important financial document will help you analyze all aspects of the activities of the company. It is not just an internal document, but one of the documents required for the credit.
<b>Биологик иситиш</b> biological warming	органик материалларни микроорганизмлар ёрдамида чириши оқибатида чиқарадиган иссиқлик билан иситиш. Ҳимоя қилинган жойда фойдаланилади	Decomposing organic materials using microorganisms are heated with heat. Used in protected place.
